O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **18** май, жума № **20** (2199).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **18** мая, **2007** год, № **20** (2199).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

...Ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади.

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОРОЛБЎЙИГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишиш мақсадида 17 май куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қорақалпоғистонда рўй бераётган ўзгаришлар, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги янгиланишлар одамларнинг турмуш тарзида, онгу шуурида ўз инъикосини топмоқда. Бу – Қорақалпоғистон аҳлининг заҳматли меҳнати эвазига эришилаётган ютуқларда, шаҳар, қишлоқ ва овулларнинг қиёфасида, ишга туширилаётган янгидан-янги иншоотларда, ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиб бораётганида янада яққолроқ намоён бўлади.

Ер ҳақиқий эгасини топмоғи керак. Унинг асл соҳиби эса фермердир. Таъбир жоиз бўлса, Юртбошимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг туб моҳиятини ана шундай изоҳлаш мумкин.

Қорақалпоғистонда ҳам фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда қарийб 10 минг фермер хўжалиги фаолият олиб бораяпти. Шулардан 4,5 мингга яқини пахтачилик, 2 мингдан кўпроғи ғаллачилик, салкам бир ярим мингтаси полизчилик, яна мингга яқин фермер хўжалиги чорвачилик ҳамда балиқчилик билан шуғулланади. Ўтган йили уюлган пахта хирмонининг 98 фоизи фермерлар улушига тўғри келгани ҳам мазкур соҳада ишлар изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга сафарини аграр соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишишдан бошлади. Хўжайли туманининг "Тошкент" фермер хўжаликлари бирлашмаси, шунингдек, Қанликўл туманидаги "Бескўпир" муқобил машина-трактор паркига қарашли Бахт Назаров раҳбарлигидаги "Худайберган Шаншимай" фермер хўжалиги ҳамда Тожихол Эшқобулова раҳбарлигидаги "Қофир" фермер хўжалиги далаларида бўлди.

Фермер Тожихол Эшқобулова 20 гектар ерда ғўза ва шунча майдонда ғалла парваришламоқда. Бунда тасарруфидаги ўндан зиёд техникадан унумли фойдаланаётгани қўл келмоқда. Унинг 300 бош қорамоли ҳам бор.

Юртбошимиз билан суҳбат чоғида фермер ўтган йили 30 миллион сўм даромад олиб, иккита кам таъминланган оилага сигир ҳадя қилгани ва муқаддас ҳаж зиёратига бориб келгани ҳақида сўзлаб берди.

Президент Ислом Каримов қорақалпоғистонлик фермерлар билан учрашувлари чоғида мураккаб иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилаётгани учун уларга самимий миннатдорлик изҳор этди. Кишиларнинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришлари учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш уларнинг меҳнат жабҳасида янгидан-янги марраларни эгаллашларида муҳим омил эканига эътиборни қаратди.

Мамлакатимиз саноатида Қорақалпоғистоннинг алоҳида ўрни бор. Хўжайли шиша заводи, "Марказий Осиё безак тошлари" қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги мармар ва кабель заводлари, Урга газ кони, "Элтекс" ва "Катекс" каби ишлаб чиқариш мажмуалари замонавий саноат корхоналаридандир. Ўтган йилнинг ёзида улар қаторига Қўнғирот сода заводи қўшилди.

Ушбу йирик завод ўз ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлари билан минтақамизда ягона ҳисобланади. Мазкур корхона йилига 100 минг тонна калцийланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга. Сода ишлаб чиқариш технологияси мураккаб жараён. Ушбу жараён дунёга машҳур "Хонивелл" ва "Сименс" фирмалари компьютерлари тизими орқали бошқарилади. Янги корхонанинг яна бир аҳамиятли томони – бу ерда бир минг 300 нафар киши меҳнат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Қудратимиз — техникани бошқариш салоҳиятида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан 2007 йил 14 май куни Ўзбекистон бўйича қабул қилинган хулоса муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагича баёнот беради.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган фожиали воқеалар муносабати билан Европа Иттифоқи Кенгашининг 2005 йил 23 май ҳамда 2005 йил 3 октябрдаги хулосалари аввалбошданоқ, бундай ҳолларда амал қилиниши лозим бўлган таомилга зид равишда, воқеаларни ўз жойида ўрганмасдан ва малакали экспертлар гуруҳи ёки ЕИ дипломатларининг баҳосини ўрганмай туриб қабул қилинган эди.

Мазкур хулосаларнинг қабул қилинишига биринчи галда айрим ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва ноҳукумат ташкилотларнинг кейинчалик ўз тасдиғини топмаган маълумотлари асос бўлган. Шунингдек, нохолис, "ўйинчи" оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистонга, унинг ҳукуматига қарши авж олдирилган ахборот хуружи – кампанияси ҳам бунда муайян роль ўйнаган.

2006 йилнинг декабрида Финляндия вакили П.Ойнонен раҳбарлигидаги Буюк Британия, Германия, Франция ва Швеция мутахассисларидан иборат ЕИ экспертлари делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. 2007 йилнинг апрелида эса ушбу делегация ГФР вакили Р.Шульце раҳбарлигида иккинчи марта мамлакатимизга келди. Улар томонидан тергов материаллари ва Ўзбекистон Олий суди қонунчиликнинг халқаро ва миллий нормаларига тўла риоя қилган ҳолда ўтказган суд жараёнининг ўрганилиши натижасида 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеаларнинг мутлақо бошқача манзараси намоён бўлди.

Инкор этиб бўлмас фактлар ва суд материаллари Андижонда аввалдан чуқур ўйланган ва пухта тайёрланган террорчилик ҳаракати содир этилганини, бундан кўзланган мақсад ҳокимиятни эгаллаб олиб, конституциявий тузумни ағдаришдан иборат бўлганидан далолат беради.

Ушбу хунрезликни амалга ошириш чоғида террорчилар томонидан катта миқдорда қурол-яроғ қўлга киритилиб, одамлар гаровга олинган, шунингдек, шаҳар ва вилоят маъмуриятлари бинолари эгалланган, олти юздан зиёд ашаддий жиноятчи қамоқхонадан чиқариб юборилган. Шаҳардаги жамоат ва давлат биноларига ўт қўйилган, гаровга олинганлар қийноққа солинган ва ўлдирилган.

ЕИнинг мазкур экспертлар гуруҳлари вакилларига ушбу иш бўйича улар талаб қилган барча материал ва манбалар берилди, судланганларнинг адвокатлари, яқинлари ва қариндошлари билан, шунингдек, террорчиларнинг ўзлари – К.Парпиев, Х.Шокиров, И.Ҳожиев, С.Зайнобиддинов ва бошқа раҳбарлари ҳамда ташкилотчилари билан учрашиш ва суҳбатлашиш учун имконият яратилди.

2007 йилнинг апрелида Парламентлар ҳамкорлиги қўмитаси мажлисида қатнашиш доирасида Ўзбекистонга ташриф буюрган Европарламент депутатлари ҳам Андижонга бориб, воқеа жойида ўзларини қизиқтирган барча шахслар ҳамда турли норасмий ташкилотлар вакиллари билан учрашиб, мулоқот қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Парламентлар ҳамкорлиги қўмитаси вакилларининг мажлиси доирасидаги музокараларда томонларни қизиқтирган деярли барча масалалар бўйича эркин фикр алмашув ва мунозаралар бўлди.

Танқидий фикрлар билан бир қаторда Ўзбекистонда ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнларига эътибор қаратилди. Жумладан, жорий йилнинг апрель ойида парламент томонидан давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва барча ҳокимият бўғинлари ўртасида мувозанатни таъминлашга, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимларини тубдан эркинлаштиришга, 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосини бекор қилиш ва «хабеас-корпус» институтини жорий этишга, юртимизда туб ислоҳотларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрнини кучайтиришга йўналтирилган конституциявий ислоҳотлар ва мамлакатимиз Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва демократик янгиланиш жараёнлари Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, барқарор эркин иқтисодиёт ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича бугун ҳаётга жорий этилаётган Ягона концепциянинг таркибий қисми бўлиб, мамлакат аҳолисининг аксарияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ЕИ Кенгашининг 2007 йил 14 майдаги хулосасини асоссиз ва нохолис, деб ҳисоблайди. Бундан кўзланган мақсад ҳуқуқни муҳофаза қилиш ниқоби остида Ўзбекистонга мунтазам тазйиқ ўтказишда ЕИ санкциялари деб аталмиш воситадан фойдаланишни давом эттиришдир. Ўз-ўзидан аёнки, бундай қарор самарасиз бўлиб, Европа Иттифоқининг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам манфаатларига бирдек мос келадиган ҳамкорлик дастурларини амалга оширишга хизмат қилмайди.

Тошкент,
2007 йил 15 май.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ҚАРОРИ – «ИККИ ЁҚЛАМА СТАНДАРТЛАР»НИНГ ЯНА БИР КЎРИНИШИДИР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан 14 май куни Ўзбекистонга нисбатан санкцияларни узайтириш тўғрисида асоссиз ва нохолис хулоса қабул қилингани муносабати билан берган баёноти хорижий мамлакатларнинг давлат, сиёсат ва эксперт доираларида, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида катта акс-садо берди.

Хусусан, **Франциянинг «Bastille-Republique-Nations» ойлик нашри бош муҳаррири Пьер Левининг** фикрича, Европа Иттифоқининг ушбу қарори ғайриқонуний, адолатсиз ва ҳатто хавфлидир.

– Мазкур қарорнинг **ғайриқонунийлиги** шундаки, – деб таъкидлади П.Лев,- Европа Иттифоқи бутун Европа халқлари номидан гапиришни даъво қилаётган экан, аввало, уларнинг фикрини ўрганиб чиқиши лозим эди. Бу халқлар ҳақиқий воқеадан яхши хабардор бўлганида, мазкур янги қарор уларни қаттиқ таажжубга солган бўларди. Чунки мазкур қарор Европа Иттифоқига аъзо 27 мамлакатнинг ташқи сиёсати ва умумий хавфсизликка оид сиёсатида икки ёқлама стандартлар мавжудлигига ишорадан ўзга нарса эмас. 2004 йилдан бери Европа Иттифоқига аъзо Эстонияда рўй берган бир воқеани мисол келтирмоқчиман. Эстония ҳукумати 1945 йилдаги ғалаба рамзи бўлган ва 60 йил мобайнида Таллин марказида қад ростлаб турган ёдгорликни кўчириш ташаббуси билан чиқди. Бу, пировардида, мамлакатдаги русийзабон аҳоли орасида оммавий норозилик пайдо бўлиб, намойишлар юз беришига ва уларнинг куч билан бостирилишига олиб келди. Натижада юзлаб одам жароҳатланди. Бир киши ҳалок бўлди. Кўплаб одамлар ҳибсга олинди. Европа Иттифоқи эса бунга эътироз билдириш ўрнига Эстония ҳукумати билан бирга эканлиги тўғрисидаги баёнотини овоза қилди.

Европа Иттифоқининг ушбу қарорининг **адолатсизлиги** шундаки, ЕИ Ўзбекистонга икки марта ўз делегациясини жўнатди. Уларнинг аъзоларига Ўзбекистон томонидан фожиали воқеалар юз берган жойларга бориш, у ерда гувоҳлар билан бевосита суҳбатлашиш имконияти яратиб берилди. Амалда эса, воқеаларнинг ҳаққоний манзарасини аниқ кўрсатиб берувчи кўплаб далиллар мавжудлигига қарамай, гўё Ўзбекистон айрим Европа давлатлари назарида муқаррар «айбдор» бўлиши керак, деган таассурот қолмоқда.

Европа Иттифоқининг ушбу қарорининг **хавфлилиги** шундаки, ЕИ халқаро муносабатлар соҳасида ЕИ санкцияларини қўллаш сиёсати одатий ҳолатга айланиб бораётганини кўрсатувчи ўзининг «ноёб» концепциясини яна бир карра намоён этди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар (Вашингтон сингари) ким кучли бўлса, ўша ҳақ, деган ягона қонунга амал қилишдек аянчли иллатга хос аломатларни кўрсатмоқда. Улар ана шу мақсадларига эришиш учун атай ўйлаб топилган «инсон ҳуқуқлари» билан боғлиқ тезислардан фойдаланмоқда. Ушбу хатти-ҳаракатларнинг асл замирида эса узоқни кўзлаган геостратегик мақсадлар, аниқроғи, энергия манбаларини қўлга киритиш режаси ётибди.

Европа Иттифоқининг мазкур қарори эркин, тенг ва суверен мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик қандай мантиққа асосланишини нотўғри тушунишнинг яна бир намойиши бўлди.

Миср ташқи ишлар вазири ўринбосарининг ёрдамчиси Фаргали Таха Тошкентдаги Миср элчихонасида ишлаган ўша 2005 йилдаёқ қатор ғарб мамлакатларининг Андижон воқеаларига ёндашувига нисбатан салбий муносабат билдирганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЖАСОРАТ ЯРАТГАН МЎЪЖИЗА

Киши одатда, поездда кетаётганида, замонанинг улкан ва маҳобатли машинаси юриб бораётган темир йўл, қолаверса, уни қурган кишилар, бу йўлнинг қандай машаққатлар билан барпо этилганлиги ва ҳоказолар ҳақида ўйлаб ўтирмайди, балки кундалик ташвишлар, об-ҳаволардан сўз юритади. Бандасининг табиати шунақа. Масаланинг моҳиятига кейин етиб боради, англаб еттач, ҳайратдан ёқа тутади. Бу табиий ҳол.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ТАРИХИМИЗ, МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ КЎЗГУСИ

Музей қайсидир маънода ҳар бир миллатнинг, мамлакатнинг тарихи, маданий-маънавий меросини акс эттирувчи кўзгудир. Яхши биламиз, миллий истиқлол ғояси-нинг тарихий илдизлари буюк мутафаккирлар меросидан озиқланади. Дунёга донги кетган шундайин буюкларимиз борки, улар нафақат юртимиз, балки дунё халқлари маънавияти, тараққиёти, жаҳон илм-фани, маданияти равнақи учун ҳам улкан хизмат қилишган. Шунинг учун ҳали-ҳануз буюк аждодларимиз меросларини ўзга юртларда ҳам асраб-авайлаб, ўрганишмоқда. Ҳатто, бошқа мамлакатлар музейларида улар қолдирган бой меросни кўз-кўз қилишмоқда. Ҳа, буюкларимиз қолдиришган маънавий ҳазина негизидан ҳали кўп-кўп гавҳарлар теришади.

(Давоми 4-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ИСТИҚЛОЛДАН ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР

Шу кунларда дунё аҳли нигоҳи, эътиборида турган Самарқанд шаҳрига ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа беқиёс бунёдкорликлар олиб кирмоқда, десак муболаға бўлмайди. Биз Самарқанднинг бой ва қадимий тарихидан, жаҳон илм-фани маданиятига қўшган улкан ҳиссасидан ғурурланиб, бугунги кундаги имкониятларига шукроналар келтириб, эртанги кунга ишонч билан яшаётган халқмиз.

(Давоми 8-бетда).

3 БДИТЕЛЬНОСТЬ – ВЕЛЕНИЕ ВРЕМЕНИ
ОТМЕЧЕНЫ ЗАСЛУЖЕННО

3 ЯНГИЧА ҲАРБИЙ АНЪАНАЛАР
ТАНТАНАЛИ ТАОМИЛ

5 ASKAR XIZMATDAN QAYTDI
YORUG' YUZ BILAN

9 ЭЗГУ КАСБ ЭГАЛАРИ
ЭЪЗОЗГА ЁР ҲАМШИРАЛАР

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОРОЛБЎЙИГА САФАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ислом Каримов завод марказий бошқарув пульти мутахассислари билан мулоқотда бўлди.

2006 йили завод 12,8 минг тонна сода ишлаб чиқарди. Бугунги кунга қадар 9 миллиард сўмликдан зиёд сода сотилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг августидан эътиборан бу ерда ҳар йили 100 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарила бошлайди. Илгари Ўзбекистон кимё саноати учун йилига 70 минг тонна ана шундай маҳсулот четдан келтирилар эди. Эндиликда Оролбўйида ишлаб чиқарилаётган ушбу сода мамлакатимиздаги "Кварц" акциядорлик жамияти, "Фарм-гласс" ва "Газалкент-ойна" қўшма корхоналари, шунингдек, ёғ-мой, кимё, металлургия корхоналарига етказиб берилмоқда. Яқин орада завод маҳсулотларининг ички эҳтиёждан ортиқча қисмини хорижга экспорт қилиш бошланади.

Мамлакатимиз раҳбари Устюрт саҳросида қад ростлаган ушбу ноёб корхона йирик даромад манбаи, фаровонлик рамзи бўлибгина қолмай, халқимизнинг, аввало, шу заминда истиқомат қилаётган қорақалпоқ элининг ғурур ва ифтихори эканини таъкидлади. Завод фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, ишчи-хизматчиларга тегишли шарт-шароит яратиш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги "Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлимнинг ўқув-лаборатория базаси завод ҳудудига жойлаштирилди.

Ҳозир бу ерда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 192 нафар талаба тўрт ихтисослик бўйича таҳсил олмоқда.

Президентимиз завод инженер-техник ходимлари, ишчи-хизматчилари билан учрашди.

– Далаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати кўнгилни қувонтиради, – деди Юртбошимиз. – Халқимиз истиқлол неъматларига шукроналик туйғуси билан яшамоқда. Кишиларимиз бахт, орзу-ният оғушида, кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар. Энг муҳими, келажакка – Ватанимизнинг ёруғ истиқболига қатъий ишонч билан қарамоқда.

Президентимиз Нукус шаҳридаги Болалар ёпиқ спорт саройини бориб кўрди. Барча замонавий шарт-шароитларга эга мазкур спорт масканида бир кунда 500 нафар бола спортнинг 14 тури билан шуғулланиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бу ерда спорт мураббийлари ва спортчилар билан мулоқотда бўлди. Спортчи ўғил-қизларга спорт анжомлари совға қилинди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари истиқлол йилларида ўзига хос қиёфа касб этаётган Урганч шаҳрида, хусусан, унинг марказий майдонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Икки арк, ранго-ранг фавворалар, буюк аждодимиз Ал-Хоразмийнинг маҳобатли ҳайкали майдонга ўзгача виқор ва кўрк бағишлайди.

Юртбошимиз бу ерда меҳнат қилаётган қурувчи ва муҳандислар билан суҳбатлашди. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Ғулом МИРЗО,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ҚАРОРИ – «ИККИ ЁҚЛАМА СТАНДАРТЛАР»НИНГ ЯНА БИР КЎРИНИШИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ф.Таха Миср ҳар доим бу масалада Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаганини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажагини таъкидлади. У Европа Иттифоқи давлатларининг асоссиз хулосаларини қоралади. Унинг фикрича, Европа Иттифоқининг ушбу позицияси Европа давлатларининг улкан имкониятларга эга Ўзбекистон Республикаси билан муносабатини ривожлантиришга монелик қилади.

Халқаро стратегик тадқиқотлар маркази ижрочи директори Одил Сулаймон Европа Иттифоқи қарорини танқидий баҳолар экан, «Ғарб давлатлари бошқа мамлакатларда рўй бераётган жараёнларни нотўғри тушуниб, оқибатда террорчилик фаолияти ортида турган бузғунчи кучларни ҳимоя қилиб, номуносиб йўл тутмоқда», деди.

О.Сулаймон Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи Кенгаши хулосасига нисбатан берган адолатли жавоби тўғри эканини таъкидлади.

«Нуҳба» тадқиқот маркази (Миср) раҳбари Аҳмад Фода Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг 2007 йил 15 майдаги баёноти билан танишиб чиққач, Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёни муваффақиятли амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилганини айтди.

Унинг фикрича, Европа Иттифоқи Ғарбга хос демократик қадриятларни бошқа мамлакатларга тиқиштиришдан аввал, муайян жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишлар ушбу мамлакат аҳолисининг менталитетига асосланишини яхши англаб олиши даркор.

Кувайтда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёноти Ўзбекистон томонининг барча манфаатдор томонлар билан холис мулоқотга тайёр эканини тасдиқловчи пухта ўйланган ҳамда аниқ далилларга асосланган ҳужжат сифатида баҳоланди.

Масалан, **Арабистон очиқ университетининг Кувайт филиали директори, сиёсатшунос Фаҳд ал-Мекрад** Ўзбекистонда бир неча марта бўлиб, бу ерда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган ўзгаришлар жадал ва изчил амалга оширилаётганига шахсан ишонч ҳосил қилганини таъкидлади. Шу муносабат билан у, давлат бошқарувини демократлаштириш, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида сиёсий партияларнинг роли ҳамда ўрнини кучайтириш борасидаги ишлар муҳим самаралар бераётганини таъкидлади.

У дунёнинг барча мамлакатларида давлатга қарши жиноят ҳисобланган конституциявий тузумга тажовуз қилишга оид фактларни текшириш мазкур давлатнинг ички иши экани ва бу жараёнга четдан аралашувларга асло йўл қўйиб бўлмаслигига эътиборни қаратди.

Фаҳд ал-Мекраднинг фикрича, Ўзбекистоннинг бир неча Европа экспертлари гуруҳларига 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеалар юзасидан тергов ва суд жараёнлари материаллари билан танишишга рухсат бергани республика раҳбарияти мулоқотга тайёр эканининг яна бир далилидир.

Сиёсатшуноснинг хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг мазкур баёноти ўзини «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар» деб атайдиган баъзи кимсаларнинг ғаразли, ҳақиқатдан йироқ баёнотларига таянадиган, Андижон воқеаларини текшириш натижаларини қасддан бузиб кўрсатишга ва Ўзбекистон танлаган демократик ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини шубҳа остига қўйишга интилаётган айрим кучларга нисбатан аниқ далиллар билан исботланган жавоб сифатида кўриб чиқилиши лозим.

(«Жаҳон» – ЎзА).

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Илгари хабар қилинганидек, Тошкентда "Демократик ривожланиш ва хавфсизликни таъминлаш масалалари" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. У Минтақавий сиёсат жамғармаси (Ўзбекистон) ва Ҳиндистоннинг қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази томонидан ташкил этилди. Анжуманга кўплаб мамлакатлардан ушбу масалалар билан шуғулланувчи сиёсатшунослар ва экспертлар ташриф буюрди.

Анжуман иштирокчилари Тошкент яна бир бор демократик қурилиш ва дунёда, жумладан Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларининг ўзаро боғлиқлиги каби замонамизнинг энг долзарб муаммолари бўйича очиқ мулоқот ўтказиладиган жойга айланганини қайд этдилар. Конференция қатнашчиларининг таъкидлашича, бу Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар бераётган самаралар билан боғлиқ. Мазкур ўзгаришларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси эса демократик жамият қуриш йўлидан бораётган бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хорижий экспертлар Президент Ислом Каримовнинг геосиёсий ёки бошқа мақсадларда демократияни «экспорт» қилишга қарши сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Ж.Маршал номидаги Хавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича Европа маркази (АҚШ) профессори Евгений Вертлибнинг фикрича, айнан Ўзбекистон биринчи бўлиб бундай маккорона демократлаштиришнинг салбий оқибатларини англаб етди ва собиқ шўро ҳудудида «рангли инқилоблар» тўлқинини тўхтатиб қолди. Чунки, бундай ҳаракатлар замирида демократия, демократик қадриятлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шиорини ниқоб қилиб олган, аввало, жаҳонда ўз мафкураси ва таъсирини ўтказишга, жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги катта миқдордаги энергетика ресурсларини ва уларни қайта тақсимлаш имкониятини қўлга киритишга интилаётган айрим қудратли давлатлар, кучлар ва марказларнинг геосиёсий ҳамда геоиқтисодий манфаатлари ётади.

– Ўзбекистон ҳар доим Европада ва дунёда рўй бераётган воқеаларга нисбатан ўз нуқтаи назарига эга бўлиб келган, – деб таъкидлади Франциянинг Стратегик ва халқаро муносабатлар институти бош тадқиқотчиси Пьер Шабаль. – Ўзбекистон ўз демократик ривожланиш йўлини танлаб олиб, сиёсий тизимини босқичма-босқич эркинлаштириш йўлидан изчил ва қатъий бормоқда. Яқинда мамлакат Президенти ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун қабул қилингач, бу ижобий жараён сифат жиҳатдан янги, янада юқори даражага кўтарилди. Мазкур ҳужжат сиёсий партияларни янада фаоллаштириш ва партиялараро рақобатни ривожлантириш учун зарур асос ва шароитларни яратди.

Ҳиндистоннинг «Эйшн Эйж» («Осиё асри») газетаси бош муҳаррири Мубашар Жавед Акбарнинг фикрича, Ўзбекистонда аввалбошданоқ ўзгалардан нусха кўчириш йўлидан борилмади, балки жамиятни демократлаштиришдан мақсад адолат, тенглик ва эркинлик тамойилларига мос келадиган амалий натижаларга эришишдан иборат, деб белгилаб олинди. Демократияни экспорт қилиш ёки бу жараённи сунъий равишда тезлаштириш мумкин эмас. Жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш шаклларини ҳар бир мамлакат бирон-бир давлатнинг истаги ёки кимларнингдир хомхаёли билан эмас, балки ўз халқининг хоҳиш-иродаси ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилайди.

Ўзбекистонда юритилаётган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга доир сиёсат замирида умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига эришиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлаш вазифалари мужассам. Бу, ўз навбатида, қонунчиликни такомиллаштириш, одамлар ва мамлакат ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг аҳамиятини ошириш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг тобора ошиб бораётгани, уларнинг кенг ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланаётгани ҳам бунинг яққол далилидир. Уларнинг сайловларда ўз хоҳиш-иродасини очиқ намоён қилиши, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида ошкоралик ва транспарентлик таъминланган. Парламентга сайловларда сиёсий партиялардан номзод кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши мамлакат ҳаётига демократик меъёрларнинг янада кенгроқ кириб бораётганига яққол мисол бўла олади.

– Мамлакатингиз илғор ва оқилона танланган тараққиёт йўлидан бормоқда, – деб таъкидлади конференцияда Буюк Британиянинг қироллик халқаро муносабатлар институти илмий ходими, Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби профессори Ширин Акинер. – Ўзбекистонга тазйиқ ўтказишга доир барча уринишлар мутлақо асоссиздир. Аслида, демократия шиорлари остида айрим ғарб мамлакатларининг янги мустамлакачилик мақсадлари яширинган. Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини таъминлаш доирасида барча мамлакатлар билан тенг, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидан бормоқда. Бироқ бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистоннинг миллий ғурури кучли. Агар кимдир унинг манфаатлари билан ҳисоблашишни истамаса, бирон-бир шериклик муносабатлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бугун Ўзбекистонга тазйиқ ўтказишга уринаётган баъзи қудратли давлатлар юзага келган бундай вазиятдан, аввало, ўзлари азият чекмоқда. Шуниси қувончлики, бундай мураккаб шароитда Ўзбекистон ўз қобиғига ўралиб қолмасдан, аксинча, халқаро ҳамкорликнинг истиқболли стратегик режаларини ишлаб чиқмоқда. Бундай муносабатларнинг ривожланишидан бошқа мамлакатлар ҳам манфаатдор. Зеро, Ўзбекистон нафақат муҳим геосиёсий мавқега эга, балки минтақавий муаммоларни ҳал қилишда ҳам етакчи ўрин тутади.

Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатхалийнинг фикрича, демократиянинг ғарб моделини мажбуран тиқиштириш борасидаги кучли ташқи тазйиқларга қарамасдан, Ўзбекистон ўзгаришлар жараёнида ўз йўли, қадимий маданияти, анъаналари ва халқ менталитетига содиқ қолмоқда ва сўнгги йилларда сиёсий ҳамда иқтисодий ривожланиш йўлида улкан натижаларга эришди. Минтақа мамлакатлари ички ишларига демократияни ёйиш шиори остида четдан аралашиш Марказий Осиёда хавфсизликни сақлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис бу масала бугун ҳам долзарблигича қолмоқда.

Ҳиндистоннинг қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази бош директори Рашпал Мальхотранинг фикрича, кўплаб ривожланган мамлакатлар тажрибаси демократик жамиятни барпо этиш узоқ давом этадиган жараён эканини кўрсатмоқда. Бунда ҳар бир халқнинг асрий анъаналари, урф-одатлари, эътиқоди, маънавий қадриятлари ҳисобга олиниши зарур. Чунончи, Голландияда демократик жамият 150 йил мобайнида, АҚШда эса 200 йил давомида шаклланган. Дунёда демократиянинг ягона ва универсал модели йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳиндистонлик эксперт демократия ва эркинлаштириш жараёнлари, ташқи кучларнинг истаги ёки муайян сиёсатдонларнинг қарашларидан эмас, балки халқ, унинг хоҳиш-иродаси, манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шу сабабли ҳам демократияни экспорт қилиш ёки куч ишлатиш йўли билан ўрнатиш мумкин эмас. Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида ўз мустақил йўли бўлиб, эркинлаштириш жараёни босқичма-босқич, тадрижий равишда олиб борилмоқда. Бу йўл мамлакатда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосини ташкил этади, деди Р. Мальхотра.

Анжуманда сўзга чиққан экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар республика аҳолиси томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу эса ислоҳотлар самарадорлиги ва муваффақиятининг асосий кафолатидир.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Байрам садолари

ЮКСАК ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ

Инсон маънавияти ўз хотиралари манбаида ривож топади. Хотира ҳам, қадрлаш ҳам инсон ақлу заковатининг улуғ неъмати, ҳеч қачон унутилмайдиган, абадий ва ардоқли одамийлик мезонидир. Ушбу тушунчалар қаърида инсонга, унинг хотираси, қадр-қимматига эҳтиром туйғуси мужассам. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирлардан бири офицер Маҳмуд Ортиқов раҳбарлик қилаётган Тошкент гарнизони офицерлар уйида бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садолари остида бошланди.

– Ҳурматли тантанамиз қатнашчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, – деб сўз бошлади Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони генерал-майор Абдулла Холмуҳамедов, – ҳар бир халқ, ҳар бир миллат тарихнинг машаққатли ва суронли синовларидан, бошидан ўтказган аччиқ кунлар сабоқларидан хулоса чиқариши лозим. Хотира ва Қадрлаш куни ҳақида гапирар эканмиз, биз аввало, мана шундай ёруғ кунларга етишимиз йўлида жон фидо қилган уруш қатнашчиларига, республикамиз мустақиллиги ҳимояси ва унинг равнақи йўлида ҳалок бўлган ёш офицерларимизнинг хотираси олдида бош эгиб, чуқур таъзим изҳор этамиз.

Шундан сўнг сўзга чиққан уруш қатнашчиси Юрий Карнилов ўз қуролдош дўстларини байрам билан табриклаб, бошидан кечирган оғир кунлар, уруш хотираларини сўзлар экан, шундай бахтли онлар учун жон фидо қилган дўстларимизни хотирлаш бизнинг бурчимиздир, деди.

Тадбир давомида фахрийларга эсдалик совғалар ва пул мукофотлари топширилди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг куй ва қўшиқлари байрамнинг янада мазмунли ўтишига хизмат қилди.

Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.

ВСТРЕЧА С ВЕТЕРАНАМИ

В День Памяти и почестей повсеместно прошли мероприятия по чествованию ветеранов войны и труда, Вооруженных Сил. Вот и на военной кафедре Ташкентского педиатрического медицинского института (ТашПМИ) прошла встреча с ветеранами, достойно отслужившими на данной кафедре.

Студентам пятого курса было очень интересно выслушать рассказ о годах службы на военной кафедре ТашПМИ полковника медицинской службы в отставке Абдумумина Каюмова и подполковника медицинской службы в резерве Дилмурода Тахирова, которые поделились воспоминаниями о том времени, когда они занимались воспитанием будущих офицеров-медиков. Было задано немало вопросов, на которые студенты получили обстоятельные и исчерпывающие ответы. Задушевная беседа доставила радость общения, обогатила молодых людей новыми знаниями об истории своего учебного заведения.

– Интерес молодежи к жизни старших поколений и составляет основу памяти народной, – говорит офицер по вопросам духовности и просветительства военной кафедры института майор медицинской службы Урал Шаймарданов. – Вот и мы в свое время с затаенным дыханием слушали рассказы отцов и дедов о подвигах в годы Второй мировой войны.

На полях войны человек с красным крестом на полевой сумке порой ценою собственной жизни спасал раненых, вынося из-под обстрела. Медики нередко прямо на передовой делали сложнейшие операции, вступая в битву со смертью. И этот бесценный опыт оказания помощи военнослужащим вошел в золотой фонд военной медицины, на нем и послевоенное поколение медиков воспитывало будущих офицеров-медиков, младших медицинских работников. И в этом плане полковнику медицинской службы в отставке А.Каюмову, а также его коллеге подполковнику медицинской службы в резерве Д.Тохирову было чем поделиться со студентами, готовящимися перенять эстафету милосердия и добра.

Во встрече студентов с ветеранами Вооруженных Сил принимала участие первый проректор института Муборак Ахмедова, выступив с поздравлениями по случаю Дня Памяти и почестей. Помнить о заслугах старших поколений, по мере возможностей воздавать им почести за вклад в процветание нашей Родины – долг потомков, о котором нельзя забывать. С теплыми словами признательности к ветеранам обратился и начальник военной кафедры ТашПМИ подполковник медицинской службы Туракул Рахматов, пожелав им крепкого здоровья, мирного неба, сохранять бодрость и присутствие духа.

Главный итог данной встречи – студенты еще лучше усвоили, что смысл и значение Дня Памяти и почестей состоит не только в воздании должного участникам Второй мировой войны, но и в постоянном процессе пополнения исторической памяти народа. А также в благодарности к подвигу старших поколений, стремящихся оставить процветающим Узбекистан идущим за ними молодым людям.

Майор
Баходир УТАНОВ.

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

Пойтахтимиздаги республика мусиқа коллежида ҳам Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган концерт бўлиб ўтди.

– Тадбиримизга Риҳси Ибрагимова, Евгения Филатова, Маҳмуд Толипов сингари уруш ва меҳнат фахрийларини таклиф этганмиз, – дейди ўқув маскани директор ўринбосари Эльвира Яфасова. – Таъкидлаш жоизки, нафақат байрам кунларида балки доимий тарзда кекса онахону отахонларимиз ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам кўрсатишда коллежимиз талабалари фаол иштирок этадилар.

Дарвоқе, 9 май санаси олдидан талабалар ўртасида «Урушсиз ҳаёт» мавзусидаги энг яхши деворий газета, иншо, нутқ маданияти бўйича танловлар ўтказилди. II босқич талабаси Р.Радман ижод намунаси муаллифга муваффақият келтирган бўлса, С.Олимов нотиқлик борасида тенгқурларига намуна бўлди.

Капитан Баҳром Жўраев... Гўзал диёримизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаётни сақлаш, халқимиз, давлатимиз ҳур-озодлигини янада мустаҳкамлаш йўлида ҳатто ўз жонини аямаган бу мард ўғлон номи мангуликка дахлдор. Довюрак қаҳрамонимизни бежизга ёдга олганимиз йўқ. Чунки юқоридаги тадбир айнан Баҳром Жўраевга бағишланган шон-шараф бурчагининг очилиши билан бошланди. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Мадад Хўжаметов мардлик ва ватанпарварлик намунаси ўзбек ўғлони, унинг жасорати ва ҳаёт йўли ҳақида гапирди. Сўнгра, Баҳромнинг курсдошлари бўлмиш офицерлар – Б.Сотволдиев ва Б.Сатторовлар яқин дўсти, ҳамкасблари ҳақидаги хотиралар билан ўртоқлашдилар.

Коллеж талабалари томонидан тайёрланган рангбаранг концерт дастуридан ўрин олган гўзал куй-қўшиқлар, театрлаштирилган саҳна кўринишлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Бундай концертлар нафақат ўқув масканида, балки истироҳат боғларида, Мирзо Улуғбек туманидаги қатор маҳаллаларда намойиш этилиб, уруш ва меҳнат фахрийларига совға-саломлар улашилди.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

«УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ»

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашида «Уч авлод учрашуви» деб номланган тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналмилал жангчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва Тошкент бирлашган техника мактаби курсантлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар – Республика «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоев, Мадамин Ҳасанов, Иброҳим Расулов, Энвер Жепперов, шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими офицер Абдурашид Арамов, Ёрқин Муродов ва бошқалар йиғилганларга уруш хотиралари, истиқлол йиллари мамлакатимизда, миллий армиямизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида гапириб бердилар. Учрашув давомида Иккинчи жаҳон уруши, Қуролли Кучларимизнинг бугунги ҳаёти акс эттирилган ҳужжатли фильмлардан лавҳалар намойиш этилди.

Қизиқарли суҳбатлар, хотиралар, саволжавоблар сўнгтида фахрийларга «Ватанпарвар» ташкилотининг эсдалик совғалари, гулдасталар топширилди. «Шонли Ватан тарихи» музейи бўлимлари бўйлаб саёҳат, рангбаранг экспозициялар ҳам меҳмонларга жуда манзур бўлди.

Рихсибой САЛИХОВ,
истеъфодаги полковник.

Бдительность – веление времени

ОТМЕЧЕНЫ ЗАСЛУЖЕННО

Вопросы сохранения высокой бдительности и боевой готовности для военного человека всегда актуальны, будучи важной составляющей его повседневной жизни. Выполняя свой воинский долг, бдительно неся службу в наряде и карауле, военнослужащий охраняет мир и покой своей семьи, народа и страны в целом. В мирное время не каждому солдату и сержанту выпадает возможность отличиться, но когда это происходит, награда всегда находит своего героя.

Для младшего сержанта Умархона Бузрукова, а также его сослуживца рядового по контракту Баходира Кучкарова этот обычный майский день запомнится надолго. Первый заместитель министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майор В. Махмудов вручил Памятные знаки начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, которые стали достойной оценкой их ратного труда, проявленной бдительности и боевой настороженности во время несения службы.

Проявив бдительность и внимательность при несении службы, добросовестно выполнив свои служебные обязанности, согласно требованиям Общевоинских уставов Вооруженных Сил, наставлений и инструкций, были также награждены именными часами и младший сержант Исроил Ибрагимов и рядовой по контракту Малик Эргашев. И теперь, всякий раз, уточняя время, они с чувством

заслуженной гордости вспоминают этот торжественный момент своей военной биографии.

Конечно, не ради наград и поощрений стараются на службе защитники Родины, однако достойная оценка ратного труда всегда вдохновляет на дальнейшие успехи в службе и боевой подготовке.

Соб инф.

ЯНГИЧА ҲАРБИЙ АНЪАНАЛАР

ШАХСИЙ ТАРКИБГА ҚУРОЛ-АСЛАҲА ВА ҲАРБИЙ ТЕХНИКАНИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИШ ТАОМИЛИ

(ҳарбий қисм командирлари ва уларнинг ўринбосарлари эътиборига)

Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда изчил кечаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, кўнгил фахр, ғурур туйғуларига тўлади. Ислоҳотларнинг энг катта ютуғи нимада, дея ўз-ўзимизга савол берадиган бўлсак, аввало ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки бир иш эмас, Ватани, халқи, истиқлоли олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган марду майдонларимизни кашф қилганида, дейиш мумкин. Ютуқларимиз қурол-яроғ ва маҳорат бобида, жанговар тайёргарликда, ақлий салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган миллий армиямизни шакллантираётганимизда, дея фахр-ифтихор билан айтиш мумкин. Ёки Юртбошимиз сўзи билан айтганда, бугун Ўзбекистон ўзининг ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, етарли даражада қуролланган, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиясига эга, деб ғурур ва ифтихор билан айтиш учун барча асосларимиз бор.

Армиямиз қудратли. Аммо армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан олиб чиқадиган, унинг жанговар кучи, қудратини, ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч бу – унинг сафларидаги мард ўғлонларимиздир. Демак, замонавий жанговар техника, қурол-аслаҳани моҳирона бошқариш, уларни миллий хавфсизлигимиз ҳимоясига тўла сафарбар этиш учун посбонларимизнинг ўзи юксак тайёргарликларга эга бўлмоғи керак. Тўғри, бу йўналишда ислоҳотлар давомида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Айниқса, бу борада янгиянги ҳарбийча анъана, таомилларнинг шаклланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Яқинда Мудофаа вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, ислоҳотларимиз самараси бўлган таомил – шахсий таркибга қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани тантанали равишда топшириш таомили ана шундайин эзгу ишларнинг узвий давоми бўлди, дея баралла айта оламиз.

Шу кунларда баҳорги чақирувда сафларга қўшилган марду майдонларимиз тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилишмоқда. Демак, уларга қурол-аслаҳа, жанговар техника бириктирилади. Улар Ватаннинг том маънодаги ҳимоячиларига айланишади. Шунинг учун мазкур таомил тартиби ҳақида маълумот бериб ўтиш айни муддаодир. Бу нафақат посбонлар учун, балки командир ва ўринбосарлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Аввало ҳарбий таомилнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратсак. Маълумки, ҳарбийча таомиллар – умумқўшин низомларда белгилаб берилган, кундалик шароит, байрам тантанаси каби ҳолларда амалга оширладиган ҳарбий удум ва анъаналар. Ҳарбий таомиллар Ватан ҳимоячиси онгида Ҳарбий қасамёднинг муқаддаслиги ва унга содиқ бўлиш лозимлигини шакллантиради, юрти ва халқига чексиз садоқат, ҳарбий хизматга, бурчга нисбатан масъулиятни, ҳалоллик ва тиришқоқлик сифатларини, танлаган йўлимизга кўз олайтирадиган ғанимларимизга қарши курашишга шайлигини тарбиялайди.

Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг тантанали топширилиш таомили, одатда муайян режа асосида ёки режадан ташқари ўтказилади.

Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг режага асосан тантанали равишда топширилиш таомили йилда икки маротаба ўтказилади.

Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг тантанали тарзда режадан ташқари ҳолатларда топширилиш таомили, одатда ҳарбий хизматчилар маълум бир ҳарбий қисмга ўз ҳарбий хизматини давом эттириш учун келганларида ёки ҳарбий хизматчи ўз ҳарбий қисмида бошқа лавозимга тайинланганида ўтказилади.

ШАХСИЙ ТАРКИБГА ҚУРОЛ-АСЛАҲА ВА ҲАРБИЙ ТЕХНИКАНИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИШ ТАОМИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ

Қисм командири шахсий таркибга қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани тантанали тарзда топшириш таомилини тайёрлаш ва ўтказиш борасида ўринбосарлари билан мажлис ўтказади.

Шахсий таркиб билан ўқотар қуролнинг моддий қисмларини, ҳарбий техника ва қуролярағнинг моддий қисмларини ўрганиш бўйича машғулотлар ўтказилади.

Шахсий таркибга қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан муомала қилиш бўйича хавфсизлик қоидалари ўргатилади.

Шахсий таркиб билан саф тайёргарлиги, ташқи кўринишни намунали ҳолатга келтириш, қурол-яроғга хизмат кўрсатиш бўйича машғулотлар ўтказилади, ҳарбий оркестр томонидан мусиқа ижроси машқ қилинади.

Ўт очиш тренажёрларидан фойдаланган ҳолда отиш тайёргарлиги машғулотлари ўтказилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳарбий хизматчиларга ҳарбий техника ва қурол-аслаҳани тантанали вазиятда топшириштан олдин, мазкур қурол-аслаҳаларнинг жанговар-техник хусусиятлари ва уларни қўллашдаги хавфсизлик қоидаларини ўрганиб чиқиш ҳамда ушбу саволлар бўйича ҳарбий хизматчиларнинг билимларини синовдан ўтказиш машғулотлари амалга оширилади.

Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника ҳарбий хизматчига техник жиҳатдан соз, тўла-тўкис бутланган, тегишли техник ҳужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган тарзда топширилади.

Бўлинма командирлари топширилаётган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг созлигини бирма-бир текшириб чиқадилар. Тантанали таомил ўтказиладиган кун арафасида, муайян қурол русуми бириктирилиши режалаштирилаётган шахслар қабул қилиш ҳужжатларини расмийлаштирмаган тарзда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани кўздан кечириб чиқиб, қабул қиладилар. Тантанали таомил ўтказиладиган куни эса уларнинг расмий қабул қилиб олинишига тайёр эканлиги ҳақида командирлик поғонаси бўйича билдирув берадилар.

Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани ҳарбий хизматчиларга тантанали тарзда топшириш таомили ўтказиладиган жойларни, одатда ҳарбий қисм командири белгилайди. Айни пайтда ўқотар қурол ҳарбий қисмнинг саф майдонида, ҳарбий техника ва унга тегишли қурол-аслаҳа эса – жанговар машиналар паркида, улар сақланаётган жойларда тантанали топширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ҚУРОЛ-АСЛАҲА ВА ҲАРБИЙ ТЕХНИКАНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИШ ТАОМИЛИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ

Ҳарбий қисм шахсий таркиби ўз қуроллари билан белгиланган вақтда, Давлат байроғи остида, ҳарбий оркестр билан саф тортади.

Топширилиши лозим бўлган ўқотар қуроллар саф майдонидаги ҳарбий хизматчилар сафи қаршисига, яъни улардан 10 метр масофа олдинга чиқарилган столлар устига териб чиқилади.

Қисм командири ўзининг қисқача нутқида қурол-аслаҳанинг замонавий жангдаги ўрни ва моҳиятини шарҳлар экан, ишониб топширилаётган қурол ва ҳарбий техникани мукаммал ўзлаштириб олиш, уларни Ватан ҳимояси учун доимо шай ҳолда сақлаш зарурлигини таъкидлаб ўтади.

Ватани, халқи ишониб топшираётган қуролни пухта ўзлаштириб, моҳирона қўллай оладиган, унинг моддий қисмларини ишончли ўрганадиган посбонгина "ҳарбий хизматчи", "Ватан ҳимоячиси"деган юксак унвонга том маънода сазовор бўлиши мумкин.

Штаб бошлиғи қисм командирининг "Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани шахсий таркибга бириктириш тўғрисида"ги буйруғини ўқиб эшиттиради.

Ўқотар қуролни тантанали равишда топшириш таомили саф майдонида, ҳарбий техника ва унга тегишли қурол-аслаҳани тантанали равишда топшириш таомили эса жанговар машиналар паркида ўтказилади.

Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани шахсий таркибга тантанали равишда топшириш таомили митинг, ҳарбий қисм қўмондонлигининг шахсий таркибни табриклаши, ҳарбий оркестр томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижроси ва бўлинмаларнинг тантанали марши билан якун топади.

Пировардида шуни таъкидлаш лозимки, шахсий таркибга қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани тантанали равишда топшириш таомили борасидаги ўқув фильми тез орада қўшинларга йўлланади. Бу эса мазкур янги анъананинг янада шакланишига хизмат қилади.

Полковник Баҳодир ҒАФУОВ,
майор Алижон САФАРОВ.

Боевая учеба: показательные занятия инженерных войск

«ВОЙНУ МОТОРОВ» ВЫИГРЫВАЕТ ТЕХНИКА

Прошедшие в эти дни показательные занятия с офицерами инженерных войск Вооруженных Сил Республики Узбекистан стали «репетицией» проверки в деле технической мощи национальной армии нашей страны.

Во время проведения масштабного показательного занятия по практическому применению инженерной техники, имущества и боевой эффективности инженерных боеприпасов преследовались вполне конкретные основные цели.



Во-первых, речь шла о повышении теоретических знаний и практических навыков офицеров инженерных войск по порядку выполнения задач инженерного обеспечения боя. Во-вторых, на подготовительном этапе успешно отработаны на практике вопросы снятия с длительного хранения, эксплуатации, обслуживания инженерной техники и имущества. В-третьих, инженерные боеприпасы и техника, находящиеся на хранении, прошли войсковое испытание. В-четвертых, офицеры получили практику в организации уничтожения и обезвреживания взрывоопасных предметов, минно-взрывных заграждений и самодельных взрывных устройств. С учетом роста активности сил международного терроризма и экстремизма последний аспект представляется особенно актуальным.

На занятие были привлечены офицеры частей и подразделений инженерных войск, курсанты 3-го и 4-го курса СВВАКИУ, студенты цикла военно-специальной подготовки инженерных войск военной кафедры ТашГТУ, а также слушатели Высших курсов по подготовке штабных офицеров (ВКПШО) при Академии Вооруженных Сил, факультета повышения квалификации офицеров ЧВТКИУ.

На этапе проведения показательного занятия на полигоне в нем приняли участие министр обороны Республики Узбекистан Р.Мирзаев, первый заместитель министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майор В.Махмудов.

Участники занятия прошли по учебным местам, где их ознакомили с тактико-техническими характеристиками инженерной техники и имущества. Например, быстроходную траншейную машину БТМ-3 представил офицер Тулкин Эргашев. Об устройстве установки разминирования УР-77 рассказал офицер Хасан Мавлонов, о танковом мостоукладчике МТ-55 и тяжелом механическом мосте ТММ-3 – офицер Равиль Байбеков.

Казалось, уж слушателей курсов повышения квалификации ЧВТКИУ ничем невозможно удивить. Однако и они заинтересовались малым трубчатым колодцем МТК-2М и механическим шнековым колодцем МШК-15, характеристики которых описал офицер Хасанбай Саттаров. В жарких погодных условиях нашего климата данные элементы инженерного обеспечения боя имеют особую актуальность. Как, впрочем, и тканевые угольные фильтры ТУФ-200 для очистки добытой в полевых условиях воды, электростанции бензиновые зарядные ЭБЗ-4В3 для обеспечения электроэнергией на полигонах.

Участникам занятия были показаны порядок подрыва из укрытия самодельных взрывных устройств, подрыв макета танка радиоуправляемой противотанковой миной. На опыте боевых действий последних лет были продемонстрированы различные методы применения взрывчатого вещества.

По условиям обстановки саперы получили задачу проделать проход в «минном поле» для подготовки наступления мотострелкового подразделения. В условиях соприкосновения с «противником» первой в бой вступила инженерная разведывательная машина ИРМ, а за ней УР-77. Следует серия громких взрывов в отведенном направлении – и путь к наступлению свободен.

Однако воинам еще рановато идти в атаку: дорогу бронетранспортерам и боевым машинам пехоты преграждает ров. Сложная и емкая работа с участием танкового мостоукладчика МТ-55 и тяжелого механического моста ТММ-3 четко координировалась специалистами-профессионалами.

Благодаря умелому инженерному обеспечению этот учебный бой выигран, а теперь ставится обратная задача: подготовиться к обороне. Совсем недавно мирно стоявшая в стороне машина БТМ-3 активно вгрызается в податливую почву. Неподалеку от брустверов вырытых окопов трудится машина для установки минных полей, с борта которой воины только успевают подкладывать в специальное устройство учебные мины. А вот и подъемный кран заботливо убирает с дороги огромный ствол дерева, мешающий проезду техники. В считанные часы участок местности готов к оборонительным действиям.

Подводя итоги, министр обороны сделал особый акцент на стремлении Управления инженерных войск поднять внимание в войсковых частях к вопросам инженерного обеспечения боя. Победа в современном бою, отличающемся высокой интенсивностью и массированным применением техники, достанется тому, кто лучше подготовлен технически, кто сумеет эффективно использовать возможности современного вооружения. Данное показательное занятие, которое можно условно назвать «репетицией» к дальнейшему развитию успеха в этом направлении, уже вооружило участников ценными знаниями и опытом.

За большую работу по подготовке и проведению занятия ряд военнослужащих были удостоены Памятных знаков министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, награждены ценными подарками.

– Уезжаю отсюда с массой положительных впечатлений о нашей армии, – говорит студент Ташкентского государственного технического университета Мирзабек Исаев. – Интересно было увидеть организацию инженерного обеспечения боя не только как будущему офицеру резерва, но и инженеру в первую очередь.

– Недаром говорится, что лучше один раз увидеть, чем сто раз услышать, – добавляет курсант третьего курса СВВАКИУ младший сержант Йигитали Хамидов. – Отдельные образцы специальной инженерной техники здесь показали в реальном боевом применении.

– Участие в подготовке данного занятия помогло мне обогатиться новыми знаниями для использования их в процессе обучения курсантов нашей школы, – говорит преподаватель ШПС подполковник Тулкин Эргашев. – Особенно вдохновило то, что мой скромный ратный труд отмечен Памятным знаком министра обороны.

– Отправляясь на учебу, мысленно настраивал себя на то, что надо провести время обучения с максимальной пользой, – говорит слушатель ВКПШО при Академии Вооруженных Сил капитан Акмаль Анарбаев. – Данное показательное занятие дало мне очень много в плане профессионального роста.

– По долгу службы приходится решать вопросы технического обеспечения боевой готовности частей и подразделений, – говорит слушатель ФПК при ЧВТКИУ майор Уткир Андакулов. – Поэтому полученный здесь опыт сыграет важную роль в деле повышения боевой выучки.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото
Камолиддина ТУРАЕВА.

ҲАРБИЙ ҚИСМДА ТАНТАНА

Озод ва обод, осмони мусаффо юртга тўйлар, тантаналар ярашади. Бундай тантаналар бизнинг тинч ва осуда ҳаётимиз посбонлари бўлган ҳарбийлар сафида ўтказилганда, айниқса жозибалидир.

Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмларда ҳам турли байрам ва муҳим саналар муносабати билан тантанали кечалар ташкил этиш анъана тусига кирган. Яқинда шундай тантаналардан бири бўлиб ўтди.

Ҳарбий қисм ташкил топган кун муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида офицерлар, сержантлар ва уларнинг оила аъзолари, муддатли ҳарбий хизматчилар иштирок этдилар. Тадбирни офицер Дониёр Тошпўлатов очиб берди. Давлат мадҳияси садолари қалбларни фахр ва ифтихор туйғуларига чулғади. Офицер Алишер Муинов генерал-майор Акмалжон Комиловнинг қисм шахсий таркибига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Сўзга чиққанлар жамоада ўтган давр мобайнида шахсий таркибнинг ўқув-жанговар тайёргарлиги тизими самарадорлигини янада ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг қатъий интизомини таъминлаш, ишониб топширилган замонавий қурол ва техникалардан моҳирона фойдаланиш бўйича уларнинг амалий кўникмаларини такомиллаштириш юзасидан барча шарт-шароитлар яратилганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда ўрнак кўрсатаётган ҳарбий хизматчилар номлари ғурур билан тилга олинди. Илғорлар «Фахрий ёрлиқ» ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Қишки ўқув мавсумида юксак натижаларга эришган, интизоми ва дунёқараши билан сафдошларига намуна бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларга «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишони топширилиб, уларнинг ота-оналарига ташаккурномалар эълон қилинди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Камолиддин Раҳматов, хонандалар – Зафар Бобожонов, Наргиза Яндашева, Гулноза Қудратоваларнинг дилрабо қўшиқлари, раққоса қизларнинг чиқишлари тадбирга янада файз бағишлади. Тантаналар байрамона безатилган дастурхон атрофида давом этди.

Жамила ҒАНИЕВА.

НА СЛУЖБЕ ОБОРОНОСПОСОБНОСТИ

Еще 20 мая 1875 года в Париже была подписана Международная метрическая конвенция, положившая начало единому подходу к науке об измерениях. По решению ЮНЕСКО с 2001 года этот день отмечается как Всемирный день метролога.

В сфере обороны метрология развивается как самостоятельная научно-техническая дисциплина на стыке классической метрологии, техники и военного дела с учетом всех особенностей современной вооруженной борьбы и новых образцов военной техники. Метрологическое обеспечение в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О метрологии» относится к сфере государственного метрологического контроля и надзора и носит обязательный характер. Для получения своевременной и достоверной измерительной информации, обеспечения единства измерений на территории нашей страны решением правительства создана Национальная эталонная база. Приведены в соответствии с международными и межгосударственными (региональными) требованиями основополагающие правовые и нормативные акты метрологической деятельности.

Приоритетным направлением национальной политики Узбекистана в области метрологической деятельности, его целью является защита государства и общества от отрицательных последствий результатов недостоверных измерений. Успешное решение проблем совершенствования метрологических служб Вооруженных Сил позволяет значительно улучшить метрологическое обеспечение всех видов безопасности страны, а также предупреждение чрезвычайных и техногенных ситуаций.

Боевая готовность вооружения и военной техники зависит от того, в какой мере при его создании (модернизации) правильно решены метрологические вопросы. Эффективность функционирования образцов вооружения и техники зависит от слаженной работы всех входящих в них устройств, что обеспечивается единством всех измерений, производимых при их изготовлении и эксплуатации.

В современных условиях практически ни один образец военной техники не может быть подготовлен к применению, если на нем предварительно не проведены измерения многих параметров и характеристик. От точности выполнения измерений зависит многое: обнаружение целей, правильное решение навигационных задач, точность стрельбы и т.д. При этом требуемые точности отдельных образцов военной техники стали соизмеримыми с точностью исходных средств измерений (эталонов).

Метрологическое обеспечение войск гарантирует полноту, точность и достоверность измерений, проводимых при эксплуатации вооружения и военной техники в процессе их технического обслуживания и восстановления, подготовке к применению и использованию по назначению.

Метрологические службы Вооруженных Сил оснащены соответствующей военной метрологической техникой – образцовыми измерительными приборами, проверочными установками, мобильными метрологическими комплексами, ремонтным оборудованием и средствами измерений различного назначения. Особая роль в решении метрологических задач отводится военным эталонам, которые воспроизводят и передают точность измерений через образцовые средства измерения метрологических частей всем образцам военной техники и средствам измерений, применяемым в воинских частях.

В метрологических службах и подразделениях Министерства обороны Республики Узбекистан успешно трудятся по метрологическому обеспечению войск такие квалифицированные офицеры, как подполковники Ш.Саидов и Ч.Розыбакиев, майоры Р.Ташеев и А.Ниязалиев, старший лейтенант К.Курбанов. Много хороших отзывов о работе сержантов Б.Абдухамедова, В.Мутовкина и А.Долотина, служащих Л.Бунтова, Н.Филимоновой, А.Рожкова и многих других.

Рост сложности образцов военной техники, насчитывающих в своем составе большое число комплектующих элементов, объединенных электрическими, электронными, оптоэлектронными, механическими связями в узлы, блоки и системы, полная или частичная автоматизация ее работы показывают, что роль измерений в обеспечении боевой готовности не снижается. Резко возросшее количество выполняемых в войсках измерений, особенно в высокоточных системах автоматического управления и информационного обеспечения, постоянно увеличивающаяся точность и сложность этих измерений выдвигает все более жесткие требования к повышению уровня метрологического обеспечения вооружения и военной техники. А значит, профессия военного метролога становится все более востребованной, обеспечивая дальнейший рост эффективности применения военной техники и ее составляющих – точности, быстродействия, надежности.

Полковник Б. ГАФУРОВ.

МУЗЕЙЛАР КУНИ

ТАРИХИМИЗ, МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Келинг, шу ўринда музейлар, уларнинг маънавий-маърифий ҳаётимизда тутган ўрни борасида фикрлашайлик. Маълумки, музей деганда тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий муассаса тушунилади. Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, қадимда музейлар табиат ва ижтимоий ҳаётдан олинган асл буюмларнинг мемориал гувоҳнома ва эстетик қимматли нарса сифатида сақланиши асосида юзага келган. Бунга милоддан аввалги ўн олтинчи асрдаги Критдаги Кнос сарой хазинаси, милоддан аввалги ўн уч-ўн иккинчи асрларга тааллуқли Ванлар саройи ва инк коҳинлари архивини қўшиш мумкин.

Хўш, Ўзбекистондаги музейлар тарихи борасида маълумотга эгамисиз? Шуни айтиб ўтиш лозимки, мамлакатимизда ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида музей ташкил этила бошланган. Бугунги кунда Ўзбекистон тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон санъат музейи, Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи, Ўзбекистон табиат музейи мамлакатимиздаги энг йирик ана шундайин муассасалардан саналади.

Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросимида Президентимиз нутқ сўзлаб шундай деганди: «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак». Ҳа, мазкур музейни зиёрат, томоша қилар экансиз, унда ўтмишимиз ҳам, бугунимиз ҳам, буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгудек акс этаётганини ҳис этасиз. Кўнглингиздан чексиз ғурур туйғулари кечади.

Президентимизнинг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони музей соҳасидаги илмий-маърифий ишларимизда бурилиш ясади, дея баралла айта оламиз.

Республикамиздаги музейлар хусусида гап кетганда, бир воқеани эсга олиб ўтсак. Халқаро Олимпия қўмитасининг олтин ордени топширилаётганда Юртбошимиз «Олтин орден меники эмас, балки Ўзбекистон халқиники ва у янги очилаётган музейдан жой олади», дея эзгу ният қилганди. Буни қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, аниқроғи, 1996 йилнинг 1 сентябрида, қутлуғ истиқлолимизнинг муборак беш йиллик тўйида пойтахтимизда Осиёда биринчи ва ягона Олимпия шуҳрати музейи очилди. Тилга олинган олтин орден бугун мазкур музейнинг доимий экспонатига айланди. Эслатиб ўтамиз, илк очилган пайтда музейга қўплаб ривожланган хорижий мамлакатлардан ноёб экспонатлар олиб келинди. Натижада музей нафақат мамлакатимиз спорти тарихини, балки Халқаро олимпия ҳаракати тарихини ўзида мужассамлаштирган нуфузли бир маънавий-маърифий муассасага айланди. Мазкур музей ҳақида Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишни истардим: «…Ёшларимиз келишсин, кўришсин, қандай машҳур аждодлари, замондошлари борлигини билишсин, улар билан фахрланишни, ғурурланишни ўрганишсин. Ўз ўтмишини улуғлайдиган, бугунини эъзозлайдиган миллатнинг эртанги куни ҳамиша порлоқ бўлади». Мана, музейларимизнинг ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни, аҳамияти.

Келинг, шу ўринда фахримиз, ғуруримизга айланган ушбу музейнинг мамлакатимизда очилиш фикри қандай пайдо бўлгани борасида фикр юритайлик. Аввало, шу нарса яхши маълумки, ҳеч бир халқ, миллатнинг қуч-қудрати, машҳурлиги, буюклиги, халқаро обрў-эътибори ундаги қурол-яроғлар ёки ваҳшат солувчи техникалар билан ўлчанмайди. Бу мезон таъбир жоиз бўлса, миллатнинг соғломлиги, баркамоллиги. Маънавий ва моддий салоҳияти билан ўлчанади. Шу маънода Олимпия шуҳрати музейини очиш ғояси ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бунга тўла ҳаққимиз, асосимиз бор. Айнан шу музейда намойиш қилишга арзийдиган тарихимиз, қадриятларимиз, ютуқларимиз бор. Айтаверсак, халқимиз мардлиги, халқимиз паҳлавонлиги ҳақидаги маълумотларнинг, оғзаки ва ёзма ижод манбаларининг ўзи улкан бир музейга сиғмайди. Ҳа, не-не баҳодирларнинг елкасини, курагини ерга теккизган марду майдонлар яшаган бу заминда. Бугун ҳам уларнинг мардлик, жасорат анъаналари давом этмоқда. Узоққа бориб ўтирмай, буни ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг эришган оламшумул ютуғи мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бу билан шуни эътироф этмоқчимизки, юртимизнинг ҳар бир гўшасидаги каттаю кичик музей миллатимизнинг, халқимизнинг юксак даҳосидан сўзлайди. Мамлакатимиздаги ҳар бир музейда ўзлигимизга, бой тарихимиз, маънавиятимизга хос бойликларнинг, ноёб экспонатларнинг гувоҳи бўласиз.

Маълумки, Президентимиз Фармонига биноан «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилган. Музейлар соҳасида сиёсатни амалга ошириш, бу борада халқаро алоқаларни, ўзаро самарали ҳамкорликларни кенгайтириш, Ўзбекистон ва хорижда кенг кўргазмалар ўтказиш йўли билан мамлакатимизнинг бой тарихи, маънавияти, бугунги ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, музейларимизга замонавий техник воситаларни жалб этиш, бу йўналишда илмий-амалий ишларни амалга ошириш каби устуворликлар жамғарманинг асосий мақсадлари сирасига киритилган.

Машҳур музейларимизни томоша қиласиз, демакки, кўзгуда ўз-ўзимизни кўрасиз. «Шундайин улкан, бебаҳо маънавий меросга эга халқ, миллат ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», дейсиз беихтиёр.

Дилафруз РЎЗИЕВА.

В школах подготовки сержантов

ВОСПИТЫВАЯ ЛЮБОВЬ К ИСКУССТВУ

В праздничном поздравлении защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова подчеркивается: «Молодые люди, пришедшие в армию, не только осваивают военные специальности – здесь происходит физическое и духовное возмужание наших детей, формируется цельность их характера и твердая жизненная позиция, готовность встать на защиту Родины». Воспитывая у личного состава чувство любви к искусству, офицеры стремятся конкретными делами ответить на поставленные в поздравлении главы государства задачи.

– В нашем подразделении всегда к нашим услугам сокровища архитектурных шедевров древнего Самарканда, ведь еще у великого Амира Темура было высказывание о том, что памятники архитектуры красноречиво говорят о величии народа, их создавшего, – рассказывает офицер Сейфат Сулейманов. – Поэтому экскурсии по городу являются для всего личного состава вдохновляющим стимулом к напряженному ратному труду. Любуясь творениями наших предков, будущие военные профессионалы еще больше утверждаются в особой важности своей миссии – защитить эту красоту от недобрых посягательств, передать в целости потомкам.

Если об архитектуре говорится, что это – застывшая музыка, то изобразительное искусство также является важной составной частью эстетического воспитания воина, развивая у него воображение и вкус, тягу к миру прекрасного. Душа воина после суровых ратных будней отдыхает и радуется этому многообразному буйству красок и оттенков, сердце бьется учащеннее от воспоминаний детства.

Важным источником удовлетворения духовных запросов военнослужащих, помимо экскурсий по музеям и выставкам, становится и посещение военного городка артистами местной художественной самодеятельности. Посмотрите, как вдохновенно исполняет национальный узбекский танец эта девочка в ярком наряде, которой от души аплодируют воины! И эта краса, хрупкая и беззащитная грация, пластика движений – все это не просто достойно восхищения, весь этот наш прекрасный мир воинам надо сберечь и защитить.

Вот и внимая песне из уст симпатичной девушки, курсанты не только отдают должное таланту исполнительницы, но и преисполняются всей важностью понимания ответственности, которая ложится на их плечи. Душевная песня, зовущая к свершениям, не раз вспомнится потом, в дни занятий. И крепче сожмет рука автомат, точнее будут ложиться очереди, ведь и нежный голос певицы тоже нуждается в защите военнослужащих.

В деле духовного воспитания курсантов большую помощь оказывают офицерам аксакалы подшефной махалли. Например, представители общественной организации провели театрализованный показ национальных обычаев и традиций – келин салом, бешик туйи, алла. В мгновение ока зеленый газон стадиона превратился в театральную сцену, на которой воины с удовольствием узнавали знакомые с детства картинки народных обычаев и традиций. Вот и театры города часто становятся местом культурных коллективных походов курсантов.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**



ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ БОЙИТИБ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг «Шонли Ватан тарихи» музейи ёшларни ўтмишга, истиқлол ғояларига, ота-боболардан мерос қадриятларга ҳурмат, садоқат руҳида тарбиялашда ўзига хос маърифат ўчоғи вазифасини ўтаб келаяпти.

Музейнинг кириш қисмида ўзбек давлатчилиги, маънавияти, миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда муносиб ҳиссасини қўшган ватандошларимизнинг ибрат бўлғулик ҳаётини акс эттирувчи санъат асарлари ўрин олган. Бир-бирини мавзу кўлами билан тўлдириб борадиган бешта бўлим ва яна алоҳида «Кеча, бугун, келажакда» экспозицияси илк ўзбек давлатчилигидан то ҳозиргга қадар бўлган даврларни тарихий маълумотлар, шунингдек, осори-атиқалар орқали ёритиб беради. Мозийдан сўзловчи нодир китоблар саҳифаларида Ал-Бухорий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз ҳақида кўплаб маълумотлар борлиги қалбимизни ифтихорга тўлдиради.

Ташкил топганидан бери ўтган олти йил ичида ушбу музей «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасалари курсантлари, шаҳардаги ўрта мактаб, касб-ҳунар коллежи ва лицейлари ўқувчи ёшлари, талабалар, ишчи-хизматчиларнинг севимли масканига айланиб қолди, десак асло муболаға бўлмайди. Ўтган давр мобайнида «Шонли Ватан тарихи» музейига 17 минг нафардан зиёд меҳмонлар ташриф буюришди. Нафақат юртдошларимиз, балки Ҳиндистон, Япония, Россия ва бошқа хорижий давлатлардан келган меҳмонлар ҳам музей китобига миннатдорчилик сўзларини ёзиб қолдиришган. Албатта, музей маъмуриятининг фаолияти экспозицияларни намойиш қилиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Балки, турли маърифий тадбир ва учрашувларни ташкий этишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Яқинда буюк саркарда боболаримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Соҳибқирон Амир Темур таваллуди, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган ранг-баранг тадбирлар эса бунга яққол мисолдир.

Хулоса қилиб айтганда, «Шонли Ватан тарихи» музейи ёшлар билимини, тафаккурини бойитишда, уларда миллий ғурур, ифтихор туйғуларини шакллантиришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бунга бевосита гувоҳ бўлай десангиз, музейга албатта ташриф буюринг!

Наргиза КАРИМОВА,
музей директори.

ЭКСПОНАТЛАР МОЗИЙДАН СЎЗЛАР

Халқимиз ва мамлакатимиз тарихини ўрганиш, бугунги ёш авлодни она юртга садоқат, миллий қадрият ва анъаналаримиз, буюк аждодларимизга ҳурмату эҳтиром, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва вояга етказишда музейларнинг ўзига хос ўрни бор. Ўзининг кўп йиллик тарихига эга Республика Қуролли Кучлари Марказий музейи юртимизнинг зиё масканларидандир. Умумий майдони 3 минг квадрат метрни ташкил этувчи музей биносида 10 мингдан ортиқ экспонатлар тўпланган. Келинг, музей ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни бу ерга экскурсияга келганларнинг таассуротлари билан давом эттирамиз.

Шавкат Фармонов, курсант:

– Ушбу музейга олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирмасимдан олдин ҳам кўп бора келганман. Ҳарбийликка ёшлигимдан меҳр қўйганим боис, касбга алоқадор ҳар қандай маълумотга катта қизиқиш билан ёндашаман. Бу ерга илк бор келганимда ўзимни хаёлан бир неча аср олдинги даврга бориб қолгандек ҳис этганман. Айниқса, «Темурийлар давридаги ҳарбий санъат» бўлимида тенгсиз саркарда боболаримизнинг марказлашган қудратли давлат барпо этиши ва унинг ҳарбий юришларига бағишланган экспозициялар, ноёб топилмалар ва тасвирий асарлар, қурол-аслаҳалар, жангу жадаллар акс этган расмларни ҳар гал кўрганимда таъсирланаман. Зал деворларига тарихчи олим Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишланган миниатюралар эса, ўша давр муҳитига жуда ҳам ҳамоҳанг.

Умид Сафаралиев, муддатли ҳарбий хизматчи:

– Мана, яқиндагина 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни халқимиз томонидан кенг нишонланди. Мен ҳам сафдош дўстларим билан музейда бўлдим. II жаҳон уруши қатнашчилари билан бўлган учрашувларда «Уруш деган офатни сизлар ҳеч ҳам кўрманглар! Тинч ва осойишта, мустақил ҳаётимизнинг қадрига етинглар!» дея дуо қилишади. Уруш билан боғлиқ экспозицияларни томоша қиларканман, унинг даҳшати ва оқибатларини бир оз бўлса-да ҳис этгандек бўламан. Дейлик, бирон снарядни томоша қилсак, унинг таъсир кучи ва инсонларга етказиши мумкин бўлган зарбаси ҳақидаги маълумотларни ёдга оламан. Демак, бир пайтлар жанг майдонида қўлланилган ўқ-дори қанчадан-қанча одамлар ёстиғини қуритган… Генерал Собир Раҳимов, Қаҳрамон Қудрат Суюнов, Ўзбекистон халқ рассоми Самиғ Абдуллаев сингари ўнлаб юртдошларимиз сиймолари акс эттирилган тасвирларни кўриб эса ҳар замоннинг фидойи фарзандларидан ўрнак олишга интиламиз.

Саидназар Жуманазаров, лицей ўқувчиси:

– «Мустақил Ўзбекистон ҳимоясида» деб номланган экспозициялар мажмуасини томоша қилиб, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан хабардор бўлдим. Миллий армиямиз кундалик ҳаёти, ҳарбий хизмат ва турли машғулотлар жараёни, олий ҳарбий билим юртлар ва сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳаётини акс эттирувчи лавҳалар бу борадаги тасаввуримни янада мустаҳкамлади.

Ҳа, музейимизга ташриф буюрган ҳеч бир инсон таассуротларсиз, мушоҳадага ундовчи фикр-мулоҳазаларсиз уни тарк этмайди.

Дилором РАҲИМОВА,
илмий ходим.

ЎТМИШГА САЁҲАТ

«… Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси – армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш. Уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур», деган эди Юртбошимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида. Таъкидлаш жоизки, Қуролли Кучларимиз сафларига офицер кадрларни етиштириб бераётган олий ҳарбий билим юртларида ҳам тарбиявий ишларга устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши бежиз эмас. Аслида тарбиявий ишларнинг усул ва услублари турлича ҳамда ҳар бирининг ўз ўрни, муайян таъсир доираси ва кучи бор. Билим масканларида ташкил этилган музейларни шулар сирасига киритиш мумкин.

– Илмга чанқоқ ва тиришқоқ, касбий билимларни ўзлаштиришга ва келгусида ўз ишининг устаси – профессионал бўлишга интилувчан курсантлар таҳсил олаётган олий ҳарбий билим юрти тарихи билан қизиқиши табиий, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти музейи мудираси Шарофат Норматова. – Шундай экан, бундай музейлар бўлғуси офицерларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ўз касби, вазифаси, қадрдон билим юртига бўлган ҳурмат ва эҳтиром билан бирга фахр туйғуларини янада шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Музей мудираси билан суҳбатлашиш асносида тарихий экспонатлар, турли ашё ва топилмалар, расмлар тўпланган икки қаватли бинони айланиб чиқдим. Қисқа вақт ичида олий ҳарбий билим юрти тарихи, юксак чўққиларни забт этган курсантлари, ўқув масканининг фахрига айланган қаҳрамонлари, ўзгартиш ва янгиликлар ҳақидаги бой маълумотларга эга бўлдим. Ҳа, ундаги ҳар бир экспонатнинг ўз тарихи, у билан боғлиқ воқеаси бор. Демак, музей бўйлаб экскурсия қилган курсантнинг дунёқараши кенгаяди, бой таассуротга эга бўлади. Бу эса уни ибратли ишларга ва билим юрти, касби шаънини қадрлашга, унга доғ тушурмасликка ундайди. Қолаверса, уни маънан ва руҳан озиқлантиради.

Дарҳақиқат, мозийга қараб иш кўриш хайрли, дейдилар. Ўтмишдан хабардор бўлиш дунёқараш ва билим доирани кенгайтирибгина қолмай, ҳодисалар, мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларини, воқеликни тушуниб етишга ёрдам беради.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.

POSBON BO'LAR YIGITNING MARDI

Harbiy qasamyod

ER YIGITNING OR-SHA'NI

Harbiy xizmat el-yurt himoyachisi sanalgan har bir o'g'lon hayotida o'ziga xos o'rin tutadigan muhim bosqichdir. Er yigitning armiya xizmatiga kelib tantanali ravishda xalqiga, Vataniga va Prezidentiga bir umrlik sodiqlik onti, ya'ni Harbiy qasamyod qabul qilishi unga yanayam ulug'vorlik, qat'iyat va faxr-iftixor tuyg'usi baxsh etadi.

Ha, bu kun askar hayotida unutilmas kundir. Qasamyod qabul qilish bilan u haqiqiy mardlar safidan o'rin oladi. O'zini chin ma'noda yurt himoyachisi, osoyishtalik posboni deb biladi. Shu bilan birga endilikda uning zimmasidagi mas'uliyat hissi yana ham ortib, haqiqiy sharafli burch, ustuvor maqsad sari dadil odim tashlaydi. Bu yo'lda unga ichgan qasami g'urur, iftixor, jasoratga undovchi ilhom, azmu shijoat bag'ishlaydi. Zero, shoir aytganidek, «Yigit uchun jon-tan qasamyod, yigit uchun or-sha'n qasamyod!»

Ayni kunlarda muddatli harbiy xizmatga olingan yosh askarlarning tantanali Harbiy qasamyod qabul qilish tadbirlari boshlandi. Jumladan, ofitser Umid Baxtiyorov xizmat qilayotgan harbiy qismda ham mazkur shodiyona yuksak uyushqoqlik bilan o'tkazildi. Unda harbiylar bilan birga ota-onalar va keng jamoatchilik vakillari ham ishtirok etishdi.

Erta tongdan harbiy qism bayramona tus oldi. Unutilmas kunida aziz farzandlarining quvonch va shodligiga sherik bo'lish istagida yurtimizning turli joylaridan ota-onalar va do'stu yaqinlar guruh-guruh bo'lib oqib kelisharkan, barchasining yuz-ko'zlarida birday quvonch va shodlik, shukronalik hislari yaqqol aks etib turardi.

Saf maydonida lochinlardek tizilishgan yosh askarlarga qarab ko'zlar quvnaydi. Ular harbiy xizmatga ko'rik-tanlov va sinovlar asosida saralab olingan, dillarida g'ayrat-shijoat otashi jo'sh urib turgan olovqalb asl shunqorlardir. Mana, o'tgan qisqa vaqt mobaynida dastlabki ko'nikma mashqlarini puxta o'zlashtirishdi, bugun esa chin yigitlik ontini ichishadi. Bunday kunni unutib bo'larkanmi!

Nihoyat, sharafli burch sari dastlabki pillapoyaga qadam qo'yishga shay turgan yosh askarlarga Harbiy qasamyod qabul qilish uchun ruxsat etildi. Shunqorlar dillarida mavj urgan matonat hislaridan to'lib-toshib, birin-ketin xalqiga, ona Vataniga, Prezidentimizga va ichgan qasamiga hamisha sodiq qolishga tantanali qasamyod qildilar. Shaxsiy tarkib qasamyod qabul qilib bo'lgach, ularni komandirlar, ota-onalar va boshqa mehmonlar so'zga chiqib tabriklashdi.

— Hurmatli askar o'g'illarim, sizlar qasamyod qabul qilib, chinakam Vatan posboni, yurt himoyachisi bo'ldingiz. Sizga tabarruk bobolaru munis onaxonlar, jajji ukajonlaru mehribon singillar, umuman, barcha yurtdoshlarimiz umid bilan ko'z tikib turishibdi. Siz barchamizning osoyishtaligimizni qo'riqlaysiz. Bu sizdan katta mas'uliyat talab qiladi. Shu bois har doim ahdingizga, qasamyodingizga sodiq bo'ling. Burchingizni vijdonan ado eting. Men sizlarga doimo omad va zafar tilashdan baxtiyorman! — dedi ota-onalar nomidan so'zga chiqqan Yo'ldosh aka Bo'tayev.

Shuningdek, tadbirda ishtirok etayotgan boshqa mehmonlar ham navbat bilan so'zga chiqishib, qaynoq dil izhorlarini bayon etdilar. Qasamyod qabul qilgan yosh askarlar nomidan so'zga chiqqan oddiy askar Dilshod Hakimovning bildirilgan ishonchu qo'yilgan vazifani doimo sifatli, vijdonan, sidqidildan ado etish haqidagi otashin so'zlari maydon uzra baralla yangrab, tadbir qatnashchilarini yanayam to'lqinlantirib yubordi.

Shundan so'ng tadbir shodiyonasi tantanali kontsert dasturi bilan davom ettirildi. Tushlikda qasamyod qabul qilgan yosh aksarlarga qism oshxonasida milliy urf-odatlarimizga mos tarzda bayramona dasturxon tuzaldi va taomlar shohi bo'lgan palov tortildi. Harbiy qasamyod tantanasi barchada o'chmas taassurot qoldirdi.

Katta leytenant Shohrux JUMAEV.

Askar xizmatdan qaytdi

YORUG' YUZ BILAN

«Biz bugun katta g'urur va iftixor bilan ayta olamizki, yoshlarimiz uchun mamlakatimiz Qurolli Kuchlari saflarida xizmat qilish nafaqat konstitutsiyaviy burch, balki yuksak maqsad, tom ma'nodagi shon-sharaf ishiga aylanmoqda. Armiyada ular harbiy mutaxassisliklarni puxta egallash bilan birga, jismoniy va ma'naviy jihatdan chiniqib, irodasi toblanib, hayotiy qarashlari shakllanmoqda, Vatan himoyasi yo'lida doimo tayyor turadigan mard va jasur insonlar bo'lib kamol topmoqda...» degan edi Prezidentimiz.

Darhaqiqat, hayot maktabi bo'lgan armiya er yigitning kamol topishida, jismonan va ma'nan yuksalishida, mustaqil fikrga ega bo'lib, shaxs sifatida shakllanishida muhim o'rin tutadi. Ayniqsa, bugun keng ko'lamli islohotlar izchil olib borilayotgan milliy armiyamizda qator ijobiy o'zgarishlar amalga tatbiq etilib, turli uslub va me'yorlar hamda imtiyozlarning joriy etilgani posbonlar uchun imkoniyatlar eshigini lang ochdi, desak noto'g'ri bo'lmaydi. Shu bois ham quvonch bilan ayta olamizki, Qurolli Kuchlarimiz saflarida o'z yigitlik burchini o'tash bugungi kunda yoshlarimizning ezgu orzusiga aylanib bormoqda. Muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatlarini ado etib, uylariga yorug' yuz bilan qaytgan yigitlar bilan suhbatlashsangiz, toleidan mamnun ekanliklarini, kelajak sari dadil va ishonch bilan qarab, har tomonlama ulg'ayganliklarini yaqqol sezasiz.

— Men muddatli harbiy xizmatdan jismoniy va jangovar ta'lim-tarbiya bilan birga juda ko'p hayotiy bilimlar ham oldim, — deydi yaqindagina rezervga bo'shatilgan Toshkent shahar Sobir Rahimov tumanida yashovchi Alisherxo'ja Akbarxo'jayev. — Armiya hayotimda unutilmas iz qoldirdi. Qat'iyat, shijoat, o'zimga ishonch, yaqinlarimga, yurtimga va yurtdoshlarimga fidoyilik, muhabbat tuyg'ularini aynan xizmat tufayli kashf etdim, desam yolg'on bo'lmas. Ayniqsa, xizmatdan tavsiyanoma bilan qaytishim onajonimni qanchalar xursand qilganini aytmaysizmi! Biz oilada uch farzandmiz. Onam bizni oq yuvib-oq tarab, ham ota, ham ona bo'lib yolg'iz o'zlari voyaga yetkazdi. Rahmatli otamning o'rnini bildirmadi. Ayol boshi bilan iloji boricha hech kimdan kam qilmaslikka intildi. Jo'nab ketar chog'imda oy borib-omon qaytishimni tilarkan, "bolam, burchingga sodiq bo'l, ana shunda sendan rozi bo'laman", dedilar. Onamning o'gitlari xotiramga mahkam o'rnashdi. Jangovar postda turganlarimda eng avval ko'z o'ngimga onajonimning nurli siymosi, ishonch bilan boqib turgan mehr to'la ko'zlari kelardi. Bu hol meni yanayam ogoh bo'lishga undar, «askar, hushyor bo'l, sen onangni, barcha onalarni va aziz Vataningni qo'riqlayapsan, shu bois burchingdan boshqasiga chalg'ishga aslo haqing yo'q!» derdim o'zimga o'zim. Mana, volidamning aytganlariga 'amal qilib kam bo'lmadim. Endi nasib etsa, Toshkent davlat aviatsiya institutiga o'qishga kirmoqchiman.

Muddatli harbiy xizmatdan Alisherxo'ja kabi iftixorli natijalar bilan qaytgan Sobir Rahimov tumanida yashovchi bir guruh yigitlarni tuman hokimi boshliq faollar katta shodiyona bilan qarshi olishdi. Ular istiqboliga poyondozlar to'shaldi, karnay-surnay sadolari yetti mahallaga taraldi. Tumandagi mo'jazgina oshxonalardan birida boshlangan tadbir xonadonlardagi askar to'yiga ulanib ketdi.

Ha, xalqimiz juda saxiy va bag'rikeng. Mardlikni, ezgu ishni doimo kattayu kichik birday qadrlaydi. Osoyishtalikni asrashdek savob ishga bel bog'lab, uni sharaf bilan nihoyasiga yetkazgan va qadrdon go'shalariga qaytgan o'z farzandlarini yaqinlari ana shunday qarshi oldilar. Tadbirda shuningdek, posbonlarning o'qish va ishlari-yu, kelajak faoliyatlari haqida ham juda ko'p iliq fikrlar, taklif va maslahatlar bildirildi.

Katta leytenant Jamshid KOMILOV.
Aleksandr MRUCHAK suratga olgan.

Safda yosh askarlar

YURT KORIGA KAMARBASTALIK

Chiniqish maktabi hisoblangan armiya xizmatining er yigitlar kamolotida hissasi katta. Yigit harbiy xizmatga kelar ekan, jismonan va ma'nan yetiladi, bilimi, dunyoqarashi kengayadi. Eng muhimi, zimmasidagi mas'uliyat, yurtiga, vatandoshlariga mehr-muhabbat tuyg'ularini teran anglab yetib, shaxs sifatida shakllanadi.

Islohotlar sabab, bugun yurtimizda harbiy xizmatning nufuzi oshdi, sifati ibratli darajada o'zgardi. Yangi, istiqbolli reja va loyihalar ishlab chiqilib, hayotga keng tatbiq etildi va etilmoqda. Endilikda yigitlarimiz harbiy hizmatga borish uchun chuqur tayyorgarlik ko'rishyapti. Yoshlar armiyaga qator sinov va imtihonlardan iborat saralash bosqichlari asosida qabul qilinyapti. Posbon bo'lish bugun saralar ichra saralargagina nasib etayapti. Buning uchun jismonan baquvvat, ma'nan yetuk, bilimdon, tadbirkor, harakatchan, vaziyatning har qanday sharoitida tegishli tezkor qaror qabul qila oladigan shijoatli bo'lish talab etilmoqda. Harbiy xizmat tufayli qo'lga kiritish mumkin bo'lgan imtiyozu imkoniyatlarning salmog'i beqiyos. Shu boisdan ham bugun quvonch bilan harbiy xizmat so'zda emas, balki amalda borgan sari faxr-iftixorli sohaga aylanib borayotganini yana bir bor e'tirof etsak arziydi.

Qurolli Kuchlarimiz saflarida o'z yigitlik burchini ado etayotgan posbonlarimiz bilan suhbatlashsangiz, ularning posbonlik sharafidan behad g'ururlanishini yaqqol sezasiz. Yaqinda harbiy qismlardan birida bo'lganimda, endigina xizmatni boshlagan yosh askarlar bilan suhbatlashib, bunga yana bir bor amin bo'ldim.

Muddatli xizmat oddiy askari Sharof Abdurazzoqov: — Men harbiy xizmatga yoshligimdan qiziqaman. Shu bois tinmay tayyorlanib kelardim. Mana, askar bo'ldim. Bundan juda xursandman. Yaqinda Harbiy qasamyod qabul qildik. Ta'bir joiz bo'lsa aytish mumkinki, haqiqiy posbon bo'ldim. To'g'risi, xizmat qilish orqali amalga oshirishni ko'zlagan rejalarim, kelajak orzularim bisyor. Shulardan eng muhimi, muddatli harbiy xizmatni a'lo darajada tamomlab, shartnoma asosida xizmatda qolish.

Muddatli xizmat oddiy askari Azamat Abdullayev: — Armiyaga borish uchun ham puxta tayyorgarlik kerakligini bilgach, tinmay shug'ullanib, kuch va malakamni oshirib keldim. Astoydil qilgan harakatlarim besamar ketmadi. Nihoyat, askar bo'lishga loyiq topildim. Bundan juda ham xursandman. O'z o'rnida askar bo'lganimdan g'ururlanaman. Armiya hayotimda o'chmas iz qoldirsa kerak. Har taraflama bilimim boyiyapti. Men ham kelajakda harbiy bo'lishni ko'nglimga tugib qo'ydim. Yurtimizning turli joylaridan kelgan o'zim kabi yigitlar orasidan ko'plab do'stlar orttirdim. Barchasiga omad tilayman.

Muddatli xizmat oddiy askari Musurmon Umarov: — Harbiy xizmat men uchun katta maktab bo'layapti. Armiyaga kelib xarbiy xizmat yigitlik davrining eng unutilmas onlari ekanligiga amin bo'layapman. Ona Vatanga sadoqat, muhabbat, ota-ona qadri, odob-axloq, muomala madaniyatini o'rganishda harbiy ta'limning hamda ustoz-komandirlarning o'ziga xos o'rni borligini teran anglay boshladim. O'ylaymanki, bu yerda o'rgatilgan har bir saboq umr bo'yi naf keltiradi. Armiya er yigitning hayotida kelajakka qo'yilgan tamal toshi bo'ladi. Niyatim, harbiy xizmatdan tavsiyanoma bilan qaytib, Toshkent avtomobil yo'llari institutiga o'qishga kirish va yurtimiz ravnaqi yo'lida xizmat qilib, o'z hissamni qo'shish.

Muddatli xizmat oddiy askari Dilshod Komilov: — Oilada kenja farzandman. Katta akalarim ham harbiy sohada xizmat qilishadi. Ularning aytib bergan hikoyalarini jon qulog'im bilan tinglardim. Shu sababmi, harbiy hayotga qiziqishim ortdi. Nihoyat, men ham askar degan nomga munosib topildim. Bundan, yurt koriga kamarbasta bo'lganimdan behad shodman. Garchi hali xizmatni boshlaganimizga ko'p bo'lmagan bo'lsa-da, olam-jahon taassurotlarga ega bo'ldik. Jangovar, ijtimoiy-siyosiy hamda jismoniy tayyorgarliklar borasida komandirlarimiz ofitserlar Rahmatilla Usmonov va Akbar Turdibekov hamda shartnoma bo'yicha posbon Homidali Inomovlardan bir qadar ta'lim oldik. Mashg'ulotlar bizga rosa manzur bo'lmoqda. Ayniqsa, bu yerda tartib-intizomning qat'iy amal qilishi, hamma narsa o'z vaqtida batartib amalga oshirilishi juda yoqdi. Endigi rejalarim, yahshi xizmat qilib, tavsiyanomaga sazovor bo'lish va ichki ishlar sohasida o'qib, xalqimiz osoyishtaligi yo'lida xizmat qilish.

Muddatli xizmat oddiy askari Jamshid Abdullayev: — Armiya men o'ylaganimdan, tasavvur qilganimdan ham ko'ra boshqacharoq ekan. Xizmatga kelganimdan juda xursandman. Izlaganimni aynan harbiy qismdan topganimni anglab yetdim. Bizning bu yerda pishib-toblanishimiz, harb ilmi sirlarini to'liq egallashimiz, har tomonlama shug'ullanishimiz uchun keraklicha sharoit va qulayliklar yaratilgan. Kutubxona ishlab turibdi. Eng asosiysi, o'zimizdan qunt va izchillik talab qilinadi. Ana shu tamoyillarga amal qilib, harbiy xizmatni tamomlaganimdan so'ng jismoniy madaniyat va sport institutiga o'qishga kirmoqchiman. Bu yo'lda albatta, armiya o'ziga xos ko'prik, maktab bo'lishiga ishonchim komil. Yaxshi xizmat qilib, imtiyozli tavsiyanomaga ega bo'lsam, nur ustiga a"lo nur. Shu yo'lda astoydil harakat qilyapman.

— Yosh askarlarimiz dastlabki ko'nikma mashg'ulotlaridan puxta saboqlar olishdi, — deydi biz bilan suhbatda yig'in davomida ularga boshchilik qilgan ofitser Islombek Orziqulov. — Ularga saf tayyorgarligi, jismoniy tayyorgarlik, qurol-yarog'lar va u bilan ishlash, askarlik majburiyatlari, jangovar texnikalar, «Umumharbiy nizomlar» haqida etarlicha tushuntirishlar berildi. Taşavvurlari boyitildi. Quvonarlisi, yigitlarda o'zlashtirish juda tez, salohiyatlari yuksak. Ularning kelajakda o'z so'zlarini baralla aytib, va'dasining ustidan chiqishiga ishonaman va shunga tilakdoshman.

Askarlar Vatan uchun, shu elning tinchligi va osoyishtaligi uchun chinakam fidoyilik ko'rsatishga bel bog'lagan sheri mard shunqorlardir. Vatanimiz taqdiri mana shunday mard va jasur o'g'lonlar qo'lida ekan, osoyishtaligimiz bardavomligiga, tinchligu xavfsizligimizga hech kim tahdid sola olmaydi.

Katta leytenant Yoshin HAKIMOV.

SHARAFLI VA G'URURLI

Qurolli Kuchlarimizda o'tkazilib kelinayotgan izchil islohotlar sabab harbiy xizmatning obro'si, nufuzi yanada oshmoqda. Ko'plab yoshlarimiz o'z hayotini armiya bilan bog'lashga qat'iy ahd qilishayotgani quvonarli.

Ayniqsa, yoshlarni xizmatga tayyorlash ishlaridagi sifat o'zgarishlarini alohida ta'kidlash zarur. Shu o'rinda Vatan himoyachisini tayyorlashda oila, maktab, mahallaning o'rni beqiyos bo'lyapti. Muddatli harbiy xizmatning naqadar yuksak sharaf, g'urur ishi ekanligi ularning ongiga tajribali murabbiylar, fidoyi posbonlar, mahalla oqsoqollari, ota-onalar tomonidan singdirib kelinayotgani samara bermoqda.

Har tomonlama tayyorgarlik ko'rgan, adolatli tanlov mezonlari orqali saralangan yigitlar harbiy qismlarda ham tezda o'z o'rinlarini topa oladilar. Harbiy ilm sirlarini mukammal egallashda uncha-muncha qiyinchiliklardan cho'chishmaydi. Eng muhimi, bilimdon, intellektual salohiyatli, har tomonlama yetuk posbonlar orasida intizomsizlik, qonunbuzarlik kabi salbiy holatlar deyarli qayd etilmaydi.

Yosh askarlar yig'inlarida harbiy adliya tizimi xodimlarining ham tez-tez bo'lishi, ularda Umumharbiy nizomlar, qonunlar va me'yoriy hujjatlar asosida huquqiy madaniyatni shakllantirishi muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bu o'rinda suhbat, uchrashuvlar shaklida o'tayotgan tadbirlarni aytib o'tish mumkin.

Vatanga muhabbat va uni himoya qilishga shay bo'lishdek tuyg'ular bugunning posbonlari qalblarida yonib turgani quvonarli. Ularning hayot maktabida yanada barkamol bo'lishi, chiniqishi, toblanishi ana shu tuyg'ularni tarbiyachi ofitserlarning qay darajada yo'naltira bilishiga ham bog'liq.

Chaqiriluvchilarning Mudofaa vazirligi tashabbusi bilan chop etilgan «Armiya — hayot maktabi» nomli eslatma bilan saflarga qo'shilayotganini alohida ta'kidlash lozim. Mazkur eslatmada Umumharbiy nizomlardan, Jinoyat Kodeksidan ko'chirmalar berilishi askarning huquqiy ongi yuksalishiga, uning o'z huquq-majburiyatlarini anglashga xizmat qilmoqda.

Adliya podpolkovnigi Alibek CHEGEBAYEV,
Toshkent harbiy okrug
harbiy prokurorining yordamchisi.

TANTANALI RAVISHDA BIRIKTIRILADI

Muddatli harbiy hizmatchining qurol-aslaha bilan muomala qilish tartibi borasida ma'lumot bersangiz.

Oddiy askar Bahtiyor SOBIROV.

Avvalo shuni ta'kidlash lozimki, Mudofaa vazirining buyrug'iga ko'ra Harbiy Qasamyod qabul qilgach, askarga qurol-aslaha tantanali ravishda biriktiriladi. Ta'kidlash joizki, bu tadbir o'ziga xos bir harbiy an'anadir. Demak, yigit shundan e'tiboran haqiqiy posbonga aylanadi. Ichki xizmat Nizomining 13-moddasida yozib qo'yilganidek, askarlar o'zlariga ishonib topshirilgan qurol-aslaha va harbiy texnikani bilishi hamda ularni doimiy shaylikda saqlashi, demakki harbiy mulkni ko'z qorachig'iday asrashi lozim.

Ishonib topirilgan qurol va texnikani o'rganish har bir harbiy hizmatchining birinchi navbatdagi majburiyatidir. Bu o'rinda asosiy e'tibor xavfsizlik talablariga qaratilishini ham unutmasligingiz kerak.

Qurol o'qlangan yoki o'qlanmaganidan qat'i nazar uni harbiy hizmatchilar tomon yo'naltirish, o'ziga biriktirilgan qurolni birovga berish, saf maydoniga tashlab ketish, nayza pichoqni o'ynash, zaruratsiz jangovar holatga keltirish kabilar taqiqlanadi.

Ko'rgazmali mashg'ulot

TASAVVURLAR BOYITILDI

Shimoli-g'arbiy harbiy okrugda bahorgi chaqiruvda muddatli harbiy xizmatga chaqirilgan yosh askarlarga qurol-aslaha va jangovar texnikalar haqida chuqurroq tushuncha berish maqsadida ko'rgazmali o'quv mashg'uloti tashkil etildi.

Posbonlarimiz ongida Qurolli Kuchlar, shuningdek, jangovar texnika va qurol-aslahalar, ularning tehnik va amaliy tavsiflari, qo'llanilishi, turlari haqida kengroq tasavvur uyg'otish, bevosita harbiy hayot haqida chuqur tushuncha hosil qilish uchun tashkil etilgan mazkur tadbir yuqori saviyada o'tkazildi. Unda harbiy qism, muassasalar hamda okrug qo'mondonligi mas'ul ofitserlari va turli qo'shinlardan kelgan harbiy xizmatchilar ishtirok etishdi.

Mashg'ulot samaradorligini yanada oshirish uchun qurol-aslaha va jangovar texnika bo'yicha o'quv nuqtalari tashkil qilindi. O'z mahoratlari va tajribasi, jangovar san'at ilmi borasida yetuk bilim va malakaga egaligi bilan ofitserlar — T.Irgashev, Q.Sodiqov, M.Rustamov, A.Qosimov va shartnoma asosidagi xizmat kichik serjanti R.Madiyarovlar juda yaxshi natijalar ko'rsatishib, yosh posbonlar qalbida havas uyg'otishdi. O'z o'rnida muddatli harbiy xizmatchilardan oddiy askarlar A.Izzatullayev va F.Azamatovlar ham yuksak salohiyati, zukkoligi va tezkor o'zlashtira olish qobiliyatlari bilan safdoshlariga o'rnak bo'ldi.

Aytish mumkinki, ko'rgazmali mashg'ulot dolzarbligi va yosh posbonlarning harb san'ati haqidagi tasavvurlarini boyitishda tutgan o'rni bilan muhim ahamiyat kasb etadi.

Podpolkovnik Bahrom ALLAYOROV.

TAHRIRIYATGA MAKTUB

«ONAJON, ASKARLIK SALOMIM SIZGA...»

Assalomu alaykum, aziz va mehribon onajonim!

Sog'-omonmisiz? Askarlik hizmatimni ham boshladim. Harbiycha hayotga asta-sekin ko'nikayapmiz. Boshida to'g'risini aytsam, yangi joyga, yangicha hayot tarziga moslashish biroz qiyin kechdi. Biroq komandirlarimning yordami, bizdan avval kelgan askarlarning maslahatlari bilan barchasi tezda izga tushib ketdi. Ko'p o'tmay shuni anglab yetdimki, armiyadagi tartib-intizom va chiniqish mashg'ulotlari o'g'il bolani haqiqiy er yigit, chinakam Vatan posboni qilib tarbiyalashga hizmat qilar ekan. Shu bois ham harbiy hayot men uchun katta maktab bo'layapti. Qat'iyat, shijoat, kattalarga hurmat, kichiklarga izzat, do'stlarga yordam, hushyorlik va bilimdonlik singari fazilatlarni aynan hizmat tufayli chuqur anglab yetib, o'zimda ham mujassamlashtiryapman. Bilasizmi, onajon, askarlik hayotim bir umr yodimdan chiqmasa kerak. Xizmatga kelib ota-ona, qarindoshlar, Vatan — kindik qonim tomgan yurtga mehr tuyg'usi nima ekanligini anglab yetdim. Aziz diyorimni, yurtdoshlarimni, ular bilan birga sizni va yaqinlarimni himoya qilayotganimni o'ylab faxrlanib ketaman.

Onajon, esingizdami, siz menga doimo oqilu dono, mard bo'l, bolam derdingiz? So'zlaringiz ma'nosini bugun chuqur anglab yetayapman. Xuddi siz aytgandek bo'lishga, el-yurtga foydasi tegadigan inson bo'lib shakllanishga harakat qilyapman. Bu yerda juda ko'p do'stlar orttirdim. Hammamiz ahil-inoqmiz. Shart-sharoitlar ko'ngildagidek. Shuningdek, yaxshi xizmat qilganlarga tavsiyanoma berishi, o'qishga tayyorlanish uchun kerakli darsliklar va kutubxonaning ham borligi g'oyat ma'qul keldi. Aytmoqchi, muay-tay bo'yicha murabbiyim Sherali akaga minnatdorchiligimni yetkazib qo'ysangiz. Chunki u kishining qo'l ostida sport bilan shug'ullanganim bu yerda rosa qo'l keldi. Hozircha xayr, meni tanigan, bilgan barchaga salom ayting. O'g'lingiz

Oddiy askar Sanjar HAYDAROV.

KUZATISH

Azal shunday Vatanning sharti —
Posbon bo'lar yigitning mardi.
Faqat bitta onangning dardi —
Boshing toshdan, omon bo'l, bolam!

Meni, yurtni, jondan suyasan,
Erkalikni endi qo'yasan,
Bugun askar libos kiyasan,
Ezgu ishlar tomon bo'l, bolam!

Tinchlik bo'lar kurash tufayli,
Asli shunday zamonning zayli.
Yaxshilikka xizmat qil, mayli,
To'g'ri mo'ljal kamon bo'l, bolam!

Bilagingda kuch bo'lsin bisyor,
Jonim, postda doim tur hushyor,
Olloh senga o'zi bo'lgay yor,
Posbonginam, omon bo'l, bolam!

Azal shunday Vatanning sharti —
Posbon bo'lar yigitning mardi.
Faqat bitta onangning dardi —
Boshing toshdan, omon bo'l, bolam!



Abdurazzoq OBRO'Y.

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

«Ибратли оила» кўрик-танлови

НАМУНАЛИ, ФАЙЗЛИ, МЕҲРИБОН

Оила кишилик жамиятининг энг мукаммал ижодидир. Энг гўзал инсоний туйғулар оила аталмиш кичик оламда шаклланади, сайқал топади. Республика Мудофаа вазирлиги кейинги пайтларда ҳарбий оилалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор маърифий тадбирлар амалга оширилди. Ва бундай тадбирлар Мудофаа вазирлиги тизимида кенг қамровли тус олди.

Ҳар бир оиланинг намуна бўлгудек, ўрганишга арзийдиган жиҳатлари кўп. Эзгу анъанага айланиб улгурган «Энг ибратли оила» кўрик-танлови оиланинг энг гўзал жиҳатларини оддий ва самимий тарзда намойиш этади. Тошкент ҳарбий округида ўтказилган танлов ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун кичик бир байрам каби қувноқ руҳда бўлди. Тадбирда Республика Хотин-қизлар қўмитасининг масъул ходими, шоира Зулфия Мўминова, Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театрининг актрисаси Ширмоной Абдуллаева, Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Шоҳида Ирисметова, Мудофаа вазирлиги ҳарбий оилалар билан ишлаш бўлимининг бошлиғи Ойниса Нодирова, офицер Аққар Сафаровлар иштирок этдилар ва ҳакамлик қилдилар.

Тадбирни шоира Зулфия Мўминова табрик сўзи билан очди. Танлов иштирокчилари биринчи босқичда ўз жамоаларида ғолиб бўлган уч ибратли оиладан иборат эди. Офицер Фахриддин Нарзуллаев сержантлар тайёрлаш мактабининг етакчи мутахассисларидан бири ҳисобланади. Оила бошлиғи сифатида ҳам бошқаларга намуна бўла олиши танлов жараёнида яққол кўзга ташланди. Рафиқаси Ойгул билан Фурқат, Ҳилола, Дилдора, Муҳаммадали исмли фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб тарбия қилишмоқда.

Худди шунингдек, офицер Оловиддин Сирожиддиновнинг фаоллиги ҳарбийларимизнинг ҳар бир ишда уддабурон ва эпчил эканликларини кўрсатди. Оилавий муносабатларда ҳам тадбир билан иш кўришларини намойиш этди. Офицернинг рафиқаси Дилафрўз қўлигул чевар. Мирзоҳид ва Садриддин исмли ўғилчалари бор.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Нуржон Рашидовни ҳарбий жамоада энг илғор посбон сифатида барча ҳурмат қилади. Нуржон нозиктаъб шеърият мухлиси сифатида ҳам барчани қойил қолдирди. Улар рафиқаси Айжан билан Нурзада ва Сабрина исмли ширидан ширин қизчаларини тарбиялашмоқда.

Танлов шуниси билан диққатга сазоворки, унда иштирок этаётган ҳарбий оила аъзоларининг ўз ўрни бор. Чучук тилда эндигина чуғурлаётган кичкинтой ҳам ота-онаси қатори иштирокчи ҳисобланади.

Кўрик-танлов шартлари ҳам ўзига хос «оилавий». Саломлашув-таништирув шартида Нуржон Рашидов ўзининг яна бир истеъдодини намойиш этди. Шеърий оҳангда жаранглаган таништирувни томошабинлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

Шу шартга Нарзуллаевлар оиласининг самимий ҳазил ва юморга йўғрилган жавоблари йиғилганлар кайфиятини янада кўтариб юборди. Сирожиддиновлар оиласининг жажжи аъзоси Мирзоҳиднинг чиқиши барчанинг қалбига ўзгача бир илиқлик бахш этди.

Шартлар орасида оталарга тегишли бўлган «Оналар уйда бўлмаган вақтда қизалоқни мактабга кузатиш», айниқса, қизиқарли бўлди. Бунда қизалоқ сочини турмаклаган отанинг нафақат эпчиллиги балки меҳрибонларча хатти-ҳаракати ҳам ўз баҳосини олди.

Сиз дадангизни қутлуғ кун билан қандай табриклайсиз? Бу кўрик-танловнинг учинчи шарти. Қутловда бир вақтнинг ўзида меҳр, ҳурмат, самимият экс этиши керак. Буни севимли рафиқа ёки беғубор болакайдан ўтказиб ким ҳам қила оларди. Бу гал кичкинтой Мирзоҳид барчани ўзига қаратди. Ва оиласига юқори балл тўплашларига катта ҳисса қўшди.

Оила бошлиқлари яна кўпдан кўп саволларга зукколик билан жавоб қайтардилар. Навбат пазанда бекаларга. Энг мазали, қувватбахш, бунинг устига дид билан безатилган салатни қисқа дақиқаларда тайёрлаб, дастурхонга тортишни ҳамма ҳам уддалайвермаса керак. Бу шартнинг бажарилишида Айжан Рашидова маҳоратига тан бермасдан иложимиз йўқ. Ойгул Ҳамдамова, Дилафрўз Сирожиддиновалар ҳам пазандалик бобида намуна бўлишга арзийдилар.

Хонанда Шерқўзи Аҳмедов, Чирчиқ маданият уйи, гарнизон офицерлар уйи ҳаваскор хонандалари ҳамда арабча рақс тўгарагининг қатнашчилари дилрабо куй-қўшиқлари ва рақслари билан тадбирга алоҳида файз бағишладилар. Айниқса кичик раққоса Муштарийбонунинг хироми йиғилганларга айрича завқ-шавқ улашди. Бундан ташқари актриса Ширмоной Абдуллаеванинг чиқишини томошабинлар қизғин кутиб олдилар.

– Оила куни арафасида шундай шукуҳли тадбирда иштирок этаётганимдан мамнунман, – дейди Ширмоной Абдуллаева. – Танловда иштирок этаётган посбон оилалари тўрт нафаргача фарзандлар тарбиялаётгани мени тўлқинлантирди. Посбон оиласи бошқа оилалардан фарқ қилади. Хизмат бурчи турли шароитларда яшашни тақозо қилишини мен яхши биламан. Турмушнинг катта-кичик мураккабликларини биргаликда енгиб, кўпларга ибрат бўлаётган ҳарбий оилалар албатта ҳурматга сазовордир. Оилалар ҳамиша тинч, юрт ҳимоячилари соғомон бўлишсин.

Албатта ўқувчини энг ибратли оила кимники бўлди экан, деган савол қизиқтириши табиий. Бу саволга шоира Зулфия Мўминова шундай жавоб беради:

– Улар орасидан фақат биттагина оилани тан олиш унчалик тўғри бўлмаса керак. Бу оилаларнинг мазкур танловда иштирок этишларининг ўзиёқ барчага ибрат бўлишга арзийди. Ҳакамлар ҳайъати билан келишган ҳолда қуйидаги номинациялар бўйича ғолибларни аниқладик. «Энг ибратли оила» – Оловиддин ва Дилафрўз Сирожиддиновлар, «Энг файзли оила» – Фахриддин ва Ойгул Нарзуллаевлар, «Энг меҳрибон оила» деб Нуржан ва Айжан Рашидовлар оиласи тан олинди.

Уларга эсдалик совғаларини Ойниса Нодирова ҳамда Шоҳида Ирисметовалар топширдилар.

– Оиласидан кўнгли тўқ ҳарбийнинг хизмати ҳам шунга яраша сермазмун, баракали бўлади, – дейди округ хотин-қизлар қўмитасининг раиси Жамила Ғаниева. – Шу каби тадбирлар билан ҳарбийлар оиласига бирозгина бўлса ҳам маънавий озуқа бера олдик, деб ўйлайман. Келгуси режаларимиз бундан-да сермазмун, сермаҳсул бўлиши шубҳасиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Александр МРУЧАК суратга олган.

Халқаро оила куни

ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

1993 йилда БМТ Бош Ассамблеяси бир муҳим қарор қабул қилди. Бу халқаро оила кунини нишонлаш тўғрисидаги резолюция эди. Янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 20 сентябрь куни 47/237 резолюция қабул қилиниши билан 1994 йилдан эътиборан мазкур халқаро сана дунё тақвимида пайдо бўлди.

Аслида бундайин санани қабул қилиш борасида бироз илгарироқ таклиф киритилганди. Яъни 1989 йилда Бош Ассамблея оила билан боғлиқ масалаларни яаям чуқурроқ тушуниб етиш ва мамлакатларнинг оила билан боғлиқ муҳим муаммоларини комплекс сиёсат асосида ҳал этишнинг имкониятларини ошириш борасида резолюция қабул қилганди. Жумладан, мазкур резолюцияда халқаро оила кунини белгилаш борасида ҳам фикр-мулоҳазалар баён этилганди. Мана, 13 йилдирки, шундайин халқаро сана нишонланиб келинмоқда.

Келинг, ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан шу ўринда ўтиш даврида давлатимизнинг кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашига қаратилган сиёсатига эътибор қаратайлик.

Таъбир жоиз бўлса, шуни айтиш лозимки, ижтимоий ислоҳотларни ўтказишнинг тактик жиҳатлари бозор механизмларини жорий этишдан олдин аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўриш, ижтимоий соҳа аҳволини давлат томонидан назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодига кириб борган сари юзага келадиган вазият ва янги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш устуворликлари ва механизмларининг ўзгаришини тақозо этди. 1995 йилдан эътиборан эса ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг мақсадли ва адресли тусда бўлиши асосий тамойил этиб белгиланган тизимга ўтдик.

Ўша даврда республикада аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги тизими биринчидан оилага, айниқса кўп болали оилага аниқ йўналтирилган бўлса, иккинчидан барча муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашни қамраб олди.

Таъкидлаш жоизки, бундайин оқилона ислоҳотлар натижасида аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишининг олдини олишга, мамлакатимизда барқарорликни ва осойишталикни таъминлашга муваффақ бўлдик. Қолаверса, аҳолини адресли ижтимоий ҳимоя қилишнинг қатъий бир тизими вужудга келди. Инсон манфаатларини янада кенгроқ рўёбга чиқаришни таъминлаш учун янгича шароит ва имкониятлар яратилди.

Ислоҳотларнинг илгарилаб боришига қараб ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳам ўзгариб борди. Натижада аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янгича тизими шаклланди. Аниқроқ қилиб айтганда, бунинг замирида ижтимоий ёрдамнинг мақсадли хусусияти ва аниқлиги, бундайин ёрдамни кўрсатишда давлат ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятлари, ҳамкорликлари ётади.

Мамлакатимизда кам таъминланган оилалар ва болали оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда фойдаланилаётган тизим ўзига хос ва оригиналдир, дея эътироф этиш мумкин. Яъни бунда ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг аниқлигини сўров ёрдамида ҳал этиш, кам таъминланган гуруҳларни аниқлаш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юклатилгандир. Табиийки, бу ижтимоий адолатни таъмин этиб келмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг ижтимоий қўллаб-қувватланишига доимий эътибор қаратиб келинаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 209-бўлимида шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи ва у билан бирга яшайдиган оила аъзолари қонунчиликка биноан уй-жой билан таъминланиши ҳақида сўз юритилади. Агар уй-жой билан таъминланмаган тақдирда белгиланган тартибда ойлик пул компенсация олиши кўзда тутилади. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳатто айрим ривожланган мамлакатларда ҳам ҳарбий хизматчиларга бундайин имтиёзлар кўзда тутилмаган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳарбийларимизнинг хизмат ва маиший шароитларига ғамхўрлик қилиш давлатимиз раҳбариятининг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг соғлиқларини сақлаш масаласида ҳам муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Масалан, Мудофаа вазирининг 1997 йилда имзоланган буйруғини олайлик. Унда мамлакатимиз Қуролли Кучларида санатория-курорт таъминоти кўзда тутилган бўлиб, шунга асосан ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг дам олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун шарт-шароитлар яратилган.

Мудофаа вазирининг буйруғи асосида мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини сақлаш, хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган она юрт ҳимоячилари байрамларда ёдга олинади, уларнинг оилалари ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бошқармалари томонидан оталиққа олинади. Ҳар бир байрамда бундайин оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Ислоҳотлар натижасида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш тизими шаклланмоқда. Жойларда ташкил этилган хотин-қизлар қўмиталари ҳарбий оилаларни қўллаб-қувватлаш йўлида муҳим ишларни амалга ошираётгани маълум.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан «Оила» йилининг эълон қилиниши, умуман, соғлом, баркамол авлод тарбиясида оилаларни ролига улкан аҳамият бериб келинаётгани кишини қувонтиради. Бу ҳам бўлса миллатимизнинг болажон, оилапарвар эканлигидан. Ҳа, оилаларимиз фаровон бўлса, юрт фаровон бўлади, оилаларимиз тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Ватан ичра мўъжаз Ватан сифатида эътироф этиладиган оилаларимизда бугун миллий истиқлол ғоялари руҳида – ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган авлодлар камол топишаётганидан кўнгил фахрга, ғурурга тўлади.

Итолмас ҚУРБОНОВ.

Ҳарбий оилалар эътиборда

ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, ҲАРАКАТ ЗАРУР

Ҳарбий оилаларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш, яшаш шароитидаги мавжуд муаммоларни ўз ўрнида ҳал этиш, оналик ва болалик муҳофазасига эътибор қаратиш каби бир қатор йўналишларда иш олиб бораётган Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари – хотин-қизлар қўмитаси раислари бугун ўз ўрни ва мавқеига эга. Агар бирма-бир санаб ўтадиган бўлсак, уларнинг фаолияти кенг қамровли ва масъулиятли эканлигига гувоҳ бўласиз.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари ҳақидаги бу галги мақоламизни жанубий ҳудудларимиздаги ҳарбий қисмлардан тайёрлашга қарор қилдик.

Бу ерда истиқомат қилаётган ҳарбий оилалар асосан ҳарбий шаҳарчаларда жойлашган. Қисм хотин-қизлар қўмитаси раислари эса ҳарбий оила бекалари орасидан сайланган. Айтмоқчимизки, шаҳарчадаги мавжуд шароит, оилалардаги муаммо ва ютуқлар, шунингдек ҳарбий оила муҳити уларга кундай равшан. Фақат ҳаракат ва интилиш, муаммолар ечимини чиройли ҳал эта билиш, бу борада ҳокимликдаги хотин-қизлар қўмиталари ва турли жамоат ташкилотлари билан узвий алоқа боғлаб, белгиланган режа асосида иш олиб боришлари талаб этилади. Уларнинг фаолиятига доимий равишда эътиборли бўлиб, етакчилик қилиб келаётган Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи – хотин-қизлар қўмитаси раиси Тамара Маманованинг бу жараёндаги жонкуярлигини таъкидлаш жоиз.

– Бизнинг вазифамиз кенг қамровли, – дейди Тамара опа қисм хотин-қизлар қўмитаси раиси Лола Ҳайдамованинг иш фаолияти билан танишув жараёнида. – Айтмоқчиманки, биз нафақат ҳарбий оила бекалари ва фарзандлари билан, балки ҳарбий касб эгалари ва аскар ўғлонларимиз иштирокида ҳам оилани асраш, фарзандлик бурчи, миллий қадриятларимизга эътибор борасида тез-тез суҳбатлар ўтказиб туришимиз лозим. Чунки оила бошлиғи, яъни унинг таъминотчиси ва ғамхўри эркаклар эканлигини унутмаслигимиз зарур. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғини, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари, саломатлик маркази шифокорлари, маънавият маркази ходимлари каби бир қатор ташкилот ва жамғармалар билан узвий алоқа боғлаш яхши самара беради. Ҳозирда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиқларидан Гулнора Ризақулова, Зулайҳо Султонова, Лола Ҳайдамоваларнинг ўз вазифаларини кўнгилдагидек уддалаётганига гувоҳмиз. Албатта, ҳар бир вазифа эгаси иш жараёнида малака ошириб, тажрибаси такомиллашиб боради. Аёлларимизнинг кўплари бу вазифага янги тайинланганлигини ҳисобга олсак, улардан умидимиз катта. Бўлинма бошлиқлари ҳарбий оилаларнинг ишончли вакиллари сифатида уларнинг ишончини оқлашга ишонаман.

Ҳарбий қисм хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳайдамованинг йил бошидан буён оилалар иштирокида ўтказган тадбирлари билан танишамиз. Мамлакатимиз миқёсида кечган ҳар бир байрам катта тантаналар билан ўтказилганлигини у суҳбат давомида қайд этиб ўтди:

– Бўлинмамиз туман хотин-қизлар қўмитаси ва маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ҳарбий оилаларнинг яшаш шароитларига эътибор қаратиш, оналик ва болаликнинг ҳимоялаш, ҳуқуқий, тиббий маданиятни ошириш, фарзандларнинг соғлом ва маънавий баркамол улғайишларига замин яратиш, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлганларнинг оиласига ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби бир қатор йўналишларда иш олиб бораяпти. Шу билан бирга ҳар бир байрамни оила бекалари билан ҳамжиҳатликда ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз. Бундан ташқари улуғ боболаримизнинг таваллуд кунлари, уларнинг ҳар биримизга ўрнак бўладиган ҳаёт йўлига бағишланган кечалар уюштиришни режалаштириб, амалга ошириб бораяпмиз. Яқинда туман марказий шифохонасининг репродуктив саломатлик маркази ходимлари билан аёлларимиз жамлигида суҳбат ўтказдик. Айни дамда туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими мажмурияти ҳамкорлигида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Сафар давомида ҳарбий қисм хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Ризақулова олиб бораётган ишлар ҳам диққатимизни тортди. Бўлинма бошлиғининг тарбиячи офицер Ш.Жўраев билан биргаликда олиб борган фаолиятини ҳарбий оилалар учун ўз ўрнида фойдали ва аҳамиятли, десак хато бўлмайди. «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан ўтказилган «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш», «Соғлом она – соғлом фарзанд» мавзуларидаги тадбирларнинг бир қатор жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилгани диққатга сазовордир.

Умуман олганда, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари бошлиқлари – хотин-қизлар қўмиталарининг раислари ўз фаолиятлари билан шу кунниг талабига жавоб беришга ҳаракат қилишаяпти. Самарадорлик эса уларнинг изланиш, интилиш ва ҳаракатларига боғлиқ.

Зулфия НОСИРОВА.

●Ўтганлар ёди доимо қалбимизда

ЗАКРЫТЫЙ ЯБЛОЧНЫЙ ПИРОГ С ИЗЮМОМ



Состав: 400 г муки, 1 ч. ложка разрыхлителя, 200 г сливочного масла, 1 стакан сахара, 2 яйца, щепотка соли, 1 кг яблок, сок 1 лимона, 80 г рубленого и 100 г молотого миндаля, 75 г изюма, 1/2 ч. ложки молотой корицы, 2 ст. ложки панировочных сухарей, 1 яичный желток, 1 ст. ложка сливок.

1. Муку смешать с разрыхлителем, сверху выложить кусочки сливочного масла, добавить половину сахара, яйца, соль и вымесить тесто. Убрать в холодильник на 30 мин.

2. Яблоки вымыть, очистить и, удалив семена, нарезать тонкими дольками. Сбрызнуть лимонным соком, смешать с миндалем, изюмом, сахаром и корицей. Нагреть духовку до 200 градусов.

3. Из 2/3 теста раскатать круг диаметром 32 см. На смазанную жиром разъемную форму диаметром 26 см выложить тесто так, чтобы края свисали наружу. Часто наколоть дно вилкой и посыпать сухарями. Выложить начинку и завернуть края. Раскатать 1/3 оставшегося теста, положить на яблоки и защипать края.

4. Желтки взбить со сливками и смазать пирог. Оставшееся тесто тонко раскатать, вырезать полоски и уложить их на пирог в виде решетки. Смазать яично-сливочной смесью. Выпекать 50 мин. Достать, остудить и посыпать сахарной пудрой.

«БАЙРАМ ПАЛОВИ» – ПЛОВ ПРАЗДНИЧНЫЙ «ИЗОБИЛИЕ»

1 кг риса, 800 г мяса, 350 г жира, 400 г моркови, 3–4 головки лука, 3–4 головки чеснока, 2 айвы, 150 г гороха (нухата), 50 г изюма, 50 г зерен граната, соль и специи по вкусу, для украшения – редька, лук, сваренные (целиком) морковь и 2 яйца вкрутую.

В кипящем масле обжарить лук и мясо. Положить нарезанную морковь и жарить с мясом. Добавить замоченный нухат и разрезанную пополам айву, чеснок целиком, залить водой и варить на медленном огне. Посолить и поперчить только после готовности нухата, в противном случае сварить его будет трудно. Убедившись в готовности всех продуктов в зирваке, засыпать рис, залить водой и варить на сильном пламени. Перед накрытием плова посыпать перебранный и промытый изюм. Время выдержки 20–25 минут. Готовый плов перемешать, вынуть айву и чеснок. Выложить на блюдо и украсить редькой, луком, морковью, яйцами и зернами граната. Этот плов является хорошим украшением банкетного и праздничного столов.

21 МАЙ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури.
9.50 Мультфильм.
10.30 «Менинг университетим».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Самарқанд – 2750»
11.15 «Одами эрсанг»
11.35 «Минг бир ривоят».
11.40, 12.45 «Оқибат». Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури.
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Мозий сирлари».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тупроқдаги мўъжиза».
17.40 «Марғилон – 2000».
17.45 «Ҳаёт ва қонун».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Умр мазмуни».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила риштлари». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Зўравонлик жазоси».
22.05 «Икки тақдир». Телесериал премьераси (Ҳиндистон).
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 Миллий сериал: «Бобур».
23.30 Тунги наволар. «O'zbekiston».
23.40 Кўрсатувлар дастури.
23.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сулола давомчилари».
00.20 «Муқаддас қадамжолар».
00.45 «Ҳаёт манзаралари».
00.55 Дунё иқлими.
1.00 «Ахборот» (рус.).
1.30 Олтин мерос.
1.40 «Чемпион сирлари».
2.00 «Чимилдиқ». Спектакль.
3.50 «Марғилон – 2000».
3.55 Дунё иқлими.
4.00 «Ахборот».
4.35 «Юртим бўйлаб» дастури.
4.55 «Минг бир ривоят».
5.05 Миллий сериал: «Бобур».
5.35 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Ватаним!»
16.20 «Ўлмас мусиқа». Жюл Массне.
16.25 «Уйимдаги фариштам».
16.45 «Куйла, дилкаш дуторим!» Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар. ансамблининг концерти.
17.05 «Матонат».
17.20 «Journal».
17.40 «Жасорат».
18.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.50 «Кино-SMS». Совринли телемусобақа.
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Оқшом қўнғироқлари».
19.40 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
19.50 «Ғазал мулки».
20.10 «ТВ-банк».
20.20 «Якшанба нонуштаси».
20.40 «UzEX хабарлари».
20.45 «Омон бўлинг!»
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Қор алангаси». Сериал премьераси (Корея).
24.00 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.15, 21.45 «ТВ-юрист».
20.20 «Волки».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.25 «Биласизми?»
22.50 «История любви».
00.05 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, 21 май куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Край выдр». Документальный фильм.
19.10 «Жди меня».
20.00 «Моя девочка». Сериал.
20.50 «Спортимиз маликалари».
21.05 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Спортивное кино. «Нокдаун». Художественный фильм.
23.00 ПрофРИНГ.
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

22 МАЙ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «23,5 даража бурчак остида».
9.15 1. «Ўйла! Изла! Топ!»
2. «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.25 «Умр мазмуни».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила риштлари». Сериал.
11.55 Самарқанд – 2750.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури:. «Қўриқхона манзаралари».
12.25 «Шахсий фикр».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури.
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Заковат».
16.20 «Марғилон – 2000».
16.25 «Мозий сирлари».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 ИИВ хабарлари.
17.45 «Ислоҳотлар инсон учун».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Агар Сиз»
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила риштлари». Сериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 Муқаддас қадамжолар.
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 Миллий сериал: «Бобур».
23.40 Тунги наволар. «O'zbekiston».
23.50 Кўрсатувлар дастури.
24.00 «KINOMANIYA».
00.30 «Истеъдод».
00.50 «Самарқанд – 2750».
1.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
1.30 Олтин мерос.
1.40 «Янги кун».
2.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Буюк Ипак йўли».
3.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
3.15 «Назм ва наво».
4.00 «Ахборот».
4.35 «Юртим бўйлаб» дастури.
4.55 «Минг бир ривоят».
5.05 Миллий сериал: «Бобур».
5.45 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи» маърифий-ахборот дастури.
9.15 «Омон бўлинг!»
9.20 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Ватаним!»
10.20 «Юлдуз».
11.10 «Ғазал мулки».
11.30 «Интерфутбол».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». Мультсериал.
13.40 «Шум болалар».
13.50 «Қор алангаси». Сериал.
15.00 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Ватаним!»
16.20 «Ўлмас мусиқа». Жузеппе Верди.
16.30 «ТВ-банк».
16.40 «Самарқанд – 2750 ёшда!»
16.45 «Пойтахтдан узоқроқда».
17.00 «Ватанпарвар».
18.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.50 «Кино-SMS». Совринли телемусобақа.
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Оқшом қўнғироқлари».
19.40 «Истиқбол тимсоллари».
19.50 «Ғазал мулки».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.15 «KINOMANIYA».
20.45 «Омон бўлинг!»
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Қор алангаси». Сериал.
24.00 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Биласизми?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Аёл қалби».
9.55, 11.15, 20.15 «ТВ-юрист».
10.25 «Интервью».
10.35 «Саломат бўлинг».
10.45 «Туризм ҳақида».
11.25 «История любви».
17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.25, 22.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Волки». Научно-популярный фильм.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Премьера».
22.50 «Рокки Бальбоа».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.00 «Хабарлар» (рус тилида).
9.20 «Детективы».
9.50 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.10 «Мониторинг».
10.30 Теннис.
11.00 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Универсиада – 2007».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Сам себе режиссёр».
19.30 Чемпионлар лигаси кундалиги.
20.00 «Моя девочка». Сериал.
20.50 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.05 «Жаҳон спорти юлдузлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Нокдаун». Фильм.
23.05 Еврофутбол. Испания чемпионати.
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

23 МАЙ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «23,5 даража бурчак остида».
9.20 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.20 ИИВ хабарлари.
10.40 «Банк ва мижоз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила риштлари». Сериал.
11.55 Самарқанд-2750.
12.00 «Ягона оилада».
12.20 «Дунё манзаралари».
12.40 «Одамлардан бири».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури.
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «50/50». Ток-шоу.
16.10 «Ақл ва идрок».
16.30 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Эркин иқтисодиёт».
17.45 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Ҳаёт ва қонун».
18.35 «Марғилон – 2000».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила риштлари». Сериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 Миллий сериал: «Бобур».
23.30 Тунги наволар. «O'zbekiston».
23.45 Кўрсатувлар дастури.
23.55 «Марғилон – 2000».
24.00 «Увайсий». Ҳужжатли фильм.
00.35 «Одамлардан бири».
1.00 «Ахборот» (рус.).
1.30 Олтин мерос.
1.40 «Янги кун».
2.40 «Ватанпарвар».
3.40 «Мисли гавҳар».
4.00 «Ахборот».
4.35 Юртим бўйлаб» дастури.
4.55 «Минг бир ривоят».
5.05 Миллий сериал: «Бобур».
5.35 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Омон бўлинг!»
9.20 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Ватаним!»
10.20 «Атмосфера». Илмий-оммабоп фильм.
11.10 «Ғазал мулки».
11.30 «KINOMANIYA».
12.00 «Ватанпарвар».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». Мультсериал. (Якунловчи қисм).
13.40 «Болажон».
13.50 «Қор алангаси». Сериал.
15.00 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Ватаним!»
16.20 «Ўлмас мусиқа». В. А. Моцарт.
16.30 Таътил олдидан: «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.
17.50 «Нафосат олами».
18.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.50 «Кино-SMS». Совринли телемусобақа.
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Оқшом қўнғироқлари».
19.35 «Автопатруль».
19.50 «Ғазал мулки».
20.10 «Спортлото».
20.20 «Тараққиёт сари».
20.40 «Табассум қил!»
20.45 «Омон бўлинг!»
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Қор алангаси». Сериал.
24.00 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Биласизми?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Ҳимоя».
9.55, 10.45, 20.15 «ТВ-юрист».
10.00 «Премьера».
10.15 «Репортаж».
10.55 «Рокки Бальбоа».
17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Мир животных.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Бунёдкор».
22.25 «Биласизми?»
22.50 «Арсен Люпен».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.00 «Хабарлар» (рус. тилида).
9.20 «Детективы».
9.50 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.10 Белбоғли олиш кураши. Республика турнири.
10.40 «Дитя волков». Док.фильм.
11.05 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
17.30 Футбол. Осиё чемпионлари лигаси. «Пахтакор» (Тошкент) – «Кувайт СК» (Кувайт). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус.).
19.25 «Иқтидор». Интеллектуал шоу дастури.
20.00 «Моя девочка». Сериал.
20.50 «Путешествия натуралиста».
21.10 «Футбол мундиал».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Ал-Карама» (Сурия) – «Нефтчи» (Фарғона).
23.20 Современное пятиборье. Кубок мира.
23.40 Футбол. Чемпионлар Лигаси. Финал. «Милан» (Италия) – «Ливерпуль» (Англия). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

24 МАЙ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «23,5 даража бурчак остида».
9.05 1. «Қувноқ стартлар».
2. «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.05 «Ҳаёт манзаралари».
10.15 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.35 Халқ чолғу оркестрлари фестивали.
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила риштлари». Сериал.
11.55 Самарқанд – 2750.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури.
12.20 «Сиз билган ва билмаган».
12.40 «Агар Сиз»
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури.
15.10 Жаҳон мусиқаси хазинасидан.
16.20 «Марғилон – 2000».
16.25 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.25 «Имконият».
17.45 «Шифокор қабулида».
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Оила риштлари». Сериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 Миллий сериал: «Бобур».
23.35 Тунги наволар. «O'zbekiston».
23.55 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
1.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
1.30 Олтин мерос.
1.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
2.40 «Рангин дунё».
3.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
3.10 «Самарқанд – 2750».
3.15 Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева куйлайди.
3.55 Дунё иқлими.
4.00 «Ахборот».
4.35 «Юртим бўйлаб» дастури.
4.55 «Минг бир ривоят».
5.05 Миллий сериал: «Бобур».
5.40 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Омон бўлинг!»
9.20 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Ватаним!»
10.20 «Ҳаёт». Илмий-оммабоп фильм.
11.10 «Ғазал мулки».
11.30 «Автопатруль».
11.45 Таътил олдидан: «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Шоҳсупа».
13.50 «Қор алангаси». Сериал.
15.00 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Ватаним!»
16.20 «Ўлмас мусиқа». Шарл Гуно.
16.30 «Хазина».
16.45 «Самарқанд – 2750 ёшда!»
16.50 «Бу кўллар»
17.10 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
17.20 «Бу шундай бўлган эди»
17.40 «Чемпион сирлари».
18.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.50 «Кино-SMS». Совринли телемусобақа.
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Оқшом қўнғироқлари».
19.35 «Радиодан кўрсатамиз»
19.50 «Ғазал мулки».
20.10 «Қонун ижроси».
20.20 «Эрта сўнган юлдузлар».
20.40 «Табассум қил!»
20.45 «Омон бўлинг!»
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Қор алангаси». Сериал.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Биласизми?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Хор жамоасининг концерти».
9.55, 11.00, 20.15 «ТВ-юрист».
10.00 «Бунёдкор».
10.40 «Интервью».
10.50 «Муқаддас қадамжолар».
11.10 «Арсен Люпен».
17.55 «Умид юлдузлари».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Келажакка интилиб».
22.25 «Биласизми?»
22.50 «Маленький купальщик».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.00 «Хабарлар» (рус тилида).
9.20 «Детективы».
9.50 «Хабарлар» (ўзб. тилида). Футбол. Осиё чемпионлари лигаси:
10.10 «Пахтакор» (Тошкент) – «Кувайт СК» (Кувайт).
11.45 «Ал-Карама» (Сурия) – «Нефтчи» (Фарғона).
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Гейм-Сет-Матч».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «АвтоГРАФ».
19.10 «Халқ ўйинлари».
19.30 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Моя девочка». Сериал.
20.50 Художественная гимнастика. «Хрустальная роза».
21.10 «Тақдир чизгилари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб тилида).
21.50 Семейный экран. «Моя большая греческая свадьба». Художественный фильм.
23.20 Еврофутбол.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

25 МАЙ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «23,5 даража бурчак остида».
9.15 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Фантадром».
10.10 «Минг бир ривоят».
10.15 «Табаррук замин».
10.45 «Молия ва банк хабарлари».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила риштлари». Сериал.
11.55 «Юртим бўйлаб» дастури.
12.25 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили. «Эъзоз».
12.45 Самарқанд – 2750 йиллигига: «Регистон».
13.05 «Икки тақдир». Сериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури.
15.10 «Жаҳон мусиқаси хазинасидан». Моцарт. «Аёллар машмашаси» операси.
16.20 «Қорақалпоқнома».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Саломатлик» дастури.
17.40 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
18.00 «Рангин дунё».
18.20 «Минг бир ривоят».
18.25 «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.45 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Оила риштлари». Сериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бекат».
22.05 «Икки тақдир».
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.05 Миллий сериал: «Бобур».
23.40 Тунги наволар. «O'zbekiston».
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури.
00.15 «Шарқ тароналари».
1.00 «Ахборот» (рус.).
1.30 Олтин мерос.
1.35 «Янги кун».
2.35 «Дунё таомлари».
2.55 «Қизлар давраси».
4.00 «Ахборот».
4.35 «Юртим бўйлаб» дастури.
4.55 «Минг бир ривоят».
5.05 Миллий сериал: «Бобур».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Омон бўлинг!»
9.20 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Ватаним!»
10.20 «Тақдир». Илмий-оммабоп фильм.
11.10 «Ғазал мулки».
11.30 «Интерфутбол».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болалар табассуми».
13.40 «Истиқбол тимсоллари».
13.50 «Қор алангаси». Сериал.
15.00 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Ватаним!»
16.20 «Ўлмас мусиқа». Жузеппе Верди.
16.30 Таътил олдидан: «Буни биз ўтмаганмиз». Бадиий фильм.
18.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.50 «Кино-SMS». Совринли телемусобақа.
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Оқшом қўнғироқлари».
19.35 «Автопатруль».
19.50 «Ғазал мулки».
20.10 «Спортлото».
20.20 «Дунё таомлари».
20.40 «Табассум қил!»
20.45 «Омон бўлинг!»
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: «Тезкор фото».
00.30 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.25 «Биласизми?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Келажакка интилиб».
9.55, 10.45, 20.15 «ТВ-юрист».
10.05 «Умид юлдузлари».
10.35 «Иқтисод-ревю».
10.55 «Маленький купальщик».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Зўравонлик жазоси». Ҳужжатли фильм.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 «Держи ритм». Фильм.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.00 «Хабарлар» (рус тилида).
9.20 «Детективы».
9.50 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.10 Белбоғли кураш. Республика турнири.
10.40 Ринг.
11.00 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Эфирда Машъал».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Моя девочка». Сериал.
20.50 Художественная гимнастика. «Хрустальная роза».
21.10 «Универсиада – 2007».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Рондо». Шоу-программа.
22.35 Дела сердечные: «Принц и я». Художественный фильм.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

26 МАЙ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олтин тож».
9.25 «Шифокор қабулида».
9.55 «Ҳидоят сари».
10.15 1. «Чинсен». 2. «Мағрит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Оила риштлари». Сериал.
11.55 «Шарқ тароналари».
12.15 «Интеллектуал ринг».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Етиб келдикми?» Фильм.
15.50 «Минг бир маслаҳат».
«Болалар сайёраси»:
16.10 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.10 «Сўнгги қўнғироқ».
17.30 «Шахсий фикр».
18.05 «Саломатлик сирлари».
18.25 «Оҳанглар оғушида».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Суғурта оламида».
19.20 Дунё иқлими.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила риштлари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Ҳандалак».
22.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.20 «КиноТеатр».
22.45 «Каролина Лемб хоним». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.45 Тунги наволар. «O'zbekiston».
23.55 Кўрсатувлар дастури.
24.00 ТВ-анонс.
00.05 «Интеллектуал ринг».
00.50 «Марғилон – 2000».
00.55 Дунё иқлими.
1.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
1.30 Олтин мерос.
1.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
2.40 «КиноТеатр».
3.05 «Оҳанрабо».
3.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Бухоро».
3.55 Дунё иқлими.
4.00 «Ахборот». Информацион дастур.
4.35 Миллий кино: «Тангалик болалар».
5.50 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Омон бўлинг!»
9.20 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Ватаним!»
10.20 «Гарфилд-2». Мультфильм.
11.40 «Кино-SMS».
11.45 «Қилни қирқ ёриб» Интеллектуал ўйин.
12.30 «Дилроз». «Ниҳол» мукофоти совриндори А. Солиев.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Бола тилидан».
14.00 «Автопатруль».
14.15 «Чемпион сирлари».
14.35 «Бу шундай бўлган эди»
14.55 «Кино-SMS».
15.00 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Ватаним!»
16.20 «Қонун ижроси».
16.30 «Мурувват».
16.40 «Айланай»
17.00 «Робинсонларникида меҳмонда». Мультфильм.
18.30 «Кино-SMS». Совринли телемусобақа.
18.35 «Яккакураш маликаси – 2007».
18.45 «Каталог».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Рўзғор мактаби».
19.50 «Ғазал мулки».
20.00 «Эверест». Интеллектуал ўйин.
20.45 «Табассум қил!»
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: «Ишқ интиҳоси».
00.30 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Биласизми?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Маърифат фидойилари».
9.55, 11.00 «ТВ-юрист».
10.05 «Саломат бўлинг».
10.40 «Репортаж».
11.10 «Держи ритм». Фильм.
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.15, 21.45 «ТВ-юрист».
20.20 Мир животных.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Истеъдод».
22.25 «Биласизми?»
22.50 «В ожидание чуда».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 Мультфильм.
9.20 «Смак».
9.55 Живой мир. «Планета Земля».
11.00 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.30 «До-ми-соль». Шоу-программа для детей.
12.20 М. Галкин. Юмористическая программа.
18.00 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
18.30 Хабарлар (рус тилида).
18.50 «Военное дело».
19.10 «Файзли ошхона».
19.35 «Универсиада – 2007».
19.50 «Суперлото».
20.00 «Стиль».
20.15 «Застали».
20.30 «Звездный матч».
20.50 «Цирк со звездами».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Цирк со звездами». (Продолжение).
22.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» – «Шўртан».
23.40 «Взрыв из прошлого».

27 МАЙ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Қурбақа малика».
9.35 «Саломатлик сирлари».
9.55 «Оҳанрабо».
10.35 «Меҳр қолур». Видеофильм.
11.35 «Оила риштлари». Сериал.
12.10 «Сиз кутган учрашув».
12.50 «CINEMA.UZ».
13.15 «Қасам». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.20 ТВ анонс.
14.25 «Қасам». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.25 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.35 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Малика ва етти баҳодир». Мультфильм.
17.40 ТВ-анонс.
17.45 «Оҳанглар оғушида».
17.55 «Одами эрсанг»
18.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
19.15 ТВ-анонс.
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «50/50». Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Кўҳна оҳанглар».
22.10 «Заковат».
23.10 «Каролина Лемб хоним». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.10 Тунги наволар. «O'zbekiston».
00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 ТВ-анонс.
00.30 «CINEMA.UZ».
00.55 Дунё иқлими.
1.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус.).
1.30 Олтин мерос.
1.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2.10 «Халқ ўйинлари».
2.30 «Заковат».
3.30 «Кўҳна оҳанглар».
3.50 «Самарқанд – 2750».
3.55 Дунё иқлими.
4.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур.
4.40 ТВ-анонс.
4.45 Миллий кино: «Қор қўйнида лола».
5.50 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Душанбагача бир гап бўлар» Бадиий фильм.
8.30 «Болалар давраси».
9.00 «Якшанба нонуштаси».
9.20 «Зерда». Сериал.
9.55 «Ватаним!»
10.00 «ВАТАНПАРВАР».
11.00 «Journal».
11.20 «Дунё таомлари».
11.40 «Рўзғор мактаби».
12.00 «Чумолилар ҳужуми». Мультфильм.
13.30 «САЛОМ, ТАЪТИЛ!»
14.45 «Таранум». Дам олиш дастури.
15.30 «Ринг қироллари».
16.20 «Чемпион сирлари».
16.40 «ТВ-анонс».
16.45 Жаҳон киноси: «Темир ниқобли одам».
18.45 «Яккакураш маликаси – 2007».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Оқшом қўнғироқлари».
19.40 «Кўзгу». Ҳажвий дастур.
20.00 «Дилроз». Мусиқий дастур.
20.30 «ТВ-анонс».
20.40 «Ер сайёраси». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «KINOMANIYA».
22.00 Ҳинд киноси: «Салом-Намастэ!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Биласизми?»
9.20, 11.10 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Афиша».
9.55 «ТВ-юрист».
10.00 Кино. «Тўйлар муборак».
11.00 «Интервью».
11.30 «Истеъдод».
11.50 Мультфильм.
13.05 «Мусиқа SMS».
13.30 «ТВ-юрист».
13.35 Кино: «В ожидание чуда».
15.05 «Саргузаштлар ороли».
15.35 «Мост в Терабитию». Премьера.
17.25 «Истамбулдаги воқеа».
19.15 «Жозиба».
19.40 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.10 «CINEMA BOLLIWOOD».
20.30 «Туризм ҳақида».
21.05 «Я Сэм». Премьера.
23.10 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.15 «Непутёвые заметки».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Файзли ошхона».
11.25 «Қувноқ стартлар».
12.05 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.25 «Аптека слушает».
13.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» – «Металлург».
14.00 ПрофРИНГ.
17.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» – «Насаф». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Спорт-клуб».
19.20 «Версия».
19.50 «Фоторевю».
20.10 «Спорт уик-энд».
20.50 «Тайм-аут».
21.10 «Ровесник».
21.30 «Талқин».
22.00 «Король ринга».
23.10 Еврофутбол. Германия кубоги. Финал. «Нюрнберг» – «Штутгарт».
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

СКАНВОРД



ГАЗЕТАНИНГ 19-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Полковник. Самолёт. От. Озор. Игна. Ойна. Офат. Трос. Ўроқ. Рави. Ёғ. Чорва. Ва. Асо. Душман. Тол. Лифт. Ит. Румыния. Ассом. Бож. Ирригатор. Ана. Норка. Кит. Тахиатош.

БЎЙИГА: Ломоносов. Осло. Ёритқич. Каттақўрғон. Он. Ов. Фазо. Пистолет. Раъно. Театр. Мисол. Овул. Раёсат. Ном. Амфибия. Сержант. Тарих. Ни. Ганжа. «Оскар». Журналист.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ИСТИҚЛОЛДАН ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз имкониятларимиздан сўз очганда келажакни ўйлайдиган, келажакдан сўз очганда ўтмишни унутмайдиган миллатмиз. Биз истиқлол истиқбол ва масъулият эканини яхши биламиз.

Самарқанднинг 2750 йиллик тўйини янги ютуқлар, маънавий, ғоявий ўзгаришлар, миллий ўзликни теран англаш, истиқлол имкониятларининг беқиёслиги билан кутиб олмоқдамиз. Буларнинг барчасига юртимизда ҳукм сураётган осойишталик, халқимизнинг ташаббускорлик руҳи, Президентимизнинг узоқни кўзлаб юритаётган доно сиёсати туфайли эришмоқдамиз.

Самарқанд шаҳар ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Суҳроб Рафиқов билан қилган суҳбатимиз мавзуси ҳам улуғ анжуманга тайёргарлик ишларининг кўлами, бунёдкорлик иншоотлари хусусида бўлди.

– Ҳар бир халқнинг кимлиги ва маданий даражаси аввало унинг ўз ўтмишига, тарихига, аждодларига бўлган муносабатида намоён бўлади, – деб гап бошлади С.Рафиқов. – Ўз тарихини яхши билган, ўз аждодлари номларини, руҳи покларини ҳар доим ёдга олиб келадиган халқнинг, миллатнинг бугуни, эртанги куни ҳам чароғон бўлади.

Халқимизда, айниқса, ёш авлодда ўзлигини англаш ва Ватанимиз ўтмишини билишга интилишнинг ортиб бораётганлиги маънавий-маърифий тарғибот соҳасидаги устувор йўналишларнинг амалий натижасидир. Буюк аждодларимиз номлари ва меросининг тикланиши, улар юбилейларининг ўтказилиши, тарихий илдизлари уч минг йилликка бориб тақаладиган Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз ва Қарши каби шаҳарларимиз тўйларининг нишонланиши юксак маънавият нишонасидир.

Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари уч босқичда олиб борилмоқда.

Биринчи босқич Самарқанд шаҳар куни муносабати билан якунланди. Шоҳизинда тарихий мажмуаси атрофидаги хонадонлар тўла кўчирилиб, Бибихоним мадрасасигача бўлган майдон кўкаламзорлаштирилди ва сайёҳлар сайр қиладиган хиёбонга айлантирилди. Даҳбед кўчасида янги хусусий меҳмонхона қуриб битказилди. Наврўз байрами арафасида унинг иккинчи навбати ишга туширилди. Тадбир доирасида Амир Темур мақбараси мажмуи ва Руҳобод тарихий ёдгорлиги атрофида жойлашган «Зарафшон» корхонаси кўчирилиб, ободонлаштирилди. Амир Темур ҳайкали ўрнатилган ҳудуддан то Регистонгача бўлган майдон ободонлаштирилиб, сайёҳлик йўлагига айлантирилди.

Сўғдиёна масканида «SOS Kinderdorf internation» шаҳарчаси қурилиши якунланди. Ҳозир олтита коллежда етим болалар SOS оналар билан яшамоқда. Яна 9 та шундай коллежлар болаларни қабул қилишга тайёр турибди. Самарқанд давлат университети базасида ташкил этилган юбилей илмий кенгаши Самарқанд тарихига оид илмий ишлар билан шуғулланмоқда. «Шарқ тароналари» VI Халқаро мусиқа анжумани бўйича дастур асосида иш олиб борилмоқда. «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни», «Ўзбек давлатчилиги тарихи» мавзуларида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий анжуманга Самарқанд илмий-интеллектуал салоҳияти кўмагида тайёргарлик кўрилмоқда. Таълим муассасаларида «Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъатнинг гуллаб-яшнаши» мавзусида махсус ўқув дастури тузилди. Самарқанд тарихи даврларга бўлиб ёзилаяпти ва бу китоб «Самарқанд кутубхонаси» сериясида чоп этилади. Икки томлик «Самарқанд тарихи» китоби қайта кўриб чиқилиб, тўлдирилаяпти, «Самарқанд энциклопедияси» чоп этилди.

«Тошбоқлойиҳа» ЛИТИ томонидан Самарқанл шаҳрини ривожлантиришнинг учта босқичдан иборат 2025 йилгача бўлган режаси тузилган, шу асосида бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти.

Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи, шаҳарнинг бош майдони Регистон, Шоҳизинда мажмуаси, Ҳазрати Хизр масжиди хиёбони таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шу билан бирга ирригация шохобчалари янгиланди. Университет хиёбонига тошдан ясалган ҳайкалтарошлик намуналари қўйилди. Ҳозир унинг атрофи янгидан чиройли шарқона ҳимоя панжаралари билан ўраб чиқилди. Хиёбоннинг ҳар икки томонида иккита саккиз қиррали фаввора барпо этилди. Сайилгоҳ йўлаклари замонавий ғиштин плиталар асосида қайтадан қурилиб, атрофлари гранит деворчалари билан кўтарилди, икки томонлама чироқлар ўрнатилди.

Ҳар бир тарихий шаҳарнинг ўз рамзи бўлганидек, қадим Самарқанднинг ҳам рамзи азал-азалдан она Шер ва қуёш тасвири бўлган. Соҳибқирон Амир Темур давригача, ундан кейин ҳам шаҳар рамзи шер ва қуёш бўлганлигини тасдиқлайдиган, инкор қилиб бўлмайдиган манбалар бор. ЮНЕСКО томонидан Самарқанднинг 2500 йиллигини нишонлаш даврида ҳам унинг рамзи шер ва қуёш бўлган. Шунинг учун шер ва қуёш Самарқанднинг 2750 йиллик тўйига эмблема қилиб олинди.

Юбилейга тайёргарлик ишларининг иккинчи босқичида шаҳарнинг Мирзо Улуғбек кўчасида муҳташам автосалон қурилиши якунланди. Сиёб деҳқон бозори реконструкция қилинди ва «Шодиёна» савдо мажмуаси очилди. Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Ятро-инвест» Ўзбекистон – Россия қўшма корхонаси барпо этилди, Гагарин кўчасида 80 ўринли «Панарама», А.Жомий кўчасида 40 ўринли «Мадина», Булоқ кўчасида 40 ўринли «Амир», Навоий шоҳ кўчасида 20 ўринли «Шаҳризода» меҳмонхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

М.Улуғбек кўчасида ишга туширилган «Уздунробита» қўшма корхонаси биноси шаҳар ҳуснига кўрк бўлиб тушди. Ипак йўли кўчасидаги радиотехника, Беруний кўчасидаги «Кристалл», М.Улуғбек кўчасидаги янги савдо дўконлари, Фарҳод қўрғонида ва Сарбадорлар кўчасида гилам цехлари ишга туширилиб, 250 тага яқин янги ишчи ўринлари яратилди.

Умуман олганда, фойдаланишга топширилган иншоотлар туфайли 800 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Шу кунларда 150 та автобус аҳоли хизматига берилди. Мустақиллик байрами арафасида яна 100 дона автобус хизматга қўйилади. Автобекатлар бир ой муддат ичида таъмирдан чиқарилиб, янги бекатлар қурилади. Юбилейгача 4 та супермаркет ва гипермаркетлар, 850 ўринли концерт зали, Самарқанд санъат коллежининг янги биноси, янги «Бахт уйи» ва катта стадион қурилади. Шаҳар прокуратураси рўпарасидаги эски болалар боғчаси ўрнида болалар диагностика маркази қурилади.

Шаҳарда аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Жаҳон банки билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар биринчи ярим йиллик якунида тугалланади. Самарқанд шаҳри аҳолиси доимий ичимлик суви билан таъминланадиган бўлади. Шаҳарда учта катта йўл қурилиш ишлари ҳам яқин орада охирига етказилади. Бу ишлар Шоҳизинда, Афросиёб музей қалъаси ва Самарқанд ҳалқа йўлининг жанубий қисмида давом этаяпти. Шаҳар кўчаларига бу йил 50.000 туп манзарали дарахт кўчатлари экилиб, баҳорги ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ҳозир «Сино» ҳиссадорлик жамияти биносини таъмирлаш ишлари кетаяпти, шу асосда 400 та янги ишчи ўрин яратилади, лифт заводида олиб бориладиган қўшимча қурилиш ва таъмирдан сўнг 1200 та янги ишчи ўринлари ташкил этилади.

«Боқий шаҳарлар» тўйининг ЮНЕСКО ҳамкорлигида халқаро даражада ўтказилиши ҳар бир ватандошимиз, олим ва зиёлиларимизга катта масъулият юклайди. Қутлуғ тўй муносабати билан Самарқанднинг қадимий ва шонли тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортмоқда. Қадимий машриқ заминидаги навқирон Самарқанд ҳақида қадим замонлардан ҳозиргача жуда кўп асарлар ёзилган. Европадаги олимлар, тарихчилар билан бир қаторда араб олимлари ва тарихнавислари ҳам қадимги Самарқанднинг тарихи, маданияти, санъати ва географик жойлашуви ҳақида кўплаб асарлар ёзиб қолдирганлар. Тарихий манбаларда илк ўрта асрларда Сўғдда ҳунармандчилик ва савдо алоқалари ниҳоятда ривожланганлиги кўрсатилади. Самарқанд ҳунармандчиликнинг маркази бўлиб, тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик, тақачилик ва заргарлик ўз даврида юқори даражада ривожланган.

Самарқандда урф-одатларимиз, диний ва миллий бағрикенглик, миллатлараро тотувлик муносабатларининг муҳим йўналиши сифатида кенг маъно касб этмоқда. Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши ҳам унинг замирида аввало, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш, муқаддас урф-одатларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш каби олижаноб мақсадлар мужассамлигидан далолат беради.

Самарқанд шаҳар маънавият тарғибот маркази раҳбари Тангир САТТОРОВ суҳбатлашди.



ЖАСОРАТ ЯРАТГАН МЎЪЖИЗА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гапнинг очиғи, ўзимиз ҳам «Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон» янги темир йўли тармоғи қурилиши жараёнлари билан танишиш ниятида пойтахт вокзалидан Тошкент–Термиз поездига ўлтирар эканмиз, бундай хаёллардан мутлоқ йироқ эдик. Шоир айтганидай:

Поезд йўлга тушди,
Чеки йўқ чўллар,
Саҳролар юзига тортадир упа.
Мармар рангга кўчган,
Авж урган қўллар
Дарёларни қучар ўпа ва ўпа...

Лекин «Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон» йўналиши бўйича миллий транспорт тизимини ташкил қиладиган янги темир йўл тармоғини барпо этаётган қурувчилар билан учрашганда, улкан жасорат намуналарини кўрсатаётган қаҳрамонлар билан ҳамсуҳбат бўлганда, мустаҳкам темир излар ётқизилишини ўз кўзимиз билан кўрганимизда, юқорида айтилганидай, инсоннинг жасоратига, шаҳду шиддатига тасаннолар айтдик, куч-қудратига, ақлига қойил қолдик. Бу ҳақда кейинроқ.

Тошкентда эканлигимизда «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раиси Ачилбой Раматов билан мулоқотда бўлдик.

– Президентимиз мамлакат темир йўл транспорти тармоғи ривожланишига жуда ҳам катта аҳамият беряпти, – дейди у. – Олдимизга улкан вазифалар қўйилган. Темир йўлларимиздан Шимол билан Жанубни, Шарқ билан Ғарбни боғловчи катта транзит юк оқими ўтади. Ҳукуматимизнинг муҳим қарорлари билан «Учқудуқ–Мискин–Тўрткўл–Султон Увайстоғ», «Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон» йўналишлари бўйича янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, этилмоқда. Фарғона водийсига олиб борадиган Ангрен–Поп темир йўл тармоғи 2014 йилда ишга тушиши керак. Поезд 19 километр туннелдан ўтади, Худо хоҳласа... Ўшанда бутун мамлакатнинг ягона, ўзаро мустаҳкам боғланган пўлат магистраллари вужудга келади.

Чиндан ҳам, бу жабҳада амалга оширилиши керак бўлган вазифалар хийла залворли. Ягона темир йўл транспорти тизимини юзага келтириш, темир йўлларнинг муҳим участкаларини электрлаштириш, такомиллаштириш, яъни телекоммуникацияларни оптик толали тизимга ўтказиш йўли билан темир йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, ҳаракат таркибларини таъмирлай оладиган хусусий корхоналарни ташкил этиш, мамлакатнинг экспорт имкониятларини юксалтирадиган халқаро бозорга олиб чиқувчи муқобил транспорт йўлак (коридор)ларини барпо қилиш, республика ҳудудида транзит юк ташиш ҳажмини мунтазам ошириб боришга эришиш... Ҳозирда темир йўлларимиз орқали ташилаётган юк мамлакатимизда умумий ташиладиган юкларнинг 70 фоизга яқинини ташкил этади. Юртимизга келтирилаётган ва четга чиқарилаётган экспорт-импорт юкларнинг 80 фоизи темир йўллар орқали амалга оширилмоқда. 2005 йил 1 январига Ўзбекистон темир йўлларининг фойдаланиш узунлиги 4014 километрни ташкил этган эди. Рақам мунтазам ошиб бормоқда...

Мамлакатнинг ягона, ўзаро боғланган пўлат магистраллари вужудга келишини ўйлаш нақадар мароқли! Пойтахтда ёки олис бир қишлоқдан чиқиб мамлакат ичида бемалол, исталган жойга бормоқ қандай нашидали!.. Шундай кунларнинг жуда яқин эканлигини ҳис этиш кишига жуда хуш ёқади...

Гапимиз яна «Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон» темир йўли қурилишига бурилди.

– Бу тармоқ қачон ишга тушади? – сўраймиз раисдан.

– Ишга тушди, деб бемалол айтиш мумкин, – кулиб давом этди у. – Тошғузор темир йўл бекати 2004 йил 20 августда очилган эди, унда Президент Ислом Каримовнинг ўзлари қатнашганлиги бу йўлнинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканлигини кўрсатиб турибди. Бугунги кунга келиб, 224 километр масофадан иборат тармоқнинг ўттиз километрча еригагина – бу асосан тоғли жойлар – темир излар ётқизилиши, муҳим кўприклар қурилиши лозим, холос. Режадаги бекатлар бинолари: Тошғузор, Деҳқонобод, Оқработ, Дарбанд, Бойсун, Қумқўрғон – улар олтита, барчаси қуриб битказилган. Қумқўрғон–Бойсун, Тошғузор–Деҳқонобод орқалиқларида поездлар ҳам ҳаракатга тушиб қолди... Аслида, бу тармоқ 2008 йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Аммо биз бу йўналишни, Худо хоҳласа, Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида очишга ҳаракат қилмоқдамиз... Ҳозир иш жуда қизғин паллага кирган. Йигитларимиз темир йўлни ишга тушириш учун кечаю кундуз тер тўкишмоқда. Тош келса кемириб, сув келса симириб, деган ибора айни ана шу қаҳрамонларимиз ҳақида айтилгандек, назаримда...

ҚАРШИ

Биз қаҳрамонлар билан тезроқ учрашишга ошиқар эдик. Ҳамроҳимиз «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси масъул ходими, журналист Сувонқул Рустамовнинг йўл-йўлакай сўйлаб берган қаяжонли ҳикоялари ҳам бизни тобора қизиқтириб борарди.

Поездимиз тонг саҳарда яқинда 2700 ёшини нишонлаб, гўзал ва муҳташам бўлиб кетган Қарши шаҳрига кириб келди. Қарши–Термиз минтақавий темир йўл узели идорасида –'бу жой қурилиш штаби ҳам ҳисобланади – янги темир йўл бунёдкорлари билан бўлган илк суҳбатимиз тасаввурларимизни яна ҳам кенгайтирди. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Азимжон Раҳимов, йўл қурилиш бошқармаси бошлиғи Азимбой Қурбонов, Қарши–Термиз темир йўл узели бошлиғи Ибодулла Арслоновлар бизга кўп нарсаларни сўзлаб беришди.

– Беш мингта яқин одам меҳнат қиляпти, – дейди Азимбой Қурбонов, қурилишнинг бош пудратчиси. – Кеча-кундуз тин билмаймиз. «Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон» темир йўли Катта Ўзбекистон тракти билан ёнма-ён боряпти, дейиш мумкин. Милоддан аввалги V асрдан бошлаб худди шу йўналишда катта карвон йўллари ўтган экан бу ерлардан. Ўйлаб ҳайрон қоласан, тўлқинланиб кетасан, киши. Бир ярим минг йил аввал-а! Энди йигирма биринчи асрда ўша йўллар моҳиятан янгича мазмун касб этиб, Мустақил Ўзбекистонимизга хизмат қилмоқда.

Бизларни рақамлар ҳайратга соларди. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг: «Учқудуқ–Султон Увайстоғ» йўналишида 341,6 км. масофага темир излар ётқизилди. Амударё узра бунёд этилган кўприк, Президентимиз сўзлари билан айтганда, кейинги йиллардаги улкан ишларимизнинг яна бир намоёнига, тантанасига айланиб кетди. Бу муболаға эмас. Ушбу ноёб лойиҳани амалга ошириш учун 33,5 миллиард сўм сарфланди. Узунлиги 681 метрни ташкил этадиган бу замонавий кўприк бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 тадан поезд, соатига мингта автомобилни ўтказиш имконини беради. Ростдан ҳам, «Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ғам бўлмас» мақоли теран мазмунга эга...

«Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон» йўналишидаги ишлар ҳам таҳсинларга сазовор. Ўз-ўзидан «ҳайрат» сўзини кўп ишлатишга тўғри келмоқда, бу бежизга эмас. Нотекис ҳудудлари кўп бу йўналишда 46 та кўприк қуриш режалаштирилган, йўналишларни таъминловчи учта пункт, 446 та сунъий иншоот барпо этилади. Поездлар денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда қурилган темир йўллардан ўтади... Яна бир жиҳати, бу йўл Туркманистон орқали ўтган йўлдан 160 километрга қисқа... Унинг устига, ўз йўлимиз! Балки, ана шуниси жуда муҳим!

Ниҳоят, йўлга чиқдик. Туробжон Ҳайдаров моҳир ҳайдовчи экан, тоғу адирларда бемалол юра оладиган УАЗ-дизель автомобилини Қаршидан Тошғузорга қараб учириб кетди.

ДЕҲҚОНОБОД

Тошғузор бекатида бироз тўхтагач, Бешбулоқ қишлоғи ёнида қад кўтарган Деҳқонобод бекатига етиб келдик. Жуда ажойиб замонавий тарзда барпо этилибди. Қирқ йилдан бери темир йўлда меҳнат қилаётган бекат бошлиғи Саид ака Ҳуррамов кутиш заллари, она-болалар хоналарини кўрсатди, ҳатто ногиронлар аравачалари билан чиқишлари қулай бўлиши ҳам эътиборга олинган. Йўловчилар учун қулай шароитлар муҳайё қилинган. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай қулайликлар барча – Тошғузор, Оқработ, Дарбанд, Бойсун, Қумқўрғон бекатларида ҳам яратилган.

Деҳқонобод, уни тарихда Танги Ҳарам деб номлар эдилар, унча баланд бўлмаган гўзал тоғлар, адирлар, қия текисликлардан иборат. Баланд тоғлари ҳам йўқ эмас. Тоғу адирлар оралиқларида Ғузорга сув берадиган Деҳқонобод, Пачкамар сув омборлари жойлашган. Бойбичакон, Говхона мавзеларида нефть, газ, ош тузи, Одамтош, Тепақўтонда эса калий тузи мавжуд, оҳактош, шағал, гипс каби қурилиш материаллари кўплаб топилади. Қия тоғ ёнбағирларида ям-яшил арчалар, заранг, учқат дарахтлар ястаниб ётади. Тошғузор–Қумқўрғон темир йўли ана шундай манзараларга бой ерлардан ўтади. Келажакда бу ерларнинг обод, юртнинг янада фаровон бўлишини ўйлаб бағоят мароқли. Бу ерда калий заводи, сода заводи қуриш мўлжалда бор. Йўлнинг барпо этилиши қанчалар мураккаблигини тасаввур этиш қийин эмас. Йўл-ку йўл, кўприклар қурилишига нима дейсиз? Ҳа, «Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон» йўналишидаги кўприклар қурилиши бунёдкорлик тарихига алоҳида зарҳал сўзлар билан ёзилишига шубҳа йўқ.

Йўлнинг саксонинчи километрида Қорадаҳна разъезди ёнидаги Консойга қурилган, денгиз сатҳидан кўприк ёнидамиз. Узунлиги 234 метр, ердан 50 метр баландликда, денгиз сатҳидан 1200 метр юксакликда бунёд этилган. 2006 йил 22 февраль куни бу ерда кўприк очилиши бўлиб ўтди. Атрофда тўпланган одамлар маҳобатли кўприкка ҳайрат билан боқишарди. Улар орасида кўприкчилар ва Тошкентдан, Қаршидан келган меҳмонлар бор. Холмурод Исмоилов бошқараётган «Тоштемирйўллойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти томонидан ишланган лойиҳа асосида бунёд этилган, улкан уступлар, мустаҳкам балкалар (ҳазил эмас, бир балка нақ 90 тонна!) тутиб турган кўприкдан биринчи паровознинг ўтиши одатда шундай ҳолларда бўладигандек, байрам тусини олди. Ҳам қувончли, ҳам масъулиятли дамлар... «Ўзбекистон темир йўллари» сардори Ачилбой Раматовнинг ўзи паровозга ўтирди... Ҳамма ҳаяжонда эди. Сифат тарафидан кафолатланган кўприк синовдан аъло даражада ўтди! Ҳайқириқшлар дарани тутди! Халқимизнинг урф-одатларидан келиб чиқиб бир новвос ва бир қўчқор сўйилиб ис чиқарилди, дастурхон ёзилиб, яхши тилаклар билдирилди.

Нигоҳимиз кўприкнинг шундоқ ёнгинасида худди ажойиб воқеани мен ҳам бир томоша қилай дегандай, униб чиққан баҳорий мўъжиза – бойчечакка тушди. Табиат гўё биринчи бойчечакни юбориб бунёдкорларни табриклашга шошилганди. Ҳамманинг кўзида қувонч, бойчечакнинг қадами яхшиликка бўлсин, дея дуо қилди. Ҳали ҳам ўша баҳорнинг илк чечаги қиссаси қурувчилар оғзида...

Модомики, гап кўриклар ҳақида экан, бу воқеани албатта айтиб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Яна бешта кўприк қуришга киришилди, уларни барпо этишга Япония Миллатлараро ҳамкорлик банки 146 миллион доллар маблағ ажратди. Яқинда Япониядан меҳмонлар келишди. Чашмаи Ҳафизон қишлоғида биринчи тошни қўйиш маросими бўлиб ўтди... Тадбир ажойиб дўстлик байрамига айланиб кетди.

ОҚРАБОТ

Оқработга келганимизда туш бўлиб қолган эди. Денгиз сатҳидан 1574 метр баландликда жойлашган Оқработ мавзеида об-ҳаво кунига тўрт марта ўзгаради. Эрталаб кун чиқиб туради, тушга бориб осмонни булут қоплади, аср вақтида бориб ёмир ёғади, шомда дўлни кутаверинг. Бу ерлик одамлар бунга ўрганиб қолишган, агар об-ҳаво алмашиб турмаса, кўника олишмаса ҳам керак. Машҳур Чакчак дараси худди шу ерда. Ҳов ана адирлар орасида ястанган сойлик... Не-не замонларни бошдан кечирган макон... Соҳибқирон Амир Темур назари тушган жой. Муаррихлар Низомиддин Шомий билан Шарафиддин Али Яздийлар ўз «Зафарнома»ларида бу жойлар ҳақида ёзиб кетишган.

Амир Темур ҳали юрт бошига келмаган паллалар эди. Аммо Қозоғоннинг набираси Амир Ҳусайн юрт бошқарар, унинг нуфузи ортиб келаётган кешлик Темурбекка пинҳона ғашлиги бор эди. Ўртага совуқлик тушади. Шунда Амир Ҳусайн макру фириб йўлидан бориб Темурбекни қўлга туширмоқ мақсадида мактуб жўнатади. Мана бу ҳақда тарихчи нима дейди: «Бизнинг ўртамиздаги келишмовчилик, – деб ёзади Амир Ҳусайн, – мамлакат хароблигига сабаб бўлади. Сенинг ақлли, иқтидорли ва диёнатли бир мусулмон эканлигинг маълумдир. Шунинг учун бу борада фикр қилиб, мамлакат ва раиият аҳволининг ислоҳига ҳаракат қил! Мен ўз лашкаримни Чағона (Сурхондарё)га жойлаштираман, сенинг лашкаринг эса Хузорда тўхтаб турсин. Ҳар биримиз юз киши билан келиб Чакчакда учрашайлик ва аҳду паймон тузиб, бундан кейин душманлар ва бузуқ фикрли кишиларга йўл бермайлик...» Аслида, Амир Ҳусайн уч минг лашкар билан келганди. Аммо Темур ақлли, доноиши комил, тажрибали инсон бўлганидан унинг бевафо, ўз сўзида турмайдиган эканлигини фаҳмлади, лекин ўзи одати бўйича ваъдага вафо қилиб Чакчакка келди, ўткир зеҳни билан тадбир ишлатиб фитналардан омон қолди ва улуғ салтанат пойдеворини қўйиш ва уни мустаҳкамлашда давом этди...

Бир замонлар Соҳибқирон қадами теккан Чакчак дараси, мана, кўз ўнгимизда... Энди дарадан – бунда теран маъно кўрамиз – Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон темир йўли ўтмоқда ва Ўзбекистонни жаҳонга олиб чиқмоқда.

Биз «Кўприккурилиш» трести бошлиғи Ғофир Муҳаммедов ва бош муҳандис Вячеслав Андреев билан учрашиб қолдик. Улар жуда кўп кўприклар қурилишида қатнашганлар. Ҳазорасп ёнидаги салкам етти юз метрли Амударё кўпригини қуришда бош-қош бўлганлардан. Андреевдан қанча кўприк қургансиз, деган саволимизга ўттиз бештагача санаб борди, кейин саноқдан адашиб ҳам кетди. Сирдарёнинг Боёвутидан келган монтажчи Бойжигит Бойтўраев, Андижоннинг Куйганёридан Дониёр Турғунов ва бошқа кўп шиддати баланд ботирлар билан суҳбатлашдик. Улар кўзимизга Амир Темурнинг тоғу тошлар, заранг тепалар ва дарёлар устида йўл солаётган кўприклар қураёган бунёдкор йигитлари бўлиб кўринди.

ДАРБАНД

Дарбанд ҳақида тарихда жуда кўп ёзилган. Бизни ҳайратга солган нарса Катта Ўзбекистон трактида шарқроқда жойлашган машҳур Темир дарвоза эди. Бойсундан Ғарбда Саримас тизмасидаги тор дара, асил номи қадимги туркий тилимизда «Темир қапуғ», форсча «Дарбанди оҳанин», арабча «Боб ул-ҳадид», мўғулча «Қаҳалқа» деб юритилади. Маълумки, Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ва унинг ҳамроҳлари милодий 1403 йил йигирма тўртинчи августда айнан шу ердан ўтган эдилар. «Тоғлар орасидан ўтган бу йўл, – деб хотирлайди Клавихо ўз кундаликларида, – Темир дарвоза деб аталади. Бутун тоғ тизмаси бўйлаб бошқа (ўтадиган) йўл йўқ эди. Кичик Ҳиндистондан Самарқанд салтанатига кирадиган бошқа йўл бўлмаганлиги боис бу тоғ йўли салтанат учун муҳофаза нуқтаси ҳисобланарди. Самарқанд аҳолиси ҳамда Ҳиндистондан Самарқандга ва ундан кейинги мамлакатларга йўл олган савдогарлар шу Темир дарвозадан ўтадилар. Ушбу... Темир дарвоза ҳар йили салтанатга катта даромад келтиради...»

Машҳур Темир қапуғдан бир пайтлар Имом Бухорий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва яна кўп боболаримиз ўтганларини беихтиёр хаёлга келтиради, киши. Фавқулодда тарихий азиз жойлар... Вақтлар келиб, боболаримизнинг қадамлари теккан Темир дарвоза олдида мармар тахтачалар ўрнатилса, ажаб эмас...

Амир Темур салтанатида муҳим бўлган Темир қапуғ бугун Мустақил Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга. Ишлар уч смена ташкил этилган, бир лаҳза тўхтамайди. 2005 йилда «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланган 13-кўприк отряди бошлиғи, юзлари офтобда қорайиб кетган Абдулла ака Юсупов Темир дарвозадаги ишлар ҳақида гапириб берди. Узунлиги 2 километрча, эни 5-20 метр бўлган бу қадимий тор дарадан ўтадиган 450 метрлик ёпиқ сой – сув йўли қурилаётган экан. Темир йўл айнан ана шу сойнинг тепасидан 36 метр баландликда ўтади. Яқинда дарага сел келибди, 450 одам бир кеча-кундуз тошқин билан олишибди! Қурилаётган сув йўли бағоят зарур эканлигини ўз кўзлари билан кўришибди қурувчилар... Монтажчи Ойбек Тўлаганов, прораб Жаҳонгир Машҳадий, пайвандчи Петро Гиголаевлар ҳақида қувониб гапираркан, Абдулла ака шундай деди:

– Кўприк қуриш учун кўприкчи бўлиб туғилиши керак экан, одам...

Бу гап ҳаммани ўйлантириб қўйди.

●

Ачилбой Раматов билан хайрлашар эканмиз, у шундай деди:

– Ишимиз ўзига хос. Ҳар қандай бошқа иш тугаб охирига етиши мумкин. Аммо бизнинг ишимиз тугаши мумкин эмас. Чунки йўлнинг охири йўқ. Йўл давом эта беради...

Жасорат яратган мўъжиза... Бу мўъжизанинг бошланиши. Ҳақиқий мўъжиза тахтиравон темир йўллардан шимолдан жанубга, жанубдан шимолга елиб учаётган замонавий шинам ва гўзал вагонларда... Бу кунлар яқин!

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири.
Муҳаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси
(«Халқ сўзи», 2007 йил, 16 май).

ЭЪЗОЗГА ЁР ҲАМШИРАЛАР

Ҳаёт яшнар сиз бахш этган даволарда,
Таърифингиз қиёси йўқ баҳоларда,
Толеингиз камол топар дуоларда,
Эзгуликка умри нисор ҳамширалар.

Шифокорлар ҳақида сўз кетганда, табобат маликалари бўлмиш ҳамширалар алоҳида меҳр билан тилга олинади. Чунки беморнинг энг оғир дамларида, энг кўп мулоқотда бўладиган бу ҳамширалардир.

Инсоният яралибдики, турли хил касалликлар билан курашиб яшайди. Заминнинг онгли ҳукмрони бўлган одамизод қай даражада қудратли бўлмасин, унинг саломатлигига чанг солувчи биринчи душман касалликдир. Шу сабабли бемор чоғларимизда шифокорлар муолажасига, уларнинг меҳрли парваришига муҳтож бўлишимиз табиий ҳол. Бундай онларда врач кўрсатмасига амал қилган ҳолда дардингизга дармон, керак бўлса тунларни тонгга улаб бошингизда парвона бўладиган меҳризиё ҳамширалар эканлигини барчамиз яхши биламиз.

Бу масъулиятли, фидойи соҳа эгалари яқинда касб байрамларини нишонлашди. Халқаро ҳамширалар куни Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали шифокорлари томонидан ҳам байрам сифатида қарши олинди. Шу муносабат билан ҳарбий госпиталь тасарруфидаги Дўрмон дам олиш марказида байрамона тадбир бўлиб ўтди. Мудофаа вазирлиги маънавият ва маърифат маркази ҳамда ҳарбий госпиталь маъмурияти томонидан уюштирилган бу тадбир том маънода жонкуяр ҳамширалларнинг камтар хизматига берилган эътибор, десак хато бўлмайди.

Сир эмаски, Мудофаа вазирлиги тизимида катта мавқега эга бўлган Марказий ҳарбий клиник госпиталида кўплаб ҳамширалар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатишади. Уларнинг масъулиятли вазифасини четдан бир муддат кузатган ҳар қандай инсон саломатлик посбони бўлиш осон эмаслигини ҳис қилиши аниқ. Албатта фидойи вазифани уддалаш билан бирга бундай байрам тадбирларида дам олишнинг ҳам ўз гашти бор. Шу куни госпиталь ҳамширалари учун катта дошқозонда палов дамланди. Таниқли маданият ходими Лутфия Рўзибоева етакчилигидаги «Ўзбегим ёшлари» гуруҳининг талантли санъаткорлари ўз истеъдодларини намойиш этишди. Куй-қўшиқлар рақсларга уланди.

– Шифокорлар учун гоҳида кун билан туннинг фарқи бўлмайди. Дам олиш кунлари ёки байрамларда ҳам беморлар ёнида тиббиёт ходимлари белгиланган тартибда навбатчиликда туришлари шарт, – дейди госпиталь бошлиғининг ўринбосари тиббий хизмат подполковниги Низомиддин Худойқулов. – Айниқса, ҳамширалар бемор учун белгиланган ҳар бир муолажани ўз вақтида бажарилишига жавобгар. Шунинг учун уларнинг вазифаси катта масъулият талаб этади. Муолажалар чоғида беморнинг руҳий ҳолатини ҳисобга олиб ўта эътибор билан ҳаракат қилиш, уларнинг ўз вақтида, яъни белгиланган муддатда овқатланиб дам олишларини назоратда ушлаш каби масалаларга ҳам ҳамширалар эътиборли ва ҳушёр бўлишлари лозим. Госпиталимизда тажрибали, ўз касбининг устаси бўлган ҳамширалар хизмат қилишади. Уларнинг кўпчилиги ҳарбий либос эгалари. Бу дегани уларга қўйилган талаб ҳам бирмунча юқори. Чунки ҳамширалик вазифасини уддалаш билан бирга ҳарбий либос талабларига жавоб беришлари шарт. Ҳарбий шифохонамиздан саломатликлари тикланиб оилалари бағрига, хизматга қайтаётган беморларнинг миннатдорчилик сўзлари асосан ҳамширалларга қаратилиши бежиз эмас. Бу борада малакали кичик тиббиёт ходимларимиздан шартнома бўйича тиббий хизмат сержантлари Людмила Шаропова, Замира Мирзажонова, шартнома бўйича тиббий хизмат кичик сержантлари Малоҳат Ҳошимова, Гўзал Байбурина, шартнома бўйича тиббий хизмат оддий аскари Гулмира Отамуродова, Қуролли Кучлар хизматчиси Мавлуда Қосимоваларнинг номларини алоҳида келтириб ўтишни истардим. Аслида бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Умуман олганда, госпиталимиз ходимларининг асосий қисмини ташкил этадиган жонкуяр ҳамширалларимиз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсатишга доимо шай.

Ҳар қандай касб эгасини меҳнатига яраша кўрсатилган ҳурмат тўлқинлантиради, янада масъулият билан хизмат қилишга чорлайди. Байрам тадбири шодиёнасида чеҳраси гул-гул очилиб ўтирган ҳамшира қизларга эътибор бераман. Барчасининг юзида табассум, қалбида миннатдорчилик сўзлари бир олам.

– Йил давомида қилинган ўзига хос заҳматли хизматдан сўнг, мана шундай байрам даврасида ҳордиқ чиқаришга нима етсин, – дейди ҳарбий госпиталь бош ҳамшираси вазифасини вақтинча бажарувчи шартнома бўйича тиббий хизмат кичик сержанти Гўзал Байбурина. – Кўриб турганингиздек, барчамиз Мудофаа вазирлиги ва госпиталь етакчилари томонидан ташкиллаштирилган бу тадбирдан жуда миннатдормиз. Бу биз учун катта совға бўлди, десам хато қилмайман. Ва албатта бизга кўрсатилган ҳурмат ва эътиборга ўз хизматимиз билан жавоб қайтарамиз.

Госпиталь ҳамширалари номидан изҳор этилган бу сўзлар самимий эканлиги аниқ. Биз ҳам мақоламизни республикамиздаги барча ҳамширалларни халқаро сана билан қутлаган ҳолда, назмий тилаклар билан якунлаймиз:

Хаста диллар меҳрингиздан олар малҳам,
Саломатлик посбонисиз собитқадам,
Табобатда зиё бўлиб қолинг ҳар дам,
Қадри улуғ, эъзозга ёр ҳамширалар!

Зулфия ЮНУСОВА.

ХАВФСИЗЛИК КАМАРИ

УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИ УНУТМАНГ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 29-30 мартда бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга молик қонунлари маъқулланди. Жорий йилнинг 7 апрелида «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Қонун матбуотда эълон қилинди ва 1 июлдан эътиборан кучга киради.

Мазкур Қонунга мувофиқ, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиларининг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаганликлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари»да ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлик камаридан фойдаланиши шартлиги кўзда тутилмаган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 6 мартдаги **«Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига биноан, «Йўл ҳаракати қоидалари»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, 2007 йил 1 июлдан бошлаб конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланаётганда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан фойдаланишнинг мажбурий тартиби жорий этилди.

«Йўл ҳаракати қоидалари»га асосан, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситаси ҳаракатланаётганда ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақиб олиши ва хавфсизлик камарларини тақмаган йўловчиларни ташиманслиги шарт. Шу билан бирга, қуйидагиларга хавфсизлик камари тақмасликка рухсат берилади:

– қоидаларнинг 25. 8-бандига мувофиқ, орқа ўриндиқдаги 12 ёшгача бўлган болаларга;

– транспорт воситасини ҳайдовчиликка ўқиётган ўқувчи бошқараётганда бошқаришни ўргатаётган шахсга;

– ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган бемор йўловчиларга;

– орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчиларга;

– аҳоли пунктларида ҳаракатланишда – йўналиш таксилари ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчиларга;

– аҳоли пунктларида: ташқи қисмига тегишли рангли график схемалар чизилган махсус транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчиларига.

Мотоциклни бошқараётганда ҳайдовчи тугмаланган махсус бош кийими кийиши ва тугмаланган махсус бош кийими киймаган йўловчиларни ташиманслиги керак. Ушбу қоидаларга риоя этмаслик, қонунга мувофиқ маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларида содир бўладиган оғир оқибатларнинг олдини олишдир. Рақамларга эътибор берсак, мамлакатимизда ўтган йили 10853 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган бўлиб, уларда 2128 нафар шахс ҳаётдан кўз юмган, 11881 нафар шахс турли даражада тан жароҳати олган. Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишда ҳайдовчи ва йўловчиларнинг транспорт воситаларида ўрнатилган хавфсизлик камарларидан фойдаланишлари муҳим омил бўлади.

Ҳозирги кунда «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги 1968 йилги халқаро Конвенцияга аъзо бўлган аксарият хорижий давлатларда ҳам (Россия, Германия, Корея ва бошқалар) ҳайдовчи ва йўловчиларга хавфсизлик камарларини тақмасдан транспорт воситасида ҳаракатланиш қонун билан тақиқлаб қўйилган. Хорижий давлатларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаракат давомида хавфсизлик камарларидан фойдаланишлари оғир тан жароҳати олишни 62-65 фоизга камайтирар экан. Шу билан бирга, бу тартиб ҳайдовчиларнинг руҳий-жисмоний ҳолатига ижобий таъсир этиб, транспорт воситасини ҳушёр бошқаришга, йўл-транспорт ҳодисаларининг 12-14 фоизга камайишига хизмат қиларкан. Мисол учун, Канадада 1989 йилдан 2003 йилга қадар бўлган вақтда хавфсизлик камаридан фойдаланган туфайли 6 минг нафардан ортиқ фуқаронинг ҳаёти, 120 минг кишининг саломатлиги сақлаб қолинган. Японияда ҳар 100 та йўл-транспорт ҳодисасидан 75 тасида фуқаролар хавфсизлик камарини таққанлиги боис омон қолган. Бу рақам АҚШда ҳар юз ҳодисадан 77 тасини ташкил этади. Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, соатига 50 километр тезликда ҳаракатланаётган автомобиль ҳаракатсиз тўсиққа урилганда, 80 килограмм вазнли шахс организми 2 тоннага тенг бўлган зарбага учрайди. Бу ҳолатда ёш бола ярим тоннага тенг зарбга дуч келади. Орқа ўриндиқда ўтирган ва хавфсизлик камарини тақмаган йўловчилар соғлиғи ҳам тўқнашувда катта хавф остида қолади. Тўқнашув оқибатида уларнинг бошлари оғир жароҳат олиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг амалда самарали татбиқ этилиши мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига ва ҳайдовчи ҳамда йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг етакчи илмий ходими.

Конкурс для всех!

ВНИМАТЕЛЬНЫЙ ЧИТАТЕЛЬ

Центральный печатный орган Министерства обороны с первых дней своего создания отличался разносторонним подходом к освещению жизни Вооруженных Сил Республики Узбекистан, разнообразием тем, последовательным воспитанием молодежной аудитории в духе национальной независимости. Обновленный еженедельный выпуск газеты полюбился многим читателям, занял достойное место в их сердцах. Приближается 15-я годовщина со дня выхода в свет первого номера газеты «Ватанпарвар», и в связи с этим знаменательным событием наша редакция объявляет конкурс «Внимательный читатель».

Все предложенные вам вопросы предполагают, что вы являетесь нашим постоянным, внимательным и вдумчивым читателем. Поэтому ответы на них вы найдете в номерах газеты, опубликованных в 2007 году.

На русском языке планируется три публикации серий вопросов. Поскольку знаменательная дата приближается быстро, все ответы на них вы должны прислать до четверга следующей недели после выпуска газеты. Контрольный срок будет определяться по штемпелю отделения связи дня отправления на письме или по дате отправки электронной почтой.

Участники, давшие наиболее полные ответы и занявшие первые места, получат ценные подарки:

Первое место – DVD-плеер;
Второе место – аудиомагнитофон;
Третье место – телефонный аппарат.

Пять участников, занявших последующие места, будут поощрены бесплатной годовой подпиской на газету «Ватанпарвар».

ВОПРОСЫ:

1. Когда вышел в свет первый номер Центрального печатного органа Министерства обороны Республики Узбекистан газеты «Ватанпарвар»?
2. Назовите номер газеты и наименование статьи, где процитировано высказывание Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами И. А. Каримова: «Сегодня служба в рядах Вооруженных Сил страны становится не только конституционным долгом гражданина Узбекистана, но и одной из престижных профессий в стране».
3. Чемпион мира по боксу Руслан Чагаев – один из героев наших публикаций. Что он пожелал читателям «Ватанпарвара»?
4. Найдите статью, в которой есть строки: «Офицеры Вооруженных Сил Республики Узбекистан – это достойные представители своего народа, избравшие своей профессией защиту независимой Родины, ее территориальной целостности и мирной жизни народа». Какие статьи этого автора вы еще читали в этом году?
5. В газете «Ватанпарвар» под рубрикой «Бдительность – наше оружие» рассказывается о военнослужащих, отличившихся при несении службы. Назовите имена тех, кто в этом году был поощрен за проявленную бдительность министром обороны.
6. Какая воинская часть названа лучшей по итогам 2006 учебного года? Кто был лучшим в 2005 году?
7. По итогам 2006 года группа воинов-спортсменов была награждена медалями Международного военного спортивного совета (SIZM). Назовите их.
8. Какие боевые машины пехоты вы знаете?
9. В этом году приказом министра обороны утверждены нагрудные знаки для отличившихся в ратном труде. Назовите их.
10. В Академии Вооруженных Сил состоялась презентация нового учебника «История войн и военного искусства». Назовите одного из его авторов, не раз публиковавшегося на страницах нашей газеты.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

В Нигерии освобождена заложница

В Нигерии освобождена похищенная гражданка Белоруссии. Подробности операции по освобождению пока не сообщаются. Ирина Экпо-Умо исчезла 5 мая. Ее похитили в одном из нигерийских городов вооруженные люди. О том, что женщина похищена, в нигерийскую полицию сообщил ее шофер. Как сообщалось ранее, похитители требовали за освобождение 1,2 млн. долларов.

Арестовано четверо боевиков

В Германии арестовали четверых вооруженных бандитов, которые, как утверждает полиция, прибыли из Чечни, передает ИТАР–ТАСС. Двое из них попытались бежать, выбросив находившиеся у них автомат и пистолет, однако вскоре были задержаны. Несколько позже арестовали еще двоих. У них были обнаружены ключи от пяти дорогостоящих легковых автомобилей. В машинах находилось боевое стрелковое оружие и боеприпасы.

Решение Конгресса

Палата представителей Конгресса США отказалась запретить использование военной силы против Ирана без санкции Конгресса. Соответствующая поправка к проекту военного бюджета США на 2008 год о таком запрете была отклонена 288 голосами «против» при 136 голосах «за». На итоговое решение законодателей во многом повлияли последние шаги иранского правительства, которое, вопреки требованиям мирового сообщества, отказывается сворачивать свою ядерную программу.

Потасовка в суде

Массовая драка произошла во Дворце правосудия в Брюсселе после вынесения приговора шестерым преступникам. Как сообщили местные СМИ, потасовка между охраной и близкими обвиняемых началась сразу после того, как судья приговорила их к содержанию в тюрьме строгого режима сроком на шесть лет за похищение несовершеннолетнего с целью получения выкупа. В результате, когда охранники попытались вывести осужденных из зала суда, им пришлось в буквальном смысле отбиваться от нападавших.

Танки вошли в сектор Газа

Израильские танки вошли в сектор Газа впервые за последние полгода. Как сообщили в пресс-службе Армии обороны Израиля, несколько машин продвинулись на сто с небольшим метров в районе Бейт-Лахии «для изучения обстановки». На данном этапе, подчеркнули военные, речь не идет о начале масштабной наземной антитеррористической операции, но не исключили введения в палестинский анклав дополнительных сил, передает ИТАР–ТАСС.

Открылся 60-й Каннский кинофестиваль

Открылся юбилейный 60-й Каннский кинофестиваль. На ближайшие 10 дней Канны станут единственным центром киновселенной. Открытие юбилейного фестиваля ознаменовалось огромным притоком зрителей в Канны. За несколько часов до начала первого показа перед кинодворцом на каннской набережной Круазетт собралась огромная толпа, заблокировавшая все подъезды к знаменитому залу братьев Люмьер.

Забронировано более миллиона билетов

Более миллиона билетов на Олимпиаду-2008 забронировано за первый месяц с начала их продажи. Об этом, по данным ИТАР–ТАСС, объявил Оргкомитет Игр. Продажи начались с середины апреля. Особой популярностью пользуются билеты на посещение церемоний открытия и закрытия самого важного спортивного мероприятия предстоящего года. Цена колеблется от 3,5 доллара до 646.



Новые рекорды «Christie's»

На торгах аукциона «Christie's» картина мастера поп-арта Энди Уорхола «Авария зеленой машины» продана за 71,7 млн. долларов. Покупатель полотна предпочел остаться неизвестным. Таким образом, картина стала самой дорогой для этого американского художника. Цена на эту картину чуть меньше, чем на «Белый центр» художника Марка Ротко, выходца из России, установившего накануне на «Sotheby's» рекорд для современного искусства – 72,8 млн. долларов.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Армейский спорт

К ПОБЕДЕ ВОЛЮ ФОРМИРУЯ



Активные занятия физической культурой и спортом не только способствуют укреплению здоровья военнослужащих, но и укрепляют морально-волевые качества, формируя так нужную для воина волю к победе. В школах подготовки сержантов это прекрасно понимают, плодотворно используя возможности армейского спорта в целях гармоничного воспитания личности.

– Если взять, к примеру, такой простой, на первый взгляд, вид спорта, как перетягивание каната, то он чрезвычайно полезен для будущих сержантов в плане укрепления сплоченности коллектива, – говорит начальник физической подготовки и спорта ШПС майор Рахматулло Мухаммадиев. – Ведь здесь не все так просто, как поначалу кажется. Команде надо не только напрягать мускулы, но и суметь одновременно вложить общее усилие в решающий рывок, одному из группы уловить нужный момент для этого.

Впрочем, и спортивные игры – футбол, волейбол, баскетбол – здесь являются не только одной из любимых форм заполнения досуга, но и служат аналогичным целям укрепления лидерских качеств. Приехавшие из разных концов страны молодые люди в процессе занятий, ратного труда становятся дружным коллективом, настроенным на победу. И пусть игра остается игрой, это не уменьшает жажды воинов к победе, стремления во что бы то ни стало превзойти соперника.

В данном учебном заведении создана и любовно поддерживается хорошая учебно-материальная база для занятий физической культурой и спортом. Курсант не только лишь в часы учебной программы, но и в свободное время считает своим долгом заглянуть в тренажерный зал, чтобы подкачать фигуру. Развитая мускулатура сама по себе дает молодому человеку ощущение гордости перед сверстниками и понимание того, что этим самым он также укрепляет боевую готовность подразделения, наполняет его сознанием важности данного процесса.

Вот и на проведенных с начала года чемпионатах войск Министерства обороны по гиревому спорту и многоборью военно-спортивного комплекса представители ШПС достойно защищали честь округа. И дело даже не в количестве завоеванных наград, гораздо важнее ценный опыт участия в состязаниях столь высокого ранга. Хотя и внутри школы стало доброй традицией в выходные дни проводить состязания по бегу, спортивным играм, рукопашному бою и другим видам единоборств.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото автора.

Кўкрак нишонлари

«ҲАРБИЙ СПОРТЧИ»

«Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони ярим овал шаклида бўлиб, унинг юқори қисмида букланган тасма кўринишидаги тўғри бурчакли миллий байроқ жойлашган. Нишон олтин рангли, бўйи 31 мм. ва эни 21,55 мм. Нишонда тасвирланган 21,55 мм. х 10 мм. ўлчамдаги байроқда бўртма ҳарфлар билан ёзилган «Ҳарбий спортчи» ёзуви бор. Ярим овалнинг чекка томонлари дафна новдалари билан безатилган, пастки қисмида эса яшил рангли эмал билан бўялган саккиз бурчакли юлдуз ифодаланган. Ярим овалнинг ички қисми оқ рангли ҳошияси бўлган яшил рангли эмал билан бўялган. Ярим овалнинг яшил майдонида олтин рангли, 10 мм. х 11 мм. ўлчамдаги, кимоно кийган икки спортчининг бўртма фигуралари тасвирланган.

«Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони тегишли балларни тўплаб, белгиланган меъёрлар ва оммавий спорт ишлари кўриги натижалари бўйича ҳарбий спорт мажмуи талабларини бажарган барча ҳарбий хизматчиларга қўшилма (қисм) командирлари, муассаса бошлиқлари томонидан топширилади. Нишон кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

МОҲИР АСКАРНИНГ ЮТУҒИ

Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг инсон саломатлигига фойдаси ҳақида ортиқча тўхталиб ўтиришга ҳожати бўлмаса керак. Чунки кўпчилик бундан яхши хабардор. Оддий аскар Жамшид Бекматов шулар жумласидандир.

Аслида, унинг спорт билан, аниқроғи, миллий кураш билан шуғулланишига кўпроқ қизиқиш сабаб бўлган. Амакиси – Сафар аканинг машғулотларига кўп бора гувоҳ бўлган болакай курашчи акалари сингари жисмонан бақувват ва руҳан тетик бўлишни жуда-жуда истади... Спорт тўгараклари ўртасида ўтказилувчи турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган Жамшид 2006 йили «Умид ниҳоллари»да ўз мактаби, туман ва вилоят номидан қатнашиб, 65 кг. вазнда совриндор бўлган. Устози спорт устаси, айнан амакиси сингари юқори натижаларни қўлга киритишни мақсад қилган йигит спорт усталигига номзоддир.

– Йигитлик бурчимни ўтаётганимга олти ойдан ошди, – дейди ўқчи вазифасида хизмат қилаётган ўғлон. – Армияда йигит кишининг ҳар томонлама чиниқиши, билимини ошириши учун яратилган шарт-шароитлар сафдошларим каби мени ҳам жуда қувонтирмоқда. Кўплаб машғулотлар қатори жисмоний тайёргарликка катта эътибор берилиши эса айни муддаодир. Кундалик машғулотлардан ташқари байрам ва дам олиш кунлари ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиш айниқса мароқлидир. Нафақат спортнинг кураш, балки армреслинг, тош кўтариш турлари, арқон тортиш, турникда тортилиш бўйича ўз кучимизни синаймиз. Маълумки, муддатли ҳарбий хизматни ўташга лойиқ йигит кўплаб кўриклардан ўтган ҳисобланади. Демак, унинг жисмоний кўрсаткичлари ҳам юқори. Армияда эса, у янада чиниқади. Спорт мусобақаларининг қизғин ва муросасиз кечиши боиси шунда бўлса керак.

Дарвоқе, оддий аскар Жамшид Бекматов қишки ўқув мавсуми синов машғулотларида юқори натижаларни қайд этиб, командирининг, сафдошларининг таҳсинига сазовор бўлди. Тегишли балларни тўплаб, белгиланган меъёрни ва 15-оммавий спорт ишлари кўриги натижалари бўйича ҳарбий спорт мажмуига кирувчи талабларни бажаргани учун эса «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишонига лойиқ топилди. Тиришқоқлиги, пешқадамлиги муносиб тақдирланган ҳарбий хизматчи ўз вазифаси, кундалик фаолиятини янада катта масъулият билан бажармоқда. Ҳа, бу албатта, ўринли рағбатнинг таъсир кучидир.

Келгусида жисмоний тарбия соҳасида олий ўқув юртида таҳсил олишни ният қилган оддий аскар Жамшид Бекматовга миллий армиямиз сафларида орттирилган кўникма, ҳаётий сабоқлар нафақат талабалик даврида, балки бутун умри давомида асқотиши аниқ.

Катта лейтенант Учқун САИДНАЗАРОВ.

Победитель первенства Узбекистана, участник чемпионатов Азии и мира, мастер спорта по греко-римской борьбе рядовой срочной службы Фирдавс Раджабов является членом сборной команды Узбекистана. Он один из тех, кто осенью нынешнего года будет представлять наши Вооруженные Силы на IV Всемирных военных играх, которые пройдут в Индии. По мнению специалистов, наш воин является одним из основных претендентов на медаль Военных игр.

Фирдавс Раджабов: «Свои победы посвящаю любимой Родине, буду гордо нести эстафету армейского спорта Узбекистана!»

Универсиада – 2007

ПОЙТАХТДА ПОРЛАЙДИ МАШЪАЛА

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, кейинги йилларда мамлакатимизда спорт байрамлари анъана тусини олмоқда. Мактабда фарзандларимиз «Умид ниҳоллари» мусобақаси ёрдамида камолга етяпти, лицей, коллежларимизда «Баркамол авлод» ўйинлари воситасида улғайишмоқда, институт, университетларимиз талабалари эса «Универсиада» номли мусобақа орқали янада камол топишмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан асос солинган бу уч босқичли тизим бугун ҳар томонлама шаклланган. Таъкидлаш лозимки, мазкур мусобақалар орқали ўсиб келаётган ёш навниҳолларда нурли истиқболга ишончни, комилликка, матонатга, жасоратга, спорт орқали дунёга ўз сўзини айтишга бўлган қатъиятни шакллантирмоқда. Ҳа, келажагимиз эгалари бўлган баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз бугун ўз меваларини бермоқда.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзини янада кенг тарғиб қилиш, уларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун замон талабларига мос равишда шарт-шароитлар яратиш, ёшларимизнинг иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, улар қалбларида ватанпарварлик, садоқат туйғуларини камол топтиришдек устувор мақсадларга хизмат қилиб келаётган «Универсиада» мусобақаси тўртинчи бора ўтказилишидан хабарингиз бор. Илк бор, яъни 2000 йилда ўтказилганда Наманган, 2002 йилда Бухоро, 2004 йилда Самарқанд мезбонлик қилган «Универсиада» машъаласи энди пойтахтда порлайди.

Маълумки, тобора нуфузи ошиб, талабаларимиз орасидан машҳур спортчилар, чемпионларни кашф этиб бораётган мазкур мусобақа 20-24 июнь кунлари бўлиб ўтиши кўзда тутилган. Президентимизнинг «Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада – 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори мазкур мусобақага давлатимиз раҳбариятининг устувор эътиборидан, демакки соғлом, баркамол авлодни тарбиялашдек юксак мақсадни кўзлаб юритаётган сиёсатимиздан далолат.

«Универсиада–2007» мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоаларининг 139 нафардан, жами 1946 нафар иштирокчи қатнашиши кутиляпти. Мусобақада талабалар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, шахмат, теннис, стол тенниси, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, сузиш ва дзюдо каби турлари бўйича ўзаро беллашишади.

Иштирокчилар қаерда жойлашишади, беллашувлар қайси спорт мажмуаларида кечади, деган ўринли савол туғилади. Мусобақа иштирокчилари – спортчи ва ҳакамларнинг мингдан зиёди «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат юридик ва молия институтларига қарашли талабалар тураржойларида яшаши режалаштирилган. Спортнинг футбол, қўл тўпи (қизлар, йигитлар ўртасида), стол тенниси (қизлар ўртасида), баскетбол (йигитлар ва қизлар ўртасида), енгил атлетика (йигитлар ва қизлар ўртасида) каби турлари бўйича баҳслар Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат техника университети ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг спорт мажмуаларида ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

«Ватан, халқ шуҳратини дунёга таранним этишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган ғалабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи, деб биламан.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади», деган эди Президентимиз «Универсиада» мусобақаси илк бора ўтказилганда иштирокчиларга йўллаган табригида. Ҳа, бундайин спорт байрамлари баркамол, соғлом авлодни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шерзод ТОЛМАСОВ.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Чемпион мира в супертяжелом весе по версии WBA, наш соотечественник Руслан Чагаев, отобравший это звание у россиянина Николая Валуева, намерен провести свою первую защиту титула уже нынешним летом. Планируется, что его соперником станет победитель поединка, в котором 26 мая сойдутся два британских боксера Мэтт Скейтон и Майкл Спротт.

●

В Стамбуле прошел профессиональный турнир по кикбоксингу в одной из самых престижных версий WSKA. Турнир собрал сильнейших представителей из 20 стран мира. Республику Узбекистан в весе 67 кг представлял Неъмат Бобомухаммедов. Красивые и уверенные поединки с его участием не оставили равнодушными ни одного болельщика и зрителя. А сноровка, ловкость, мастерство плюс огромная сила воли и спортивный характер помогли ему стать чемпионом мира среди профессионалов. Его победа представляется особо ценной, если учесть, что соперником Неъмата был голландский боец. Ведь не секрет, что самой сильной была сборная команда Голландии. Считалось обычным явлением, если пальму первенства в подобных соревнованиях забирали голландцы. Однако наш файтер, проявив волю к победе, доказал, что и наша команда достойна быть в числе лучших.

●

Андижонда теннис бўйича анъанавий «Фьючерс» халқаро турнири якунланди.

Ўндан ортиқ мамлакат теннисчилари иштирок этган мазкур турнирда ҳамюртимиз Денис Истомин бош совринни қўлга киритди. У финалда яна бир вакилимиз Сарвар Икромовни мағлубиятга учратди.

●

Японияда футзал бўйича навбатдаги Осиё чемпионати давом этмоқда. «В» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи учрашувда Ироқ футзалчиларига кутилмаганда (1:3) имкониятни бой бериб қўйганди. Ҳамюртларимиз иккинчи ва учинчи тур учрашувларини муваффақиятли ўтказишди. Дастлаб Қувайт терма жамоаси 4:0, сўнгра Таиланд футзалчилари 3:2 ҳисобида мағлуб этилди. Бу ғалабалар юртдошларимиз учун чорак финалга чиқиш имкониятини яратди.

●

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) «Осиё кубоги – 2007»да ўйналадиган тўпни расман эълон қилди. uff.uz сайтидан олинган маълумотда кўрсатилишича, қитъа чемпионатида дунёга машҳур «Nike» спорт фирмасида ишлаб чиқарилган тўпларидан фойдаланилади. Бу тўп «Nike Mercurial Veloci AC» (тезлик билан учувчи) номини олди. Унда мезбонларини ифода этадиган тўрт хил рангли чизиқ акс эттирилган. Мазкур тўп қўлда тайёрланган бўлиб, зарба пайтида яхши тезликка эга.

●

Яқинда Хитой Тайпейида пауэрлифтинг бўйича Осиё чемпионати ўтказилиб, унда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Қитъанинг ўттиздан ортиқ давлатидан келган 750 нафар спортчилар ўртасида кечган кескин баҳслар якунида юртдошларимиздан Воҳиддин Нажмиддинов, Александр Романенко, Сергей Гас, Александр Лузанов ҳамда Александр Макаров олтин, Зафар Аҳмедов кумуш, Сергей Турбисин бронза медали соҳибига айланди. Қизларимиздан эса Зарифа Козлан ва Юлия Стесенко олтин, Анна Васина бронза медалига лойиқ натижани қайд этишди.

МИР СПОРТА-2007

В Выставочном зале гостиницы «Интерконтиненталь-Ташкент» – прошла 2-я Специализированная выставка спортивной индустрии «Мир спорта-2007». Организатором мероприятия выступила Международная выставочная компания «IEG Uzbekistan». Официальную поддержку оказало Министерство по делам культуры и спорта Республики Узбекистан.

На выставке свои достижения в области спортивной индустрии представили около 20 компаний из Узбекистана, России, Беларуси, Пакистана, Бангладеша и Нидерландов.

Покрытия для стадионов, спортивных комплексов, залов и площадок, комплексное оснащение спортивных залов, оборудование для бокса, инвентарь для учебных заведений, тренажеры и методики тренировок, велопарк – вот далеко не полный перечень представленной продукции. Кроме инвентаря и снаряжения, компании-производители предложили посетителям специализированную литературу, научные разработки, программы с уникальными методиками тренировок и обучения начинающих спортсменов. Внимание молодежи было заострено на новинках сектора «Велопарк». Вот что сказала о выставке менеджер проекта Юлия Евстифеева: «Наша выставка объединяет лучших отечественных и зарубежных производителей спортивных товаров и услуг, представителей деловых кругов и государственных организаций в области спорта и спортивной индустрии. Среди них особо хотелось бы отметить отечественного производителя спортивного инвентаря «КП РТО ВТ». Оборудование, производимое компанией, отвечает международным стандартам по качеству изготовления, дизайну и использованию новейших технологий. Их продукт востребован в республике и поставляется в учебные заведения.

Если говорить о целях и задачах, то мы надеемся, что ежегодное проведение спортивной выставки будет способствовать формированию здорового поколения, пропаганде здорового образа жизни и развитию детского спорта, которому нашим правительством уделяется такое большое внимание».

Аброр АКБАРОВ.

По просьбе читателей

СИЛЬНЫЕ НОГИ – «ВИЗИТКА» СПОРТСМЕНА

Призывники, солдаты и те, кто хотят стать сильными, в своих письмах обращаются к нам с просьбой рассказать, как правильно «накачать» те или иные мышцы. В частности, наши читатели А.Миркамилов, А.Рустамов, младший сержант С.Сулаймонов, рядовые срочной службы М.Юлдашев, Ж.Эргашев, Д.Саттаров просят на страницах газеты дать наглядные уроки по подкачке ног. Что ж, мы охотно выполняем их просьбу.

РАЗГИБАНИЕ НОГ СИДЯ

Перед основной нагрузкой просто необходимо дать суставам, связкам и мышцам полноценно разогреться, подготовиться к тяжелой работе, что является профилактикой травматизма. В разгибании ног важен не вес, а четкая техника выполнения упражнения. Необходимо помнить, что оно носит лишь разогревочный характер.

3–4 подхода по 12–20 повторений.

YOSHLAR – KELAJAGIMIZ EGALARI

Abituriyent – 2007

NIYATLARI – OFITSER BO'LISH

Ayni chog'da yoshlarimiz orasida Vatan himoyachisi bo'lishga ishtiyoq juda kuchli. Chunki kundan kunga so'zda emas, amalda harbiy xizmat nufuzi ortib bormoqda. Kimdir askar bo'lish niyatida, kimdir yigitlik burchini o'tab qaytgach, serjant bo'lish harakatida, yana kimdir esa o'z oldiga ofitcer bo'lishdek oliy maqsadni qo'ygan. Ofitser bo'lish uchun juda ko'p sinovlardan o'tish kerak. Nomzodlar avvalo joylardagi mudofaa ishlari bo'limlariga murojaat qilishadi. Shu yerda ularga bu yo'ldagi barcha sinovlar tushuntiriladi va belgilangan tartibda abiturientlar saralanadi.

– Bizning Sirg'ali tuman mudofaa ishlari bo'limiga juda ko'p yoshlardan oliy harbiy bilim yurtlariga o'qishga kirish uchun arizalar tushdi, – deydi Hasan Mirsultonov. – Shu kunlarda ularning hujjatlari tayyorlanib, o'zlari tibbiy ko'rikdan o'tishmoqda. Ko'pchligining hujjatlari tayyor ham bo'ldi. Xohlasangiz o'zlari bilan suhbatlashishingiz ham mumkin.

Ofitser bo'lish niyatida yurgan yoshlarni suhbatga tortdik.

Jamshid QO'CHQOROV: – Men kuzda armiyadan qaytganman. Ijtimoiy-siyosiy va boshqa tayyorgarliklar bo'yicha a'lo natijalarni qo'lga kiritganim uchun qo'mondonlik menga tavsiyanoma ham berdi. Tavsiyanoma katta imtiyoz ekanligini yaxshi bilaman. Shu kunlarda Samarqand oliy harbiy avtomobil qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtiga o'qishga kirish uchun qizg'in tayyorgarlik ko'rmoqdaman. Ofitser bo'lishni yoshligimdan orzu qilganman. Hammasi o'zimga bog'liqligini yaxshi anglab astoydil harakat qilyapman.

Dilshod HASANOV: – Men ayni kunlarda Sirg'ali tumanidagi 284-maktabning o'n birinchi sinfini tamomlash arafasida turibman. Toshkent axborot texnologiyalari universiteti huzuridagi Mudofaa vazirligining maxsus fakul'tetiga o'qishga kirmoqchiman. Tibbiy ko'rikdan harbiy xizmatga yaroqli deb topilib, barcha hujjatlarimni taxt qilib qo'ydim. Niyatim aloqachi ofitser bo'lish. Vatan himoyachisi bo'lish sharafli kasb.

Bunyod OBRO'YEV: – Mudofaa vazirligining markaziy matbuot nashri «Vatanparvar» gazetasini muntazam o'qib boraman, televizorda namoyish etiladigan «Vatanparvar» ko'rsatuvini ko'rib boraman. Yaqinda kollejni tamomlayman. Toshkent oliy umumqo'shin qo'mondonlik bilim yurtiga kirib o'qimoqchiman. Akam Farruh ana shu bilim yurtida tahsil olmoqda. Uyga kursantlik libosida kelganida ko'rib havasim keldi. Kiyib ko'rdim. Menga ham yarashdi. Ana shunda menda ham ofitser bo'lishga juda katta ishtiyoq uyg'ondi. Hujjatlarim tayyor, testni kutyapman.

Yana ikki hamsuhbatimiz – Nikolay Ten Toshkent axborot texnologiyalari universiteti huzuridagi Mudofaa vazirligining maxsus fakultetiga, Ro'zimat Jumanazarov Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtiga o'qishga kirish niyatida ekanliklarini izhor etishdi.

Oliy harbiy bilim yurtlariga o'qishga kirmoqchi bo'layotgan yoshlarning ishtiyoqi baland. Biz ularning niyatlariga yetishlarida muvaffaqiyat tilaymiz. Omad sizga yor bo'lsin!

Abdurazzoq BAYRAMOV.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Таниқли шоир Сафар Оллаёр Ватан, ватанпарварлик ва муҳаббат мавзусида ёниб ёзаётган ёш шоирларимиздан. Ижодкорнинг «Азизим, Ватан» деб номланган мазкур шеърида туғилиб ўсган заминга бўлган меҳр ва муҳаббат куйланади.

АЗИЗИМ ВАТАН

Ватан!
Саждагоҳим!
Сенсиз мен кимман?!
Сен борки, мавжланар кўксимда ғурур.
Шояд баҳрамандман азиз меҳрингдан,
Сенсиз этолмасман ўзни тасаввур.

Йироқда мусофир миллатдошимнинг
Куйик ноласида кўраман Сени.
Ёнимга боққанда ҳар юртдошимнинг
Суюк боласида кўраман сени.

Қалбимнинг тўрида гўзал сийратинг,
Кўзим гавҳарида сувратинг турар!
Бағрингдаги оташ шу ҳароратинг
Боладай эркалаб, дилни яйратар.

Дилкаш оғушингда эркин яшасам,
Мен яна нимани кутайин Сендан.
Сен ҳам юрагимда мангу яшайсан,
Суянчим,
Севинчим,
Азизим, Ватан!!!

«Kelajak ovozi-2007»

TANLOV DAVOM ETMOQDA

Ayni kunlarda «Kelajak ovozi – 2007» tanloviga hujjatlar qabul qilish ishlari qizg'in davom etmoqda. Tanlovning 2006 yilgi bosqichlari muddatlari bu yilga kelib o'zgartirilib, mintaqaviy saralash bosqichlari esa joriy yilning iyun oyida, arizalarni qabul qilish esa 1 martdan 20 maygacha etib belgilandi. Mintaqaviy bosqich g'oliblarini taqdirlash marosimlari mustaqillik bayrami arafasida, sentabr oyining birinchi o'n kunligida o'tkaziladi.

Yoshlarning tanlovda ishtirok etish istaklari yuqoriligini inobatga olib, uzoq tumanlarda ham tuman bosqichlarini o'tkazish masalasiga kelishildi. Joriy yilda tanlovda arizalar qabul qilish to'g'risida joylarda maxsus shtablar tashkil etilib, ular arizalar bo'yicha ma'lumotlarni har hafta «Kelajak ovozi» Respublika yoshlar tashabbuslari markaziga yuborishmoqda. Hozirgi kunga kelib tanlovda ishtirok etish istagida bo'lgan yoshlarning soni 16 mingtaga etdi.

Bugun respublikamizning barcha viloyatlarida «Kelajak ovozi» yoshlar tashabbuslari markazi o'z faoliyatini olib bormoqda. Samarqand, Qashqadaryo, Buhoro, Farg'ona viloyati markazlari faollari yoshlarni birlashtirishga qaratilgan qator tadbirlarni o'tkazishga ulgurishdi. «Kelajak ovozi» yoshlar tashabbuslari markazi faollariga yetarli shart-sharoitlar yaratib berilmoqda. Navoiy, Andijon, Qashqadaryo viloyatlarida mahalliy hokimiyatlar ko'magida alohida binolar ajratish masalasi ijobiy hal etildi. Shuni faxr bilan e'tirof etish kerakki, poytaxtimizdagi «Yoshlik» talabalar shaharchasida barcha zamonaviy talablarga javob beradigan Markazning yangi binosi foydalanishga topshirildi. Bir vaqtning o'zida o'nlab talaba yoshlar zamonaviy kutubhona tizimidan, komp'yuter va internet xizmatidan foydalanishlari, «O'zbekiston madaniyati va san'ati forumi» jamg'armasining yoshlarga qaratilgan loyihalari haqida yangi ma'lumotlarni olishlari mumkin.

Yaqinda bo'lib o'tgan respublika yoshlar forumida ham Tashabbuslar markazining yaqin kelajakda amalga oshirilishi lozim bo'lgan harakat dasturi loyihasi ishlab chiqildi. Markaz yo'nalishlari bo'yicha qiziqarli tadbirlar rejasi tayyorlandi. Yana bir yangilik, joriy yilning iyul oyida «Kelajak ovozi» yoshlar tashabbuslari markazining mavsumiy yozgi oromgohi tashkil etiladi. Bu oromgohda 300 ga yaqin markaz faollari nafaqat hordiq chiqarishadi, balki o'z bilim va malakalari, intellektual salohiyatlarini oshirishga qaratilgan seminar-treninglarda qatnashishadi. Yangi qiziqarli loyihalar va rejalar ustida ish olib borishadi. Xullas, Markaz yoshlar uchun keng imkoniyatlar eshigini ochishga ko'mak beradigan jamoat tashkilotidir.

Asal RASHIDOVA.

Kino olamida

«ZAKOVAT»CHI FILM MUALLIFI

2006 yil kino ekranlarimizga chiqqan yangi «Vijdon» filmi ko'pchilik muxlislar qalbidan joy ola bilgan filmlardan biri bo'ldi. Yaqinda ushbu filmning senariy muallifi Rustam Jabborovni suhbatga tortdik.

– Rustamjon, sizning hikoyangiz asosida suratga olingan film qiziqarli chiqadi, deb o'ylaganmidingiz?

– Avvalambor ushbu hikoyaning o'zi haqida bir oz to'xtalishni xohlardim. Bu hikoyani bundan bir yil oldin do'stim gapirib bergan voqea asosida yozgandim. Hattoki bir necha bor kichik hikoya sifatida «Ko'ngil ko'chalari» gazetasida ham chop ettirilgan. Ochig'ini aytsam, kino rejissyorlari va prodyuserlarining diqqatini o'ziga jalb etishini kutmagan edim. Xullas, kunlarning birida bu filmning prodyuseri Shukurjon Sobirjonov menga qo'ng'iroq qilib, hikoya u kishiga juda yoqqanini aytdilar. Hikoya asosida yangi badiiy film olish istaklari borligini va ushbu filmning senariysini yozib berishimni taklif etdilar. Men ham o'z navbatida bundan juda xursandligimni va ishga kirishishga tayyor ekanligimni bildirdim. Shundan keyin bu filmga tayyorgarlik ishlari boshlanib ketdi.

– Bilishimizcha, filmning senariysi biroz boshqacharoq yozilgan ekan...

– To'g'ri. Men yozgan hikoya to'liqligicha tragediya edi. Ammo kino ijodkorlari bunga biroz komediyani qo'shib, filmni tragikomediya janrida olishga qaror qilishdi.

– Filmni tomosha qilgan muhlislarning ko'pchiligi kartina qahramoni bo'lmish Dilfuzaning otasi bevaqt hayotdan ko'z yumganidan qattiq iztirob chekishdi. Shu qismini biroz o'zgartirsa bo'lmasmidi?

– Bo'lardi. Ammo film ijodkorlari kino ta'sirini bir oz kuchaytirish maqsadida shunday yo'l tutgan bo'lsalar, ajabmas.

– Bundan keyin ham yangi filmlarga senariylar yozib berishda davom etasizmi?

– Bu hol mening ijodimda yangi yo'nalishni ochdi, desam xato bo'lmaydi. Ijodkor sifatida bunaqangi hikoyalarni yozishga juda qiziqaman.

– Sizni ko'pchilik muxlislar «Zakovat» ko'rsatuvining eng faol ishtirokchilaridan biri sifatida ham yaxshi bilishadi. Nazarimda, yoshlarimizning ma'naviy, intellektual saviyasini oshirish uchun shu ko'rsatuvga o'xshagan dasturlarni yanada ko'paytirish kerak.

– Nafaqat sonini, balki sifatini ham oshirish kerak. Men o'zim imkon qadar «Zakovat»ga turkumdosh ko'rsatuvlarning barchasini ko'rib borishga harakat qilaman. Ammo gohida buning ilojini topolmayman.

– Hozirgi filmlarimizga, sizningcha nimalar yetishmayapti?

– Ayni kunlarda suratga olinayotgan aksariyat filmlarimizda ko'proq milliy qiyofa va hayotiylik yetishmayapti. Oddiy tomoshabin sifatida filmlarimiz boshqa xorij filmlaridan o'zining yaqqol milliy qiyofasi bilan ajralib turishini xohlardim. Ko'pincha filmlarimiz ovro'pacha, turkcha va yana hindcha qiyofaga ega bo'lib borayotgandek.

– Shu kunlarda nimalar bilan bandsiz?

– «Vijdon – 2» filmi ustida ish olib boryapmiz. Shu bilan birgalikda, marhum yozuvchi Husan Eshmurodovning «Armonli dunyo» qissasi asosida yana bir badiiy film senariysi ustida kinorejissyor Yo'ldosh Haydarov bilan hamkorlikda ishlayapmiz. «Vijdon – 2» filmimizda qahramonlarimiz hayotida ijobiy o'zgarishlar yuz berishi kutilmoqda.

Nigora SHOFAYZIYEVA suhbatlashdi.

ФЕСТИВАЛЬ ПЕСЕН

Недавно в киноконцертном зале «Заравшан» в рамках проекта «Fresh art» состоялся фестиваль-конкурс вокально-эстрадной песни.

Перед конкурсантами была поставлена непростая задача: артистично исполнить песню и показать глубину и красоту голоса. Во время концерта юных артистов поддерживали родители, гости, друзья.

Среди гостей программы следует отметить талантливую шоу-группу Джамми Буш, восходящую звездочку Узбекистана Ширин, а также несравненного Servera. Необходимо отметить, что Ширин и Server уже становились финалистами проекта «Fresh art» в 2006 году.

Во время фестиваля также состоялся конкурс на лучшую танцевальную группу школы танцев «Fresh art».

Были представлены сложные танцевальные постановки в стиле «hip-hop», «R'n'b». Победители конкурсов примут участие в дальнейших фестивалях проекта «Fresh art»-2007.

Николай БЕЛОЛИПЕЦКИЙ.



Ҳафтамиз гўзалининг бу галги маликаси – Малика Қурбонова. Яна саноқли ойлардан сўнг, ҳамширалик дипломини қўлга оладиган соҳибжамол қизимизнинг келажак мақсади – Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олиб, етук шифокор бўлиш. Шунингдек, компьютер ва бичиш-тикиш билан шуғулланиш ва китоб мутолааси Маликанинг жону дили. Орзулари ўзидек гўзал қизимизга омад ёр бўлсин деймиз.

SOG'LOM TURMUSH – SOG'LOM FIKR

Yigirma birinchi asrning global muammolaridan biri OITS xastaligidir. Ayniqsa, yosh avlod vakillariga bu dardi bedavoni, mazkur muammoni atroflicha tushuntirish, bu borada targ'ibot-tashviqot ishlari olib borish muhim.

IIV Yong'in xavfsizligi oliy ta'lim maktabida o'tkazilgan o'quv-amaliy seminar ham aynan ana shu maqsadga qaratildi. Tibbiy xizmat podpolkovnigi M.Xaytakov, tibbiy xizmat mayorlari – A.Abduqodirov, A.O'zbekov, tibbiy xizmat kapitani M.Mirvaliyev kabi oliy malakali mutaxassislar ikki kun davomida yoshlarga – bo'lg'usi ofitserlarga OITS profilaktikasi bo'yicha to'laqonli ma'lumotlar berishdi.

Mazkur tadbirda qatnashib, muayyan tajribaga ega bo'lishgan o'qituvchilarga maxsus sertifikatlar topshirilishi kelgusida bu dolzarb mavzuda ularning kursantlarga atroflicha saboqlar berishini ta'minlaydi.

Bundayin tadbirlar yoshlarimizning, yurt osoyishtaligi posbonlarining sog'lom turmush tarzi ruhida kamol topishlarida, sog'lom fikrlashlarida muhim ahamiyat kasb etadi.

Katta leytenant O'ktam XOLIQOV.

ILHOM BAG'ISHLAYDI

Markaziy ofitserlar saroyi qoshidagi bichish-tikish kurslarida tahsil oluvchi yoshlarning navbatdagi ijodiy ko'rgazmasi bo'lib o'tdi.

Ma'lumki, bu yerda nafaqat bichish-tikish, balki komp'yuter, xorijiy tillarini o'rganish singari kurslar ham faoliyat ko'rsatib, u yerda harbiylarimizning oila a'zolari va farzandlari imtiyozli tarzda o'qitiladilar.

Hashamatli bino zaliga yig'ilganlar e'tiboriga mavsumiy hamda turli yoshdagilar uchun mo'ljallangan kiyim-kechaklar, bayram va to'y liboslari, rang-barang ko'ylaklar, kashtachilik namunalari havola etildi. Kurslar qatnashchilari o'z ijod mahsulini taqdim etish bilan birga uni namoyish qilish mahoratlarini oshirdilar.

Har bir chiqishning gulduros qarsaklar bilan qarshi olinishidan ma'lumki, liboslar ko'rgazmasi tomoshabinlarga juda manzur bo'ldi. Bu esa o'z navbatida tadbir sababchilariga yanada kuch, kelgusi faoliyatlarida g'ayrat va ilhom bag'ishlashi aniq.

Navbahor JALILOVA.

Учебно-методический центр воинских искусств «SHTURM»

проводит набор в специализированные военно-спортивные классы (для учащихся 5-х, 6-х, 7-х классов) на базе общеобразовательных школ №153, №161.

Обучение проводится на узбекском и русском языках, на договорной основе (с родителями учащихся).

Ведутся следующие специальные предметы:
– Дзюдо; АРБ (армейский рукопашный бой).
– История КЭМПО; основы военного дела.

По окончании обучения выдается сертификат.

Адрес: школа №161 – метро Буюк Ипак Йули; школа №153 – метро Чкалова.
Тел.:63 29 42, 196 34 81, 67 56 67, 321 54 11.

ОПЫТ БЕРЕТ ВЕРХ

Эти «игры разума» должны были выявить сильнейшую команду знатоков в Узбекистане. Игры показали, что, когда в борьбу вступают эрудиты, неожиданные события могут развернуться в любую минуту.

Ташкентский клуб «Что? Где? Когда?», являющийся официальным членом Международной ассоциации клубов, недавно провел чемпионат Узбекистана игры «Что? Где? Когда?» В состязании приняли участие 26 команд из Ташкента, Навои и Заравшана. Знатоки, занявшие первое место, были бы объявлены чемпионами Узбекистана и получили бы право представлять нашу страну на первенстве мира-2007. Однако во время финала выявить сильнейшего не удалось. В решающей игре состоялась перестрелка, которая состояла из 12 вопросов. В результате команды «VVV» и «7Hz» взяли 8 вопросов, а «Никита мобайл Тэ Тэ» одолела только 7 вопросов. Вот тут-то «VVV» – молодой команде и надежде узбекского «Что? Где? Когда?» – немного не хватило опыта, и она уступила «7Hz». Последние уже во второй раз празднуют яркую победу.

Аброрходжа ЕСХОДЖАЕВ.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Начинают реализовываться ваши заветные планы и замыслы. На работе дела продвигаются успешно. Вы многое можете успеть – было бы желание. Учитесь слушать и слышать.

ТЕЛЕЦ

Будьте активнее. Будьте предельно честны и откровенны с друзьями и членами семьи. Будьте осторожнее, так как ваши недоброжелатели способны нанести урон вашей репутации.

БЛИЗНЕЦЫ

Хорошее время для творчества в любых его проявлениях. Вы сможете изменить мир вокруг себя в лучшую сторону. Желательно снизить до минимума нагрузку и выкроить время на отдых.

РАК

Будьте смелее и экстравагантнее – и вы будете блистать среди толпы. Ваша рабочая результативность будет зависеть от самообладания и самодисциплины. Будьте энергичнее.

ЛЕВ

Лучше не планировать решение жизненно важных задач. Выкроить побольше времени для отдыха. На работе вам будет необходимо проявить собранность и пунктуальность.

ДЕВА

Можно ожидать хороших известий и заманчивых предложений издалека. Благоприятное время для любых начинаний, связанных с общественной деятельностью.

ВЕСЫ

Вашими лучшими спутниками должны стать здравый смысл и бдительность. Нестандартный подход к решению проблем даст положительный результат. Не стоит ссориться с близкими людьми.

СКОРПИОН

Желательно провести больше времени в семейном кругу. Постарайтесь объективно оценить себя, не занижайте самооценку. Проявите исполнительность и доделайте необходимые дела.

СТРЕЛЕЦ

Постарайтесь не расслабляться. Прекрасное время для совершенствования личных качеств и саморазвития. Постарайтесь быть настойчивее и требовательнее, отстаивайте свою точку зрения.

КОЗЕРОГ

Неделя вас может порадовать интересными новостями. Удачное время для претворения в жизнь вашей новой интересной идеи. Постарайтесь не сомневаться в своих возможностях.

ВОДОЛЕЙ

У вас появятся неплохие шансы сделать карьеру. Вам необходима добросовестность и своевременное выполнение работы. Не забудьте навестить родственников.

РЫБЫ

Неделя может оказаться весьма удачной во многих сферах вашей деятельности. Постарайтесь не связывать себя никакими обязательствами: вам понадобится редкостная осторожность.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Зуваласи шариф ойим, қани айт-чи, ҳатто ўғил болалар кийишга уяладиган калта майка, тору танқис шимларда юрган, ўзини шу туришини «замонавий» атаган қизни ҳавас қилиб бўладими? Одатда яхшилик келтирадиган янгиликни ҳавас қиладилар! Тафаккурли одам тобора афзаллашиб бориши лозим. Хўш, тумонат халқнинг ичида ярим яланғоч кетаётган ҳалиги қиз кийими билан нима демоқчи?

Аёнки, либос танлашдан мақсад – атрофга маъқул келиш. Сен бир гапимга ишонавер: агар бели очиқ, елкаси очиқ, сақич чайнаб, бурнини осмонга қадаб кетиб бораётган «замонавий» қизу рисоладагидай қўйлак, ярақлаган ироқи дўппи кийган, узун сочларини яккита ё майда ўриб ташлаб, кўзларини ерга тикиб бораётган «эскича» қизни қўйсанг, ҳамма ошиқ дўппилик қизнинг орқасидан кетиши аниқ!

БОБУРШОҲ СУЛОЛАСИНИНГ ДАВОМЧИЛАРИ

Мактаб дарсликларида латиф чеҳрали шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўйга чўмиб турган суврати бор. Китобда берилган ҳаёти ва ижодининг қисқа таърифи бу буюк инсон шахсига бўлган қизиқишимни беҳад орттирган. Уни қанчалар чуқур ўрганганим сари ҳамиша мусаффо ва равон, ҳаёт нафаси уфуриб турадиган зилол чашмага ўхшатаман. Болалигимдан яна бир нарса мени ниҳоятда қизиқтириб келган.

Бобуршоҳнинг авлодлари қолганмикан? Қолган экан! Замонлар талотўпидан омон қолиб бизнинг кунларимизгача давом этиб келаётган ришталар мавжуд экан. Яна энг қувонарлиси улар юртимизда, биз билан ёнма ён яшаб, ишлаб келар эканлар. Мустақилликнинг буюк неъмат эканлигини мана шундай кашфиётлар ҳам далиллайди. Чунки айнан истиқлол сабаб илдизлари шоҳ Бобурга бориб туташадиган оила ўзлари ҳақида ошкора маълум қилдилар.

Бу фикрлар таниқли ижодкор, «Тонг юлдузи» газетасининг бош муҳаррири Тўлқин Ҳайитга тегишли. Айнан шу инсон саъй-ҳаракатлари билан Абу Зафар Баҳодир шоҳнинг чевараси Зайниддин Мавлонов пойтахтда истиқомат қилаётгани аниқланди. Қуйида Бобуршоҳнинг бугунги авлодлари, уларнинг яқин тарихидан айрим воқеалар билан таништириб ўтишни лозим деб билдик.

Ҳиндистон тарихида буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг беқиёс ўрни бор. У асос солган улкан салтанатни бир неча аср давомида бобурийлар бошқардилар. Ва бу даврлар тарихда Ҳиндистоннинг олтин даври дея эътироф топди.

Бой ва гўзал мамлакатга ғаразли нигоҳларини тикиб турганлар кўп эди. Буюк Британия давлати 1857 йилда Ҳиндистонни ўз мустамлакасига айлантирди. Мамлакат бойликлари талон-тарож қилинди. Миллий қадриятлар мустамлакачилар томонидан топталди. Бобурийлар салтанатининг сўнгги ҳукмдори Абу Зафар Баҳодиршоҳ қамалга олинди. 1858 йилда шаҳзодалар Мирзо Муғул, Хизр Сулаймон Мирзо, Абубакр Мирзолар инглиз босқинчилари томонидан шафқатсизларча отиб ташланди. Биргина Мавлоно Мир Хизр бахтли тасодиф билан омон қолди. Мир Хизр яқин одамлари билан Деҳлидан Кашмирга ўтиб, бирмунча вақт яшайди. 1880 йилда ғоят катта қийинчиликлар билан Мозори Шариф орқали Мовароуннаҳрга етиб келади. Бу ерда уни мангитлар амири Амир Музаффар иззат-икром билан қабул қилди. Унга Бухоро амири Мир ҳарбий унвонини берди. 1896 йилда Носириддин Мирзо ҳам муборак Бухоройи шарифда таваллуд топди. 1920 йилда юз берган Бухоро инқилоби жуда кўп нарсаларни ўзгартириб юборди. Кўҳна шаҳар тўпга тутилишидан аввал Бухородаги нотинчликни вақтинча деб ўйлаган бўлсалар керак, Мавлоно Мир Хизрнинг оиласи унчалик узоқ бўлмаган Ваҳоскан (ёки Ваҳоскент)даги боғ ҳовлиларига жўнаб кетдилар. Шаҳар тинчиб қолгандир, деган умидда қайтиб келган оила аҳли даҳшатли манзарадан қотиб қолдилар. Бухоронинг энг кўркам ҳовлиларидан ҳисобланган Мавлоно Мир Хизрнинг уйи вайронага айланган, талон-тарож, ғорат қилинган эди. Бу хонадоннинг энг қимматбаҳо бойликлари ҳисобланган турли қўлёзмалар, хусусан, «Бобурнома» ҳам талончилар томонидан ўмариб кетилди. Бу йўқотиш нафақат бобурийлар авлоди хонадонининг, балки миллатимизнинг бошига тушган кўргилик, йўқотиш эди. Каттагина хонадон бошпанасиз, пулсиз, маблағсиз, чорасиз аҳволда қолдилар. Булар камлик қилганидек Мавлоно Мир Хизр ҳам шўролар томонидан отилди.

Шу ерда бирозгина ҳунар ҳақида гапириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ўйладим. Эътибор берган бўлсангиз, халқ оғзаки ижоди ва ёзма асарларда ҳам ҳунар эгаллашга, ҳунармандликка катта аҳамият берилади. Ҳазрат Мир Алишер Навоий «Хамса»сидаги «Фарҳод ва Ширин» достонидан Фарҳоднинг ҳунар ўрганишини эсланг-а. Ҳунар ҳамма замонларда ҳам ўз қадрини топган. Бу билан нима демоқчиман? Мавлоно Мир Хизрнинг оиласида ҳамма нарса ортиғи билан мавжуд эди. Ёки Бухоро амирининг девонбеги Баҳром хонадонида ҳам ҳамиша тўқчилик бўлган. Шундай бўлса-да, улар ўз фарзандларининг ҳунар эгалари бўлишига катта эътибор берганлар. Бу кўплаб давлатманд, саодатманд оилалар учун тарбиянинг муҳим мезони ҳисобланган.

Агар девонбегининг қизи Ҳадябегим қўли гул чевар бўлмаганида, Мавлоно Мир Хизрнинг ўғли Носириддин Мирзо юксак заковат соҳиби, илм эгаси бўлмаганида улар замон талотўпларида номсиз, нишонсиз кетиш билан бирга улуғ сулоланинг давомчилари ҳам бўлмас эди.

Шу жойда Ҳадябегим ҳақида тўхталмоқ бурчимиздир. Ҳадябегим… Баҳром девонбегининг икки ўғли бўлиб, қизлари йўқ эди. Оллоҳдан қиз фарзанд ато этишини сўраб, кўп илтижолар қилган девонбегининг ниҳоят орзуси ушалди. Бу қизни Оллоҳнинг эҳсони сифатида қабул қилдилар ва Ҳадя исмини бердилар. Бегим бу исмга минг бора лойиқ эканликларини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Ҳадябегим… Малоҳатли, илмли, доно ва фидойи темурий маликаларнинг муносиб издоши. Бугун юртимизда Бобуршоҳ авлоди давомчиларининг борлиги бегимнинг аёллик мартабасини теран илғай билганлиги, унинг нафис вужудида жойлашган темир иродаси, жасоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Шўролар ҳукумати Носириддин Мирзо ёки Носириддин Мавлоновни оиласи билан Бухородан Боёвут туманига сургун қилди. У бир неча йиллар бу ерда солиқчи вазифасида ишлади. Бу инсон ҳаётининг ўзиёқ бир қисса бўлгулик. Мазкур мақола Носириддин Мавлонов шахсини етарли очиб бера олмайди, албатта. Қатағон даври саховатпеша, фиқҳ илмининг билимдони, зукко бир инсонга ҳам бўҳтондан иборат тамғасини босди. У 1937–1945 йилгача совуқ шимол ўлкасида «жазо» муддатини ўтади.

Ҳадябегим ва Носириддин Мирзонинг Аслиддин исмли ўғиллари бор эди. Аслиддин 1941–1945 йиллардаги улкан муҳорабада ҳалок бўлди. Аёл учун фарзанд доғидан кўра чўнг қайғу бўлмаса керак. Носириддин Мавлонов қайтиб келганида ғам-қайғудан қадди эгик, дардга чалиниб қолган, ёшига нисбатан эрта қартайиб қолган аёлини кўрди. Эрининг қайтиб келиши унга дадиллик бахш этди. Ҳадябегим ўзи бошқа фарзанд кўра олмаслигини биларди. Шу сабабли эрини уйлантириш пайида бўлди. Эрини уйлантириш… Бу сизу биз ҳазм қилишимиз бир қадар мураккаброқ бўлган ибора. Шундай эмасми?! Ҳадябегим…Унинг садоқати, вафоси сизу бизнинг ўлчамларимиздан юксакроқ экан. Унинг вафо-садоқати аждодлар олдидаги бурч туйғуси ила сайқалланган, камолга етган экан.

Биз улуғ бобурийлар сулоласини давом эттиришга бурчлимиз! Ана шундай аҳд билан бир кечада яширинча Боёвутни тарк этдилар. Ҳадябегимнинг акаларининг қизи бўлган Маҳбубахон шу тариқа Носириддин Мавлонов никоҳига қабул қилинди. Бу никоҳ барокатли бўлиб, саккиз фарзанд дунёга келди. Уларнинг барчаси Ҳадябегим тарбиясини олдилар.

Ўқувчида ҳақли савол туғилиши мумкин. Нега улар шу пайтгача ўзларидан хабар беришмади? Бу ҳақда тадқиқотчи, буюк сулоланинг вакили Зайниддин Мавлонов шундай дейди:

– Оиламизнинг ёзилмаган қонунларига кўра кимнинг авлоди эканлигимизни ҳамиша сир тутиб келар эдик. Отамнинг Ҳиндистондан келган Бобомирза исмли хизматкорлари бўлар эди. Мен у кишини яхши эслайман. Улар аввал бобомнинг қўлида, кейин отамнинг даргоҳида биз билан яшадилар. Бобомирза Абу Зафар Баҳодиршоҳ билан боғлиқ тарихий воқеаларни бизга ҳикоя қилиб берар ва шу орқали ким эканлигимиз, аждодларимизнинг ким бўлганлигини уқтирар эди. Катта онамиз Ҳадябегим замоннинг турли нохуш ўзгаришларидан юрак олдириб қўйган бўлсалар керак, бизни эҳтиёткор бўлишга ундардилар. Аммо бизнинг ким эканлигимизни кўп зиёли инсонлар билар эканлар. Кавказ, Қозон, Уфа, Афғонистондан отамни йўқлаб келишарди. Илм эгаларининг суҳбатлари тонггача чўзилган дамлар кўп бўлар эди. Отамнинг олдиларига оғир жомадонларни кўтариб келиб кетадиган кишини яхши эслайман. Унинг ким эканлигини билмайман. Аммо кейинчалик бу жомадонлардаги диний китоблар эканлигини, отам диний асарлар каталогини тузганлигини тасодифан билиб қолдим. Ҳануз ўша каталогдан фойдаланишлари унинг ғоят зукко инсон бўлганлигини билдириб туради. Падарим араб, ҳинд, урду тилларини билардилар, олти хил араб ёзувини мукаммал ўрганган уста хаттот эдилар. Афсуски, шўро даври унинг меҳнатини, билимини етарли қадрлай билмади. Шарофатли мустақиллик тарихга холис ёндашмоқ кераклигини кўрсатиб турибди. Бугун улуғ сулоланинг вакили эканлигимдан ошкора ғурурланишим ҳам ана шу буюк неъмат – Мустақиллик туфайлидир. Бобурийлар сулоласининг давомчилари борлигини кенг жамоатчиликка илмий асосда таништиришда таниқли шоир, ёзувчи Тўлқин Ҳайитнинг алоҳида хизматлари бор. Биз бу фидойи инсондан чексиз миннатдормиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Театральный сезон

ТЕАТР, КОТОРЫЙ ЛЮБИМ

Молодежный театр Узбекистана под руководством режиссера Наби Абдурахманова принял участие в XI Международном фестивале русскоязычных театров стран СНГ и Балтии «Встречи в России».

Спектакли «Дар возлюбленной принцессе», созданный по мотивам узбекской народной сказки, и «Скрипач на крыше» по Шалому Алейхему тепло и восторженно встречены зрителями Санкт-Петербурга.

Наши артисты уже в шестой раз с неизменным успехом участвуют в этом фестивале, так что российский зритель успел не только узнать, но и полюбить театр.

О том, что Молодежный по праву считается театром высокого профессионализма, свидетельствуют и его творческие успехи. В 2001 году театр дебютировал на III Международном фестивале. Показав спектакль «Созвездие Омара Хайяма», он имел большой успех и получил превосходные отзывы критиков. В 2003 году постановка «Холстомера» была признана лучшим спектаклем фестиваля. «Принцесса Турандот» стала настоящим событием VI Международного фестиваля «Встречи в России» в 2004 году.

Немало интересного черпают для себя на фестивале и сами артисты. Фестиваль стал не только гимном театру-храму, но и по-человечески сближающим фактором. Этот ежегодный театральный форум дарит радость творческого общения, открывает новые имена, собирает вместе и знакомит актеров разных стран. Здесь обмениваются опытом, вместе переживают творческие неудачи, преодолевают трудности и радуются успехам коллег.

Новым признанием успешного выступления нашего Молодежного театра на фестивале стало предложение от руководителя фестиваля «Встречи в России» генерального директора театра-фестиваля «Балтийский Дом» Сергея Шуба продолжить совместное сотрудничество двух театров. В результате всего за 12 дней наш Молодежный театр совместно с Санкт-Петербургским театром-фестивалем «Балтийский Дом» подготовил и поставил новый спектакль «Притча о любви», созданный по мотивам поэмы А.Навои «Язык птиц». Критики доброжелательно оценили этот спектакль, а зрители получили большое удовольствие от нового творения молодых артистов двух стран.

Кстати, «Притча о любви» в первый раз зазвучит на ташкентской сцене при участии единой театральной семьи. Заметим, что поэма Алишера Навои «Язык птиц» признана во всем мире высочайшим достижением не только восточной, но и мировой культуры.

Эналида ТЯН.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

Машҳур саркардалар ҳаётидан

АХЕНЛИК ИМПЕРАТОР

Буюк Карл франкларнинг Каролинг қироллик сулоласидан бўлиб, таниқли лашкарбоши Карл Мартеллнинг невараси эди. У ҳозирги Германиянинг Ахен шаҳрида, Калта Пипин оиласида туғилди. Бўлажак Рим императори ажойиб ҳарбий маълумот олиб, давлат бошқаруви фанини ўзлаштирди.

Ёш Карлнинг отаси Калта Пипин мақсадга интилувчан, жанговар табиатли инсон эди. У нафақат франклар ерини босиб олишга, балки қўшни ерларни ҳам қўшиб олишга интиларди. 768 йили Пипин вафот этди ва қироллик ўғиллари Карл ва Карломанга мерос бўлиб қолди. Бундай қўшҳокимлик зиддиятлар келтириб чиқариши мумкин эди. Лекин уч йилдан сўнг Карломан тўсатдан вафот этгач, Карл Франк давлатининг ягона ҳокимига айланди.

Акасининг ўлимидан бир йил олдин Карл франкларнинг рақиби бўлмиш Лангобард қиролининг қизига уйланган эди. Яккабош қирол бўлганидан сўнг эса у хотинини отаси ёнига қайтариб юборib, қўшни лангобардлар ерларига юриш бошлади. 774 йилги жангда ғолиб бўлиб, собиқ қайнотасини асир олди ҳамда Шимолий Италия Франк давлати таркибига киритилди. Шундан сўнг у Римга қараб юрди.

Буюк Карл лангобардларга, (773-774 ва 767-777 йиллар), баварияликларга (788 йили), саксларга (772-804 йиллар), Испаниядаги арабларга (778-779 ва 796-810 йиллар), аварларга (791-799 йиллар) ва славян қабилаларига (789-806 йиллар) муваффақиятли юришлари ва босқинчилик урушлари билан Европа ҳарб тарихида катта шуҳрат қозонди.

Натижада у ҳудуд ва аҳолиси бўйича йирик Франк империяси ҳукмдори бўлди. Ўзининг босқинчилик фаолиятини оқлаш учун Карл, отаси Рим папасини қирол билан ҳимоялашга ваъда берганлигини рўкач қиларди. Лекин янги босқинчилик юришларига диний қарашлар эмас, балки ўз ерларини кенгайтириш кўпроқ сабаб бўларди.

Лангобардлар қироли билан бўлган уруш бошланишидан аввалроқ Карл ҳозирги Шимолий Германия ерларида яшаган саксларга қарши узоқ давом этган урушни бошлади. Бу уруш эрксевар халқни бутунлай мағлуб этгунга қадар давом этди.

Буюк Карл ўзи қураётган давлат қудрати биринчи галда ҳарбий кучга асосланишини яхши тушунарди. Шунинг учун у франклар армиясини кучайтириш ҳақида қайғурарди. Босқинчилик урушларининг бошларидаёқ армия тубдан ўзгарди. Авваллари франкларнинг қўшини асосан эркин деҳқонлардан иборат эди. Қироллик бошқаруви кучайган сари уларнинг ерлари феодаллар ҳисобига қисқариб борди ва оддий халқнинг ҳарбий хизматда бўлиши қийинлашди. Карл ҳарбий хизмат ҳақидаги қонунларга ўзгаришлар киритди. Энди ҳарбий хизматга фақат эркин франклар жалб қилина бошлади.

Йирик ер эгалиги ривожланиши натижасида отлиқларнинг катта қўшини тўпланди. Қирол қонунларида айтилишича, биринчи чақирув бўлиши билан, ҳар бир катта ер эгаси отда, қуролланган ҳолда етиб келиши лозим эди.

Қурол-аслаҳали бундай отлиқнинг умумий нархи сигирлар сони билан баҳоланарди (дубулға – 6 та, аслаҳалар – 12 та, қилич қини билан бирга – 7 та, ҳанжарлар – 6 та, найза ва қалқон – 2 та, жанговар от – 12 та, жами 45 та сигир).

Чавандозлар ўша даврда Европада энг яхши ҳисобланган узун қиличлар билан қуролландилар. Пиёда жангчиларнинг ҳам кўринишн ўзгарди – улар болта, найза ва қалқонлар билан қуролланиб, мустаҳкам чармли ҳимояловчи кийимлар кия бошладилар. Кам таъминланган аҳоли эса қўшинга камончи сифатида қабул қилинарди.

Саркарда-қирол 788 йили қўшни Баварияга юриш бошлади. Яхши ўйланган режа асосида баварияликлар ерига уч томондан ҳужум уюштирди. Бу ҳужум шунчалик кучли бўлдики, каттагина қўшинга эга бўлган Бавария герцоги Тассилон Карлга жангсиз таслим бўлди.

Карл Жанубий Франция ва Жанубий Германияга ҳам жанговар юришлар қилди. Катта қўшини билан ҳозирги Венгрия, Босния ва Герцеговиния ҳудудларига бостириб кирди. Пириней ярим оролига қилган юришлари эса 20 йилга яқин давом этиб, Барселона шаҳрининг забт этилиши билан тугади.

Кўп сонли босқинчилик урушларидан сўнг Карл Ғарбий ва Марказий Европанинг катта қисмига ва қитъадаги энг кучли армияга эга бўлди. Буни Рим папаси қароргоҳида ҳам тан олдилар.

Франклар қиролига император бўлиш насиб этди. Рим папаси 800 йили Карлга тож кийдириб, уни Рим империясининг императори, деб эълон қилди.

Карл ўз империясини Римдан эмас, балки Ахен шаҳридан туриб бошқаришни хуш кўрарди. Энди у ерларини кенгайтиришдан тўхтаб, асосий эътиборни империя чегараларини мустаҳкамлашга қаратди. Давлатнинг ички тузилишига кўпроқ вақт ажрата бошлади. Император саройи Рим империясининг маъмурий маркази ҳисобланарди. Карл давлатни бошқаришда фақат ҳарбий кучга эмас, католиклар черковига ҳам таянарди.

Буюк Карл давлат қонунчилигини такомиллаштиришга, католик динини тарғибот қилишга, жойларда лотин тилини ўрганишга катта эътибор қаратди, китобларни қайта кўчириш (кўпайтириш)ни ташкил этди.

Машҳур саркарда ҳаёти давомида 53 та ҳарб юришларни ташкил қилди. У душманга кутилмаганда ҳужум қилишга интилар, юришларни бир неча маршрут бўйича амалга оширар, бунинг ҳисобига ҳал қилувчи жанг ўтадиган жойга кўп сонли армия бир вақтда етиб келарди. Қолаверса, рақиб кучларини разведка қилиш натижаларидан унумли фойдаланар, рақибнинг бошлиқ ва аристократларини «сотиб олишни» ҳам йўлга қўйганди.

Император Карл 71 ёшида вафот этди. У тузган йирик Рим империяси 30 йилдан сўнг учта давлатга – Франция, Германия ва Италияга бўлиниб кетди.

Подполковник
Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ.

А В ПАРКЕ МУЗЫКА ЗВУЧАЛА

Парк «Жасорат» Центрального музея Вооруженных Сил Республики Узбекистан – любимое место отдыха военнослужащих и членов их семей. В парке они по вечерам и в выходные дни могут отдохнуть и с новыми силами выйти на службу.

В нынешнем году парк сильно преобразился: реставрирована Аллея героев, реконструирован памятник Защитнику Родины. В ночное время аллею теперь освещают специально установленные прожектора, благоухают цветы, красивые струйки фонтанов в созвучии со звонкими радостными голосами детей придают парку особый колорит.

В минувшее воскресенье в парке «Жасорат» было особенно торжественно и многолюдно. В этот день здесь состоялось открытие летнего сезона. В честь этого мероприятия с концертной программой выступил Отдельный образцово-показательный оркестр Министерства обороны.

Бурными аплодисментами сопровождали присутствующие в этот день в парке родители и дети выступления заслуженного артиста Республики Каракалпакстан младшего сержанта Григория Хасанова, служащей Вооруженных Сил Зулхумор Атаевой.

На открытие летнего сезона пришли и бабушки с внуками и внучками ветераны труда Мария Володина, Рамза Хайбулина, Джамиля Таймасова и многие другие. Радостный настрой присутствующих и их общее мнение высказала М. Володина:

– Скоро у наших школьников начнутся летние каникулы, и открытие летнего сезона в парке «Жасорат» очень даже кстати. Здесь нашим детям будут предоставлены различные карусели, игровые площадки, горки и т.д. Также дети могут посетить Центральный музей Вооруженных Сил, ознакомиться с различными экспонатами, вооружением военных лет, лучше узнать историю

– Совместно с Управлением культуры и спорта Ташкентского городского хокимята планируется улучшить условия культуры и отдыха в парке «Жасорат», – говорит начальник Центрального музея Вооруженных Сил Республики Узбекистан подполковник С.Ортиков. – В ближайшее время намечено открытие шахматно-шашечного клуба, уже набирается группа. Кстати, в каждый выходной день в парке «Жасорат» запланировано выступление художественных коллективов Министерства обороны.

Что ж, можно смело заявить, что центром культурного досуга детей и взрослых в ближайшем будущем станет парк «Жасорат».

Лаура ЗАЙНИЛОВА,
ученица школы № 171.



Янги изоҳли луғат

МАЪНАВИЙ ГАВҲАР ЖАМЛАНГАН АСАР

«Сўзларни, аниқроғи, муайян давр сўзларини сурати, сийрати ва бутун синоати билан сақлайдиган сандиқ, албатта луғатлар эканлиги маълум», дейди филология фанлари доктори Низомиддин Маҳмудов.

Башарти шундай экан, яъни луғат тилимиздаги сўзларни бор «бўйбасти» билан сақлайдиган сандиқ экан, демак, луғатшунослик илми жамиятдаги энг муҳим, зарур соҳалардан. Биз ҳар куни бу сандиқни очишга, унинг хазиналаридан баҳраманд бўлишга ҳаракат қиламиз. Негаки, жамиятдаги катта-кичик воқеалардан тортиб, жаҳоншумул ҳодисаларгача тилимиз ганжинасида акс этади. Шу боис ҳам қадимқадимдан луғатшуносликка аждодларимиз улкан эътибор қаратиб келишган.

Бу хусусда гап кетганда, аввало, буюк бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари кўз олдимизга келади. Жумладан, мазкур асарда шундай дейилади: «Туркий тил араб тили билан пойга қилиб, ундан ўзиб бораётган тилдир. Туркларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл – уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, уларни ўзларига яқин тутадилар». Шеърият мулкининг султони ҳисобланган бобокалонимиз Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида тўрт юз йил олдин ёзилган бу асарда тилимизнинг боқийлиги, гўзаллиги, нафислиги эътироф этилади.

Ўзбек луғатчилиги тарихида ҳам шундай сара асарлар борки, улар нафақат бизда, балки дунё луғатшунослик амалиётида ҳам қўлланилади, эътироф этилади. Муаллиф Н.Маҳмудов улар сирасига Маҳмуд Замахшарийнинг «Асос ул-балоға» ва тўрт тилли «Муқаддимат ул-адаб» луғати (ўн иккинчи аср), муаллифи номаълум «Ат-туҳфатуз-закияти фил луғотут-туркия» луғати (ўн учинчи аср), Толе Имони Ҳиравийнинг «Бодое ул-луғат»и (ўн бешинчи аср), «Абушқа» шартли номи билан танилган луғат (ўн олтинчи аср), Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома» си (ўн еттинчи аср), Муҳаммад Ризо Ҳоксорнинг «Мунтаҳаб ул-луғот»и (ўн саккизинчи аср), Мирзо Маҳдийхоннинг «Санглоҳ»и (ўн саккизинчи аср), Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чиғатоий ва турки усмоний» асари (ўн тўққизинчи аср) кабиларни киритиб ўтади.

Ортда қолган асрда, аниқроғи, 1981 йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фидойи олимлари томонидан икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» яратилганди. Мазкур луғат улкан меҳнатнинг, илмий заҳматнинг ҳосиласи бўлиб, луғатчилик анъанаси, бой тажрибалари унда қўлланганди. Аммо мустақиллик арафасида, истиқлолга эришганимиздан кейин ушбу луғат олимлар томонидан анчайин эътирозларга сабаб бўлди. Негаки, унда ўша пайтдаги тузум мафкурасининг таъсири бор эди. Аниқроғи, тилимизнинг бор гўзаллиги, бойлиги тўлалигича ўз аксини топмаганди. Шу сабабли 1996 йилнинг 10 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, унда ўзбек тилининг янги изоҳли луғатини тузиш вазифаси олимларимиз, зиёлиларимиз олдига қўйилди.

Яқинда Фанлар Академиясининг тил ва адабиёт институти олимлари мазкур эзгу ишни амалга оширишиб, беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни яратишди.

Тилимизнинг 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларига изоҳ берилган бу фундаментал асарнинг яратилишида академик А.Ҳожиев, профессор Э.Бегматов, Э.Умаров, Н.Маҳкамов, А.Мадвалиев, З.Мираҳмедова, Д.Худойберганова, М.Содиқова каби таниқли тилшуносларнинг, таҳрир ҳайъати раҳбари профессор Т.Мирзаевнинг хизматлари беқиёс бўлди.

Бу улкан маънавий хазина ҳақида фикр юритар экан, олим Маҳмудов шундай дейди: «Янги изоҳли луғатни мутлақо янги жамият – мустақил Ўзбекистон ҳаётининг кўзгуси, дейиш мумкин».

Жаҳон тилшунос олимлари дунёга машҳур ижодкорларнинг сўз бойликлари бўйича тадқиқот ўтказишганда бобомиз Алишер Навоийга етадигани топилмаган. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, сўзимиз кўп, сўз гавҳарларимиз бисёр. Негаки, тафаккур уммони чуқур ва кенг халқмиз. Тафаккуримиз, заковатимиз меваси бўлган, айни пайтда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида босмадан чиқа бошлаган мазкур луғат ҳам маънавий хазинамиз юксалиши йўлида навбатдаги қадамдир.

Шерзод АЛИЕВ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Алижон Итолмасович САФАРОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3651. **Адади** 25100.